

Бахтиёр ИСОҚОВ

**БОШ
ҚОМУСИМИЗ –
ОР-НОМУСИМИЗ**

Бахтиёр ИСОҚОВ

**БОШ
ҚОМУСИМИЗ –
ОР-НОМУСИМИЗ**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
байрамига бағишлаб ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий тадбирлар, таълим-тарбия ҳамда
тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун
қўлланма

«НАМАНГАН» нашриёти
Наманган – 2016

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ишлар ҳамда таълим-тарбия жараёнлари ва тарғибот-ташвиқот фаолиятида фойдаланишга мўлжалланган мазкур услубий қўлланма Наманган вилоят Маънавият ва маърифат ҳудудий Кенгаши жамоатчилик тарғибот гуруҳи раҳбари, НамДУ доценти, Наманган давлат университети «Ахборот гуруҳи» раҳбари, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ томонидан тайёрланди.

Масъул муҳаррир: «Давр» газетаси бош муҳаррири З. Кенжаева

Такризчилар: тарих фанлари номзоди Н. Ғофуров
тарих фанлари номзоди З. Ҳайдаров



Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди молиявий кўмагида чоп этилди.

1464-5704.25 – 1822700

НГ _____ 2016

1465 (16.0) – (02)

ISBN - 978-9943-4608-5-0

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ

Конституцияни қабул қилиш – жумхуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевори қуришдир... Конституция ўзининг туб моҳияти фалсафий ғоясига кўра янги ҳужжат. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий ечимини топишга интилдик.

Ислоҳ КАРИМОВ

Биз энг азиз, энг муқаддас мустақилликка бир тарихий тасодиф оқибатида осонгина, ҳеч қандай қурашларсиз, табиатнинг гўёки бир инъом-эҳсон сифатида эришиб қолганимиз йўқ. Мозийнинг ёрқин кунлари билан бир қаторда оғир ва машаққатли саҳифалари, турли тарихий босқичларидаги мустамлақачилик, чет эл босқинчиларининг ҳукмронлик йиллари сира ҳам ёдимиздан кўтарилмаслиги даркор.

Буюк аждодларимиз ўзининг ақлу заковати ила бунёд этган ўта юксак маънавиятининг даъвати туфайли хуррият, озодлик, истиқлол сари тинимсиз тарзда интилиб, доимо қурашиб келганлар. Мустақил Ўзбекистон давлатчилиги ғоят улкан биносининг пойдеворига буюк бобоқалонларимиз, аждодларимиз, эл-юртимизнинг беғуноҳ қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас буюк фарзандлари, маънавий жасорат соҳиблари метиндек мустаҳкам тамал тошларини қўйганлар. Шу боисдан ҳам мустақиллик, хуррият, озодлик халқимизга бениҳоя қимматга тушган. Музаффар истиқлолнинг чиндан қадрига етиб, ўта ҳамжихатлик билан, бор қуч-қудратимиз ва имкониятлардан ғоятда унумли равишда фойдаланиб, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамиятининг пойдеворига асос

солинганлигига роса чорак аср бўлганлигидан ва қандай марраларни эгаллаганимиздан эса Сизнинг ўзингиз ҳам жуда яхши хабардорсиз.

Халқнинг энг катта ва энг улуғ бойлиги – давлати. Мустақиллик дегани – халқнинг ўз давлатига эга бўлганим. Халқ ўз давлати билан ҳисоб-китоб қилишга, у билан муросада яшашга ҳамиша рози. Бироқ, зинҳор-базинҳор давлат ичра тагин давлат пайдо бўлиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Чунки, халқ ўз давлати билан ҳисоб-китоб қилишга тайёр. Аммо, давлат ичидаги давлат ҳам ўз юкини халқнинг елкасига ташлаб қўйса, бу ёғи энди чидаб бўлмас ҳолат келиб чиқади. Давлат – мажбурлаш қувватига эга ниҳоятда катта куч. Жамият мавжуд экан, давлат ҳам бўлади. Бора-бора давлат йўқолиб кетади, деб ҳисоблаган коммунистлар қип-қизил утопист, яъни хаёлпараст бўлганлар.

Учинчи минг йиллик ибтидосидаги дунё ўта кескин ўзгаришлар палласига кирганлигини сезиб, кўриб турибсиз. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган, тобора жадаллашиб бораётган ахборотлашув, гуманизм ҳамда глобаллашув жараёнлари оқибатида бутун инсоният, башарият ўзини ўзгалар билан бирга ягона организм сифатида ҳис эта бошлади. Бизнинг озод юртимиз фуқароларида ҳам бутун жаҳон миқёсида шиддат билан рўй бераётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан бўлган бефарқлик, лоқайдлик каби муносабатлари анчагина сусайиб, бевосита дахлдорлик туйғуси эса ниҳоятда кучайиб кетди. Муқаддас ҳадислардан бирига биноан, «Ер юзидаги одамлар худди бир кемада саёҳатта чиққан йўловчиларга ҳам ўхшайдилар. Кеманинг қайси қисмида эканликларидан қатъи назар, уларнинг омонлиги ҳам, ҳалокати ҳам кеманинг қай ҳолатда бўлишига бевосита боғлиқдир».

Ота Маконимиз – Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланиб, жаҳон ҳамжамияти таркибига жуда ҳам дадиллик билан кириб борганлигини исботловчи юзлаб мисолларни эса, ўзингиз ҳам керагича келтира оласиз. Бугунги замондаги асосий мақсадимиз ҳам жаҳон цивилизацияси таркибига том маънода, тўлатўкис қўшилишдан иборат. Шу боисдан ҳам деярли барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнларида дунё стандартларига, мезонларига, талабларига ўзлигимизни ва миллий манфаатларимизни зинҳор унутмаган ҳолда мослашишга интилинмоқда.

Музаффар мустақиллик йилларида миллий урф-одат, маросим, анъана ва байрамларимизда ҳам бениҳоя ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Ўзлигимизни анчагина теран равишда била, англай бошладик. Аждодларимизнинг қудратли миллий маънавиятига, жуда ҳам юксак

қадриятларига ғоят кучли эҳтиёж ва зарурият сезилмоқда. Натижада, бизнинг турмуш тарзимизга, чет ўлкалардан агитация-пропаганда ва зўрлик воситасида олиб кирилган, сунъий гулга ўхшаш турли-туман байрамларнинг эл-юртимизнинг миллий истиқлол замонидаги ҳаёти учун бирорта маъно-мазмуни ҳам, маза-матраси ҳам қолмади. Айнан шу боисдан ҳам, узок ўйлаб ўтирмасдан, уч минг йиллик халқ тарихи ва миллий давлатчилигимизнинг анъаналарига мутлақо қарши бўлган шўровий-қизил айёмлардан шартта, биратўла воз кечиб қўя қолдик.

Хуррият йилларида ўзимизнинг бир қатор миллий айёмларимиз қайтадан тикланди, кўплаб, миллий истиқлолимизнинг истиқболига тўла мос келадиган, янгилари ҳам пайдо бўлди. Мустақил Ўзбекистон байрамларини бирма-бир санаб кўрайлик. Жами тўққизта умумхалқ байрамининг олтитаси – мутлақо янги давр, яъни миллий Истиқлол маҳсули. Булар – Наврўз айёми, Мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Ота маконимизнинг ўз Қомуси – Конституциямиз қабул қилинган кун, Рамазон, Қурбон ҳайитининг биринчи кунлари.

Байрамларимиз икkitасининг фақатгина санаси ўша-ўшалигича қолган, холос. Моҳиятан эса улар ҳам мутлақо янгича мазмунни касб этган. Булар – Хотин-қизлар куни ҳамда Хотира ва қадрлаш куни.

Демак, бир ўйлаб кўрадиган бўлсак амалда янги йилдан ташқари барча умумхалқ байрамларимиз – миллий Мустақиллигимизнинг энг асл, чинакам маҳсули ҳисоблади.

Бу ўзи нимадан далолат беради?

Дунёқараш, тафаккур, демакки, мафкурамизнинг ўзгаришидан!

Мана шундай янги байрамлардан бири ҳуқуқий маданиятнинг метиндек мустаҳкам пойдевори, хурриятнинг ҳақиқий химоячиси, эрк ва ҳуқуқларимизнинг кафолати, миллий тараққиётимизнинг ниҳоятда қудратли қаноти, сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурнинг ёрқин кўзгуси, эл-юртни аҳилликка чорлаш, бирлаштиришнинг бениҳоя муҳим ҳамда жуда таъсирчан воситаларидан бири Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган ниҳоятда қутлуғ кун ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, 8 декабрь – Конституциямизни қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга молик байрам сифатида ғоят кенг нишонлаш, тинимсиз тарғибот-ташвиқот қилишнинг анъанаси ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда.

Ушбу қутлуғ сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирида, уларнинг бугунги фаровон ҳаёти, эртанги порлоқ келажагини, инсон

ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциямизнинг беқиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди. Ўтган давр халқимизнинг сиёсий тафаккури, ақл-заковати ёрқин кўзгуси бўлмиш Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳаётини негизи нақадар мустақамлиги, унинг миллий қадриятлар ва умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишини исботлади.

Конституцияга Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий соҳалардаги барча ислохотларни самарали амалга ошириш назариясига қирадиган концепцияларининг, шу жумладан, давлат ва жамият қурилиши, демократик ислохотлар ўтказиш концепциясининг ҳам мужассам бир ифодаси, деб қарасак, сира ҳам янглишмаймиз.

Конституциямиз энг Асосий қонунимиз сифатида Ўзбекистонда бениҳоя жадал суръатларда барпо этилаётган миллий давлатнинг чин маънодаги демократик ҳуқуқий давлат бўлишини, давлат ҳокимияти тармоқлари эса бир-бирдан бутунлай ажратилганини, халқ мавжуд ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи эканлиги, сиёсий ва ижтимоий ҳаёт қарашлар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, яъни плюрализм асосида кечишини, ҳамма фуқароларнинг қонун олдида тенг ҳуқуқлилигини, жамият институтларининг барча ҳуқуқлари ва эркинликларини тўла-тўқис равишда конституциявий нормалари орқали эътироф этади.

Сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлилик (плюрализм) демократик фуқаролик жамиятининг энг муҳим хусусияти бўлиб, шахс эркинлиги шу жумладан, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигини, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Плюрализм, яъни фикрларнинг хилма-хиллиги ва қарашларнинг ранг-баранглиги маърифий жамиятга хос бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, тушуниш ва талқин этиш тамойилига асосланади. Мана шундай тамойил устувор бўлган шарт-шароитни ҳам эътироф этадиган ва ўзининг ғояларини айнан шу мезонлар асосида тараққий эттирадиган мафкура, турган гап-ки, илғор, кучли, ҳаётбахш бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси узок тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз ва жамиятимизнинг баъзи бир илғор аъёнларини қайта тиклаб, уларга янги маъно-мазмун бағишлади.

Конституциямиз чет эллик мутахассислар томонидан ҳам жуда юкори даражада баҳоланди. Ҳаттоки улардан бири (француз олими – профессор О. Шмидт) Ғарб давлатларининг конституциялари кўпроқ давлат ҳуқуқини ақс эттиради, айни шу боисдан ҳам улар давлатнинг

асосий қонундир, Ўзбекистон Конституцияси бўлса нафақат давлат ҳуқуқини, ҳаттоки ундан ҳам кўпроқ инсон ва жамият ҳуқуқларини ўзида жуда яққол акс эттиради. Айнан шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини фуқаролик жамиятининг Конституцияси деб аташ мумкин, деган эди.

Ҳар қандай мамлакатда, унинг ички ва ташқи ҳаётини тартибга солиш ҳамда давлат механизмининг режали тарзда ишлаб туришини таъминлаш мақсадида, юзлаб, минглаб турли қонунлар ва қонуности актлари қабул қилинади. Уларнинг баъзилари иқтисодга, айримлари – сиёсатга, маълум бирлари эса маданият ва ҳаётнинг ўзга соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Буларсиз давлат ўзининг функцияларини тўла-тўқис равишда, ўз маромида бажаришга мутлақо қурби етмай қолиши ҳам мумкин. Аммо, юзлаб, минглаб қабул қилинган барча қонунлар, қонуности актлари давлат ҳаётининг жузъий, яъни айрим томонларига дахлдор бўлади. Шу боисдан ҳам ушбу қонунларнинг ҳаммасини умумий мақсад, бир умуммиллий ғоя ҳамда бир тартиб-қоидаларга тўла бўйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонунига ниҳоятда катта эҳтиёж ҳамда ўзига хос бир зарурият туғилади.

Ана шу энг асосий қонун эса Конституция (тузилиш, тартиб) деб аталади. У давлатдаги барча тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асосидир. Шу сабабга кўра Конституция қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва ечимлардан юқори туради. Конституциянинг талаблари ва шартлари фуқаролар, идоралар ва бошқалар томонидан қай даражада инобатга олинаётганлиги, бу талаб ва шартларга давлатнинг турли тармоқлари ёки жамоат ташкилотлари томонидан риоя қилинаётганлиги устидан назорат қилиб бориш масаласи эса махсус давлат идоралари (масалан, Конституциявий суд, Олий суд ва бошқалар)га топширилади.

Конституция – инсоният цивилизациясининг беназир маҳсули ҳамда кишилик жамиятининг ўз турмуши ва ижтимоий ҳаётини барқарор изга солиш мақсадида кашф этилган жудаям буюк тарихий ютуқларидан бири ҳисобланади. Башарият ўзининг кўп минг йиллик тарихий тажрибаси орқали шунга амин бўлдики, жамият ва давлат ҳаётининг мақсадли ҳамда режали равишда кечишини таъминловчи, ғоят муҳим ижтимоий муносабатларни оқилона меъёрловчи тартиб-қоидаларнинг мажмуи бўлмиш Конституцияга эҳтиёж мавжуд экан. Унда эса инсониятнинг ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурида шаклланиб, сайқал топган ҳуқуқий қоида ва мезонлар ўз ифодасини топа олади.

Ўз мазмуни ва ижтимоий вазифасига кўра, Конституция давлат мохиятини таърифловчи, унинг ташкилий структурасини ифодаловчи ҳамда давлат сиёсатининг асосларини белгиловчи хужжат сифатида гавдаланади. Агарда янада қисқа ифодалайдиган бўлсак, Конституция давлатнинг муайян фалсафаси ҳисобланади. Мазкур фалсафа – инсон эркинлиги ва фаровонлиги йўлида давлат ҳокимиятини маълум бир даражада чеклаб туриш ҳам зарурлигини чин маънода англаб етишга асосланади. Конституция ўзининг ижтимоий вазифаларини бажариш жараёнида бир қатор ўзаро муштарак бўлган функцияларни ҳам адо этади. Конституциянинг муҳим функцияларидан бири давлатчилик тараққиётидаги ворисийликни таъминлашдан иборатдир. Бу давлат ҳокимиятининг узлуксизлиги, давомийлиги ва ворислиги тушунчаси орқали ифодаланади. Шу боисдан ҳам Конституция давлатчиликнинг қатъий заминга эгаллигини ҳамда бардавомлигини англатади.

Ҳар қандай Конституция давлатнинг Асосий қонуни бўлишдек соф юридик табиатидан ташқари, ижтимоий-сиёсий мазмун-мохияти билан ҳам тавсифланади. Бу жиҳат Конституциянинг мамлакатдаги сиёсий кучлар нисбати, жамиятдаги ижтимоий қатламларнинг сиёсий ҳокимиятга нисбатан муносабати, уни амалга оширишдаги иштироки даражасини акс эттиришдаям ифодаланади. Демократик жамиятларда Конституция жамиятнинг турли қатламлари сиёсий манфаатларини уйғунлаштирувчи, улар ўзаро муроса (консенсус)га келтирилганлиги ифодаси сифатидаги ўзига хос **ижтимоий шартнома** вазифасини ҳам бажаради. Башарти, Конституция воситасида ана шундай ижтимоий-сиёсий келишувга муваффақ бўлинмаса, жамиятда ҳуқуқий тартибот, умумий интизом ва барқарор ривожланишни таъминлаш ҳам мумкин бўлмай қолади. Айнан шу маънода олинганда Конституция ижтимоий баҳамжиҳатлик, миллий тотувлик ва тинчлик-омонликнинг кафолати сифатида ижтимоий-сиёсий маънавий-маърифий майдонга ҳам чиқиб келади. Конституция бутун сиёсий тизим доирасидаги «умумий ўйин қоидалари»ни ўрнатувчи хужжат тарзида жамият миқёсида мўътадил ҳуқуқий майдон ва конституциявий қонунчилик муҳитининг қарор топиши жараёнига ҳам самарали тарзда тарзда кўмаклашади. Айнан Конституция жамият ва давлат ҳокимияти тузилишида мувозанат ва мутаносибликни таъминлаш имкониятини яратиб беради.

Конституция ўзининг мохият-эътибори билан жамият ҳуқуқий тизимини уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи маркази, системани ҳосил қилувчи ўзаги сифатида ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини

шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бошланғич асос ҳисобланади. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари конституциявий қоидалар ҳамда принципларга таянади. Конституция эса қонунчилик тармоқларининг шаклланиши ва амал қилиши учун ўзига хос замин ҳисобланади.

Конституция мамлакат тараққиётининг, жамият ижтимоий онги, маданияти ва мафқурасининг маҳсули сифатида ўзининг қонунчилик салоҳияти, ҳуқуқий тартибга солиш кучи ила жамият эҳтиёжларини қондириш, унинг тараққиёти, фаровонлиги, тинчлик-омонлиги ҳамда осойишталигини таъминлашдек қудратга эга. Айнан худди шундай хусусиятлари сабабли Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиздаги адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг чинакам ҳуқуқий пойдевори ҳам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тамойиллари ва унда қатъий тарзда белгилаб қўйилган конституциявий нормаларнинг мамлакатимиз тараққиётида ўта мустақкам ўрин эгаллаб, жамиятимиз ҳаётида ифодасини топаётгани айнан қуйидагиларда яққол кўринади:

Биринчидан, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг манфаатлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. Шу билан бирга, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни бениҳоя теран равишда англайдиган, тамомила янғича фикрлайдиган, жудаям фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшларни чинакам баркамол шахс сифатида шакллантириш имконини яратиб берди.

Иккинчидан, 3,5 минг йиллик буюк тарихга эга бўлган миллий давлатчиликнинг бой тарихий тажрибаси асосида суверен демократик давлат қуриш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий замини яратилди. Бу борада давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойилига асосланиш жамиятни янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилишнинг ниҳоятда муҳим шартига айланди.

Учинчидан, давлат ички ва ташқи сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродасига биноан, мустақил равишда амалга ошириш ҳамда суверен давлат сифатида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида эътироф этилди.

Тўртинчидан, «Оламини маҳлиё айлаган диёр»имизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзаро манфаатли алоқаларга кириша оладиган давлатга айланиб, ўз ташқи сиёсатининг асосий ҳамда устувор тамойилларини ўзи мустақил равишда ишлаб

чикиб, миллий манфаатлари асосида амалга ошириши ҳам ниҳоятда муҳим конституциявий норма сифатида белгилаб қўйилди.

Бешинчидан, Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар тараққиётнинг «ўзбек модели» учун ҳақиқий ҳуқуқий асос бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган бениҳоя кенг қамровли ислохотлар, қўлга киритилаётган буюк марралар ва улкан ютуқларни таъминлаётганини бутунги кунда ҳар бир ватандошимиз жуда чуқур ҳис этиб, ислохотларнинг ғоят фаол иштирокчисига айланаётганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Олтинчидан, мамлакатимизда миллий истиқлолнинг ниҳоятда истиқболли йилларида ижтимоий соҳалар учун ажратилаётган давлат харажатлари эса йилдан-йилга ортиб бораётгани, иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръатлари узлуксиз таъминланаётгани дунё миқёсида жуда камда-кам учрайдиган ҳолат бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз, энг аввало, инсоннинг ҳаётини, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга ҳақиқатан ҳам қаратилганини исботлаб беради.

Еттинчидан, жамиятни янада демократлаштиришда миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида иш юритилмоқда. Яъни, давлат ва жамият бошқарувида давлат органларидан ташқари учинчи сектор сифатида эътироф этилган турлича жамоат ташкилотлари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларига ҳам етарли ҳуқуқлар ва имкониятлар берилди. Юртимизда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш масаласи бўлса бош стратегик мақсад сифатида белгилаб олинганлигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Конституция Асосий қонун сифатида давлатимиздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида устунлик қилади, «ҳукмрон» мавқени эгаллайди. Унинг нормалари эса бошқа қонунларнинг қоидаларидан юқори олий юридик кучга эга. Қолган барча қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституция асосида, унга мувофиқ ва унинг ижро этилиши учун чиқарилган. Бу маданияти юксак тараққий этган мамлакатларнинг энг қатъий қонуний қондаси ҳисобланади.

Асосий қонун – Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи. У турли-туман қонунчилик соҳаларининг ўзига хос муштараклигини, бир бутунлигини ва ўзаро мувофиқлигини, бошланғич принциплари умумийлигини таъминлаб беради. Айнан шу хусусияти туфайли ҳам ҳуқуқ тизимида батартиблик ҳамда барқарорликни бахш этиб беради.

Диққат-эътиборга сазовор яна бир нарса – конституциявий нормалар сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ғоятда муҳим томонларини тартибга солиб туради. Айнан шу жиҳати билан конституция бошқа жорий қонунчилик ҳужжатларидан анчагина фарқ қилади.

Қонун – жамиятдаги ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми, ҳуқуқни ифода этишнинг олий шаклидир. Қонун воситасида эса халқ (жамият) иродасининг давлатнинг чин амри даражасига кўтарилиши, расмийлашуви, умуммажбурий қоидага айланиши, мустаҳкамланиши амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тизимида қонунлар энг асосий ўринни эгаллайди. Қонун давлат олий вакиллик органининг энг юқори юридик кучга эга бўлган актидир. Қонунлар бевосита конституция қоидалари ва принциплари асосида, уларни эса ҳаётга жорий этиш мақсадида чиқарилади. Қонун олий юридик кучга эга. Унинг ушбу хусусияти бўлса асосан қуйидаги жиҳатларда яққол намоён бўлади:

биринчидан, қонунни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди;

иккинчидан, ўзга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади;

учинчидан, бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат эса агарда ўша қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёхуд парламент томонидан бекор қилинади;

тўртинчидан, қонун олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат экани сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча равишда тасдиқлаши ва бекор қилиши мумкин эмас...

Конституция асосида қабул қилинган қонун давлатнинг нуқтаи назаридан ғоятда муҳим деб ҳисобланган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва тартибга солишнинг воситасидир. Унда мазкур муносабатлардаги қонуниятларнинг норматив мажбурий характери ҳамда сиёсий-ҳуқуқий меъёри ўзининг ифодасини топади.

Қонунлар фақатгина сиёсатнинг ифодаси ва сиёсий чора бўлиб қолмасдан, бекиёс ижодий ва тарбиявий вазифани ҳам уदдаловчи ўта қатта **маънавий бойлик** (махзан) ҳамдир.

Конституцияни эса, гўёки фуқаро ва давлат ўртасида тузилувчи ҳамда улар фаолиятини ягона бир тартиб-интизом, меъёрга солувчи, унинг саҳифаларини бўлса худди оппоқ қоғозга зарҳал ҳарфлар билан

битилган ўзига хос «ижтимоий шартнома»нинг матнига ҳам бемалол қиёслайверишимиз мумкин.

Конституция замонавий, конституцион давлатга ғоятда зарурий бўлган қонунийликни беради. Одатда, аҳолининг асосий (малакали) кўпчилигининг розилиги билангина расмий равишда қабул қилиниб, Конституция ижтимоий келишувнинг шундай минимумини (яъни, энг кам даражасини) олдиндан белгилаб қўядики, унингсиз бирорта ҳам давлатда одамларнинг биргаликда эркин яшашлари асло мумкин эмас ҳамда давлат барча фуқароларни бениҳоя хурматлаш, иззат-эҳтиром айлашдек мислсиз юксак мажбуриятини ўзининг зиммасига олади.

Конституция давлатнинг энг асосий хусусиятлари, характерини ифодаловчи Бош қонун ҳисобланади. Унда мамлакат ҳаётига оид энг асосий, фундаментал ҳуқуқий нормалар ўзининг аксини топган, ва шунингдек, ўзга ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши конституциявий нормаларнинг энг қатъий талабларидан келиб чиқади ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятига асло, мутлақо қарама-қарши бўлмаслиги даркор.

Конституция асосий қонун сифатида давлатдаги турли ижтимоий муносабатлар ва уларни тартиб-қоидаларга солиш учун энг бирламчи ҳуқуқий асос сифатида фаол хизмат қилади. Асосий қонунда давлатга тегишли ниҳоятда муҳим масалалар ўз ифодасини топганлиги унинг аҳамиятини янада юксак-юксакларга кўтаради. Айни вақтнинг ўзида, у эл-юрт турмуш тарзини ҳам, маълум даражада, белгилаб беради.

Конституциялар, қоида тариқасида, иккита энг муҳим қисмдан иборат бўлади. **Биринчи** қисмда, фуқаролар ҳамда давлатнинг ўзаро муносабатлари меъёрлари, мезонлари, низомлари, шахс ҳуқуқлари аниқланади ва барча фуқароларнинг ҳуқуқий тенглиги тасдиқланади; **иккинчи** қисмида эса давлатнинг характери (республика, монархия, федерация, конфедерация ва шунга ўхшаш), турли ҳокимиятларнинг ўзига хос мақомлари, парламент, президент, ҳукумат ҳамда суднинг ўзаро муносабатларининг махсус тартиб ва қоидалари, ва шунингдек, давлат бошқаруви органларининг тузилиши ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби баён этилади ҳамда олдиндан белгилаб қўйилади.

Демократик конституциянинг реал тарзда мавжудлиги, у давлат ташкилотида ҳақиқатда ҳам гавдаланган ҳамда ҳокимият органлари, муассасалар ва барча фуқаролар томонидан сўзсиз равишда, белгилаб қўйилган тартиб-қоидалардан мутлақо оғишмасдан ижро этилаётган, ўзаро ички низолар жуда ҳам авж олмаётган бўлсагина бу давлатнинг ҳақиқий конституционлигининг яққол кўрсаткичи бўла олади.

Конституцион давлатчиликнинг узлуксиз тарзда шаклланиши жараёнининг тугалланганлиги, унинг барча ваколатларини халқнинг бевосита ўзидан келиб чиқувчи махсус муассасалар ҳамда қонунлар ёрдамида чеклаш тамойилининг қатъий мустаҳкамлаб қўйилишини «хуқуқий давлат» тушунчаси, ўзига хос равишда, характерлайди.

Конституциялар кишилик жамияти ижтимоий тараққиётининг гоятда буюк ютуқларидан бири ҳисобланади. Инсоният ўзининг жуда кўп минг йиллик тарихий тажрибалари асосида ҳар қандай давлатда Конституция бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги ҳақли хулосага келган. Конституцияга асосланмаган жамиятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик, хуқуқий тушунмовчиликлар, сиёсий бошбошдоқлик ва турли талофат, талон-тарожларга жуда кенг ўрин, имконият қолади.

Конституция – истиқлол, ҳуррият, озодлик, демократия ҳамда инсонпарварлик учун узоқ курашнинг ниҳоятда тотли мевасидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – янгиликнинг эскиликлар устидан, эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан қозонган буюк ғалабасини мангуга муҳрлаб қўйган расмий хуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг дунёга келишига асосан икки омил сабаб бўлганди. Улардан бири Ота Маконимизнинг ўз тараққиётидаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга тўла-тўқис мувофиқ равишда жаҳон ҳамжамиятининг таркибига тенг хуқуқли субъект сифатида кириб бориши билан гоятда чамбарчас боғлиқ эди.

Айни пайтда Ўзбекистон, аввал бошданок, бозор иқтисодиётига бирдан-бир, асосий мақсад сифатида эмас, балки жамиятнинг жадал ривожини таъминловчи ўзига хос восита сифатида қаради. Мулкнинг турли-туман шаклларига бўлган аввалги, шўроларча муносабатларни мутлақо ўзгартирмасдан, иқтисодий ҳамда сиёсий муносабатларни демократлаштирмасдан, Конституция ва қонунларни қайтадан кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодига ўтишни мутлақо амалга ошириб бўлмасди. Конституция бўлса янги замондаги бутун қонунчиликнинг ўзига хос асосий умуртқа суяги бўлиб хизмат қилмоғи лозим эди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш амалда мавжуд бўлган конституциявий нормалар ҳамда тартиб-қоидаларнинг аксариятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қиларди. Йлгариги Конституция янги муносабатларнинг тараққиётига сира ҳам ёрдам беролмасди. Бунинг устига у тобора жадаллашиб бораётган бир қатор ижобий жараёнларга тўскинлик қилаётганди. Конституцияга ҳадеб

киририлаётган курак-курак ўзгартиришлар ва кўшимчалар эса гўёки росаям эскириб, охори тўкилиб, уладаси ҳам анчагина чикиб кетган, амалда бутунлай адойи тамом бўлган, кўча-кўйда юрганда бировлар томонидан масхара қилинадиган мутлақо яроқсиз кийим-кечакларга солинган турли-туман рангдаги йиртиқ-ямоқларни эслатарди.

Бозор иқтисодига ўтиш жараёни кишиларнинг тадбиркорлиги, ташаббускорлигига жиддий кўмаклашиб, уларнинг мушқулини осон қиладиган, иқтисодий турмушнинг ўта машаққатли юкини кўтаришга ростакамига елкани қўйиб юборадиган янги юридик нормаларни роса ҳам талаб қиладиганди. Мулкнинг турли-туман шакллари, биржалар, банк иши фаолиятига, ташки инвестициялар жараёнлари, эркин бозор муносабатлари ривожланишига тўғоноқ ва ғов бўлаётган тўсиқларни зудлик билан бартараф этиш жудаям лозим бўлиб қолганди. Вужудга келаётган бир қатор сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини Конституцияга биноан ҳам муҳофаза қилиш, фуқароларга демократик жараёнларда иштирок этишлари учун тенг, баробар ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериш, инсон ҳуқуқларига доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга, энг аввало, БМТ ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ростакамига таяниб фаолият юритиш ва иш кўришнинг асл, чинакам зарурияти юзага келганди.

Давлатимиз мустақиллигининг эълон қилинганлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тайёрлаш ҳамда қабул қилишни тақозо этган иккинчи муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде илгаридан амал қилиб келган барча-барча конституциялар (Туркистон АССРнинг 1918 ва 1920 йиллардаги конституциялари, Хоразм ҳамда Бухоро Халқ Республикалари томонидан 1920 – 1921 йилларда қабул қилинган конституциялар ва Ўзбекистон ССРнинг 1927, 1937, 1978 йиллардаги конституциялари) ўзининг халқи ҳамда ўзининг минглаб йиллар мобайнида қонуний равишда эгалик қилиб келган мамлақати ҳудудини эркин ҳамда демократик асосда бошқара оладиган эркин, озод, мустақил давлатнинг конституциялари эмасди.

Бошқа масалаларда ҳам аҳвол шундай даражада жуда расво эди. Ўзбекистон собиқ ССРнинг таркибига федерациянинг бир субъекти сифатида кирарди. Аммо, амалда эса ушбу федерация бошқарувнинг бутун бошли маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ҳақиқий классик шаклини ўзида тўла-тўқис равишда гавдалантирарди, кадрлар юқори лавозимларга марказдан туриб тайинланарди, қаерда нима куришни ҳам марказнинг ўзи ҳал қиларди. Қандай маҳсулотларни ҳамда қанча

ҳажмда чет элдан олиб келиш ва хорижга чиқариш масаласини ҳам марказ белгилаб берарди. Конституция ана шундай ғоятда номақбул идора усулини олдиндан қонунлаштириб қўйганди ҳамда агитация ва пропаганданинг бениҳоя қудратли воситаларини бетиним қўллаган ҳолда уни доимий равишда мустаҳкамлаб борарди ва бошқарувнинг ғоятда тоталитар, авторитар тизимига жуда ҳам мослаштирилганди.

Коммунизм ғоялари нафақат умуминсоний кадрятларни буткул йўқ қилиб ташлашга, нафақат ўзига хос шўровий қонун-қоидаларни жорий этишга тинимсиз равишда даъват қилган, шу билан бирга, энг олий кадрят – инсон ҳаёти, унинг барча ҳуқуқ, эркинликларини бир пулга, сарик чақага олмайдиган тоталитар жамиятни зўрлик билан, қуролли кучларни ишлатиш, қаттиқ мажбурлаш йўли билан, бу қўйга юришни хоҳламаганларнинг ўзлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини бўлса «халқ душмани» сифатида, миллионлаб оломоннинг жазавали олқишлари, давомли гулдурос қарсақлари, ҳайқириқлари остида таг-тути билан кириб ташлаш орқалигина қуришга муваффақ бўлганди.

Таниқли жамиятшунос олим М. Восленский зўрлик воситасида барпо этилган тоталитаризмининг бош белгиси сифатида қўйидаги ҳақли фикр-мулоҳазаларни билдирганди: «Бу жамиятда янги ҳукмрон синфнинг шаклланиши номенклатура, яъни сиёсий бюрократиянинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳокимиятни ўзига монополия қилиб олиши билан чамбарчас боғлиқ. Бу синф ўзининг тизимлари ва барча имтиёзларини ўта яширин ҳолатда сақлаб қолиш билан бирга ўзининг мавжудлигини ҳам сир сақлашга тинимсиз равишда уринар эди. Номенклатуранинг ташқи белгисига янги типдаги партиянинг тузилганлиги яққол бир мисол бўла олади: номенклатуранинг ўзаги эса ана шу партиянинг сиёсий аппарати шаклида намоён бўлар эди».

Собиқ совет иттифоқи ўзига хос бир этнократик давлат эди. Этнократиянинг асосий мазмун-моҳияти бўлса миллатнинг жамоавий ҳуқуқларининг ҳар бир шахснинг индивидуал ҳуқуқларидан бутунлай устуворлигидир. Тоталитаризм – ҳар бир шахс ва умуман бутун бир бошли халқнинг энг сўнги нуқтага бориб етган ҳуқуқсизлиги, ҳамда мислсиз эрксизлигидир. Социалистик тузум – ижтимоий ҳаётнинг барча (моддий, ижтимоий, маънавий, ахборот...) соҳалари устидан тўла-тўқис назорат, давлат мулки яққаҳокимлиги, инкор этиб бўлмас буйруқлар билан марказлаштирилган, бедодлик, қонунсизлик, ўзгача ҳар қандай фикрлашларга нисбатан ўта тоқатсизликни авж олдирган зўравонлик ва қаттиқ катагон механизмига таянувчи партия-давлат

аппарати юкори қатлами диктатураси бўлган эди. Совет социализми баъзи бир жиҳатларига кўра ўз халқларига нисбатан немис национал социализмига қараганда ҳам тоталитарроқ ва қаттолроқ бўлганди.

Ўзбекистон ўз миллий давлат мустақиллигини қўлига киритгач, табиий равишда, шу давлатнинг истиқболини Конституция асосида мустаҳкамлаб қўйиш муаммосини жуда зудлик билан, ғоят самарали равишда ҳал қилмоғи даркор эди. Конституциямизда янги мустақил давлатнинг табиати, унинг ички ва ташқи сиёсий тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, давлатнинг суверенлиги, демократия ҳамда ижтимоий адолатнинг энг олий мақсадларига чиндан ҳам содиқлиги тош-метиндек мустаҳкамлаб қўйилмоғи ниҳоятда зарур эди.

Конституция камида 3,5 минг йиллик ўзбек давлатчилигининг ривожланишидаги улкан тарихий тажрибани ҳисобга олиши, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари устуворлигига таяниши, энг аввало, фуқаролар учун муносиб ҳаётни таъминлашга ҳуқуқий жиҳатдан асос бўлиши, барқарор маданий, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига таянган ва очиқ ташқи сиёсатга эга демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини бунёд этиш керак эди.

Ўзбекистон Республикасининг энг янги Конституциясини ишлаб чиқиш жуда зарурлиги тўғрисидаги бунёдкор ғоя XII чақириқ Олий Кенгашнинг 1990 йил мартда бўлиб ўтган энг биринчи сессиясидаёқ янграганди. Олий Кенгашимизнинг 1990 йилнинг июнидаги иккинчи сессияси томонидан Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссияси ташкил этилганди. Собиқ империя, гарчи ўлим талвасаси сари аста судралиб бораётган бўлса-да, ҳамон ҳарбий жиҳатдан ғоятда қудратли бўлган даврида бундай мислсиз дадил сиёсий қадам қўйишнинг ўзиям жуда катта шижоат, бениҳоя юксак маънавий жасоратни талаб қилар эди.

Ўзбекистоннинг 1978 йилги Конституцияси эса давлатимизнинг янги мақомига, ўз олдига қўяётган ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги мақсадлари ва вазифаларига, хусусан, шахс билан давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳуқуқ асосида ҳал қилиш талабларига мутлақо жавоб бермай қўйганди. Ўша пайтдаги Конституция ўзининг ғоятда мафқуралаштирилганлиги, сиёсий чақириқ ва баландпарвоз ибора ва чақириқларга тўлиб-тошганлиги билан ажралиб турарди, ва умуман, жамиятимизнинг тараққиёти эҳтиёжлари ҳамда миллий истиқлолнинг энг асосий мазмун-моҳиятини ўзида сираям акс эттирмасди.

Янги Асосий қонуннинг лойиҳасини тайёрлаш ўта фаол амалий конструкциявий ислоҳотлар жараёни билан узвий боғлиқликда олиб борилган эди. 1990 – 1992 йиллардаёқ Ўзбекистоннинг 1978 йилдаги Конституциясига 100дан ортиқроқ муҳим ўзгартиш ва қўшимчаларни киритилганди. Буларнинг жумласига, **сиёсий соҳада:** президентлик лавозими ва юкоридан то куйигача ижро этиш ҳокимияти тизимини таъсис этиш, конституциявий назоратни жорий қилиш, сайлов тизими ва судларни сайлашдаги ўзгартишлар ҳамда бир партияликдан кўп партиявийликка ўтишга қаратилган қўшимчалар киради. **Иқтисодий соҳада:** янги жамиятнинг мулкчилик асосларини давлатнинг мулки ҳукмронлиги эмас, балки турли мулкчилик шакллари ҳамда уларнинг ҳуқуқий тенглиги ташкил этиши ҳақидаги конституциявий қондалар белгиланди. **Маънавий соҳада:** ҳукмрон коммунистик мафкура ва фақатгина синфийликка асосланишдан воз кечилганди, умуминсоний қадриятларга таяниб, хурфикрлилик, виждон эркинлиги ҳамда бошқа шахсий ҳуқуқларнинг қонунан амал қилишини эътироф этиш ҳақида ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган эди.

Бу соҳалардаги ҳар бир конституциявий ўзгартишлар ижтимоий турмушнинг синовидан мардона ўта бошлади. Айнан шунинг учун ҳам Президентимиз тараққиётнинг талабларига жавоб берадиган ва ҳаёт текширувидан ўтган, сўнгги йилларда жорий қилинган бир қатор янги конституциявий қондаларни Асосий қонун лойиҳасига киритди.

Конституция Комиссиясининг Раиси бу борадаги фаолиятининг аввал бошиданок 32 кишидан иборат ишчи гуруҳининг олдига аниқ вазифани қўйганди: жаҳон тажрибаси ғоятда синчиклаб ўрганилсин, бошқа давлатларнинг инсон ҳуқуқлари борасида, демократия ҳамда қонунчилик соҳасида қўлга киритган ютуқлари ҳам ҳисобга олинсин, миллионлаб кишиларнинг орзу-ниятларига, дилига жуда яқин ҳамда уларга яхши тушунарли бўлган сиёсий ва юридик ҳужжат яратилсин.

1990 – 1991 йилларнинг ўзидаёқ Конституциянинг учта муқобил концепцияси тайёрлаб қўйилган эди: Республика Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг концепцияси, Сиёсатшунослик ва бошқарув институтининг концепцияси ва Президент девони юридик бўлими томонидан тайёрланган концепциялар. Уларнинг барчаси ўта жиддий ўрганиб чиқилганидан сўнггина, ишчи гуруҳнинг мажлисида энг мақбулроғи, учинчи концепция Конституцияга асос учун танлаб олинганди. У қолган иккита концепциянинг ғоятда диққатга сазовор ғоялари билан янада бойитилиб, қайта-қайтадан бир неча марталаб

тахрир қилиб чиқилган эди, анчагина мукаммаллаштирилган ҳамда ўзининг маромига етказилганди. Конституциявий комиссия ва унинг раиси томонидан маъқулланган ана шу концепция асосида бўлажак Конституция лойиҳасини яратишга жиддий равишда киришилганди. Конституция ижодкорлиги борасидаги чет давлатларнинг тажрибаси ҳам нихоятда синчиклаб, ҳаттоки ҳижжалаб ўрганиб чиқилганди. Энг дастлабки босқичнинг ўзидаёқ 97та мустақил хорижий давлатларнинг – шу жумладан, АҚШ, Франция, Канада, Германия, Швеция, Япония, Италия, Испания, Португалия, Греция, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Миср, Венгрия, Болгария, Литва сингари мамлакатларнинг конституциялари жиддий тарзда ўрганиб чиқилган ҳамда муҳокама, машварат, кенгаш ва қизғин мунозаралар орқали таҳлил этилганди.

Лойиҳанинг дастлабки варианты 1991 йил октябрь – ноябрига таъйинлаб бўлинганди. У муқаддима ва олти бўлимга тақсим қилинган 158 моддадан иборат бўлганди. Ушбу лойиҳа амалда юзага келадиган пайтда мамлакатимизнинг тарихида мислсиз туб бурилиш юз берди.

1991 йил 31 августида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги конституциявий Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти қабул қилинди. Бу билан Республикамиз парламенти мустақил Ўзбекистон Республикаси ва суверен давлат янгидан қарор топганлигини жумлаи жаҳонга баралла эълон қилди. Бу Қонунда халқ ҳокимиятчилиги, демократик давлатчилик, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг муқаддаслиги, ҳокимиятларнинг ўзаро бўлиниши, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги сингари ғоятда муҳим принциплар мустаҳкамлаб қўйилганди. Ушбу бениҳоя илғор демократик ғоялар ва принциплар Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳиятига ҳам жуда сингдириб юборилганди. Шуларга қарамасдан, Конституциямизнинг дастлабки лойиҳаси мукамаллик даражасидан анчагина йироқ эди.

1992 йил баҳоридаёқ лойиҳанинг 149 моддадан иборат иккинчи варианты ҳам ишлаб чиқилганди. Мамлакат Президенти иштирокида Конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлисида Конституция лойиҳаси устида жиддий равишда амалга оширилган назарий ҳамда амалий ишлар, чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот тингланган эди.

Конституция, айрим бир кишилар томонидан талқин қилингани сингари, барча қонунларнинг мажмуи эмас, у ягона ғоя, мантик, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит ва бир бутун ҳужжат ҳисобланади. Республика Президенти том маънода унинг бунёдкори бўлди. Лойиҳа

устида роса икки йил тинимсиз равишда ишланди. Мазкур комиссия томонидан Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва у 1992 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилинди. Ушбу лойиҳа бўйича умумхалқ муҳокамаси жуда ҳам кизгинлик билан, жуда кенг жамоатчилик доирасида ўтказилганди.

Лойиҳа матбуотда эълон қилинган, Конституциявий комиссияга турли-туман, баъзан бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган, фикр-мулоҳазалар атрофлича баён этилган қарийб 600та хат келиб тушган. Фуқаролар томонидан бевосита билдирган таклифлар сони 5000дан ошиб кетди. Билдирилган таклифлар инobatга олиниб, 1992 йилнинг 21 ноябрида Конституция лойиҳаси муҳокамани давом эттириш учун иккинчи бор матбуотда эълон қилинганди. Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент рўй берди – умумхалқ муҳокамаси икки босқичда амалга оширилди. Ушбу ҳолат муҳокама иштирокчиларини сиёсий жиҳатдан фаоллаштирувчи қудратли туртки бўлди. Унинг мақсади фуқароларга уларнинг муҳокамадаги жонбозлигининг маҳсули ва самараларнинг аниқ кўрсатиб беришдан иборат эди. Умумхалқ муҳокамаси давомида жами олти мингдан ортиқ турли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди, лойиҳага бир қатор тузатиш ҳамда аниқликлар киритилди. Халқимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар Конституция мазмунини янада бойитган эди. Жамиятимиз миллионлаб аъзоларининг тақдири, уларнинг орзу-мақсадлари билан бевосита боғлиқ ушбу муҳокамалар жараёни фуқаролар сиёсий фаоллигининг яққол намунаси бўлганди.

Умумхалқ муҳокамаси жуда кизгин давом этаётган даврда ҳам Конституциявий комиссия раиси лойиҳани такомиллаштиришга катта эътибор қаратганди. Фуқаролар ва меҳнат жамоаларидан тушаётган барча таклиф-мулоҳазалар жамланиб, унинг эътиборига ҳавола этиб турилди. Мамлакат Президенти Конституция лойиҳаси устида ишлар экан, унинг ортида миллионлаб кишиларнинг тақдири турганлигини жонкуярлик билан қайта-қайтадан таъкидлар, барчани ақл-заковат ва тафаккурни ишга солишга даъват қилар эди. Масалан, лойиҳанинг 1-моддасида «Ўзбекистон – демократик республика» деб ёзилган эди. Президент бунга анчагина аниқлик киритиб, «суверен» сўзини қўшиб қўйганди. Натижада, ушбу модда «Ўзбекистон – суверен демократик республика» тарзида янада тушунарлироқ ҳамда ёркинроқ шаклга эга бўлганди. Сиёсатшунослик илмидан анча-мунча хабардор кишиларга маълумки, суверенитет ҳар қандай давлатнинг энг муҳим белгисидир.

Конституциямиз дастлабки лойиҳасининг 7- моддаси, 2- қисми мана бундай тахрирда белгиланган эди: «Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти Конституция... .. ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади». Президент унга ниҳоятда муҳим бўлган тузатишни киритиб, Республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб... амалга оширилади, деб белгилаб қўйганди. Бу билан Конституциянинг «халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» (7- модда, 1- қисм) деган муҳим қондаси билан юқорида келтирилган қондаси ўртасидаги манتيқий боғлиқлик кучайтирилди.

Шу ўринда учинчи ҳамда тўртинчи вариантдаги лойиҳалар ҳам Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўта жиддий, атрофлича муҳокама қилинганлигини таъкидлашимиз даркор. Хусусан, комиссия раиси томонидан биргина учинчи вариантнинг ўзига 63та, тўртинчисига эса 77та принципиал ўзгартиш ҳамда муҳим қўшимчалар киритилганди. Масалан, ушбу ҳужжатнинг муқаддимаси «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қондалари устунлигини тан олган ҳолда» деган жиддий қоида билан тўлдирилганди. Яна бир мисол. Лойиҳанинг 4-моддасида «Унинг ҳудудида яшайдиган барча миллатлар ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, тилларни ривожлантириш учун шароит яратилади» дея белгилаб қўйилган эди. Президентимиз ушбу хатбошининг ўрнига, бугунги ғоятда мураккаб ва ниҳоятда мўрт таҳликали дунёни гўё яққол кўриб-билиб тургандек, «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб ўз қўли билан ёзиб қўйганди.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини мустаҳкамловчи қондалар алоҳида аҳамиятга молик бўлди. Ушбу масала, даставвал лойиҳада қуйидагича эди: «Ўзбекистон Республикасининг фуқароси табиий, ажралмас, бузилмас ҳуқуқ ва эркинликларга эга. Улар дахлсиз ва ҳеч ким судсиз улардан маҳрум этишга ва уларни чеклашга ҳақли эмас» (19- модда). Бир қараганда, ҳаммаси халқаро ҳуқуқнинг барча мезонларига тўла-тўқис мувофиқдек ҳам кўринади. Аммо, Конституциявий комиссиянинг раиси ушбу моддани чиқариб ташлаб, уни 20- модданинг иккинчи жумласининг охирига қўшишни таклиф этганди. Натижада эса, модда қуйидагича шаклга кирганди: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган

хуқук ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас».

Юртбошимизнинг ниҳоятда муҳим таклифи билан 26- моддага «айбсизлик презумпцияси» тамойилига асосан «айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», 27- моддага бўлса «Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг ёзишмалари ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас», деган ниҳоятда муҳим қондаларни киритилган эди.

Лойиҳанинг 29- моддасидаги «Ҳар ким ахборот излаш, олиш ва уни қонуний равишда тарқатиш ҳуқуқига эга», деган жумла Асосий қонунимизда ўзининг аксини қуйидагича шаклда топганди: «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир».

Конституциявий комиссия мажлисида, айниқса, Президентнинг бирор-бир партиёга аъзо бўлиш-бўлмалиги масаласи мунозараларга сабаб бўлганди. Конституция лойиҳасининг 90- моддасида Президент ўз вазифасини бажариб турган даврида сиёсий партиёга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туради, деб белгилаб қўйилганди. Конституциявий комиссия Ғарб демократик амалиётида давлат бошлиғининг у ёки бу сиёсий партиёга мансублиги ёки ундан чиқиш эҳтимоли тўғрисидаги махсус модда йўқлиги тажрибасига асосланган ҳолда ушбу қондан лойиҳадан чиқариб ташлаш ҳақида қарор қабул қилганди.

Конституциянинг дастлабки лойиҳасида «фуқароларнинг ҳуқук, эркинликларини амалга оширишлари уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларидан ажралмасдир», дея белгилаб қўйилган эди. Ушбу сўзларни Президентимиз қуйидаги янада аниқ-гиник ифодалар билан алмаштириб қўйганди: «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар» (Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 47- моддаси). Натижада бу норма ҳам бошқалари сингари ҳуқуқий жиҳатдан лўнда ва аниқ кўринишга эга бўлганди.

Конституциявий комиссия раисининг ташаббуси билан лойиҳага шахснинг дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги ниҳоятда муҳим моддалар ҳам киритилган эди.

Халқ муҳокамасидан жудаям қизгин равишда ўтиб, эл-юртимиз тафаккурининг буюк хазинаси дурдоналари билан бойитилган, янада сайқаллашган Ўзбекистон Республикасининг Конституциядаги барча

боб ва моддалар, аввало, миллий истиқлол ғоясининг бунёдкорлик, эзгулик, «оламни маҳлиё айлаган диёр»да умргузаронлик қилаётган ўзбекнинг характери ҳамда ҳаммамизга ёр бўлган «аждодлар мардона рухи» билан суғорилганлигини ўзингиз ҳам кўриб-билиб турибсиз.

Ғоя – сўзининг асл ўзаги «мақсадни белгилади» деган маънони билдириб, қадим-қадим замонлардан «чек-чегара», «поён», «мақсад», «интилиш», «байроқ» каби қатор маъноларини англаган. Ҳозирда бу атама кишилар дунёқарашлари асосларини ташкил этувчи, одамларни (бунёдкор ёхуд вайронкор) мақсадлар сари олға етакловчи – фикр, тушунча ва тасаввурнинг рамзи, тимсоли сифатида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси буюк халқимиз маънавий мероси, миллий тафаккур, муқаддас исломий қадриятлари, кўп асрлик ўзбек давлатчилигининг ғоятда бой тажрибаси ва ҳуқуқий анъаналарига асосланганлигини ўзингиз ҳам ниҳоятда яхши биласиз. Агарда таъбиримиз жоиз бўлса, ундан чинакам ўзбекнинг ҳиди келиб туради, уни роса синчиклаб ўқиб, теран равишда англаш даражасига етганимизда эса, хуррият қомусимизнинг ҳар бир моддасидан «бағри кенг ўзбекни» ҳамда «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон»ни ҳам тафаккурнинг кўзи билан бемалол, яққолроқ кўра олишимиз мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси келажаги буюк давлатни, эрк, хурриятни кўз қорачиғидек асраб-авайлашнинг ишончли ҳуқуқий кафолати ҳисобланади. Конституция ўзида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари, демократия, тинчлик ва барқарорлик ҳамда тараққиёт тамойилларининг бутун бир мажмуини ифодалайди, жамиятимиз бўлса, айнан у орқали демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишни ўзининг энг олий мақсади деб ҳисоблаб, унга томонга тинимсиз тарзда интилади.

АҚШлик сиёсатшунос Дональд С. Карлайлнинг ҳақли фикрича: «Конституция ўзбек жамияти ва давлатининг барча ниҳоятда муҳим соҳаларини тартибга солади, қисқалиги ҳамда аниқ ифодаланганлиги, шунингдек, ўзига хос тузилиши билан яққол тарзда ажралиб туради. У дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялардан биридир...»

Конституция, қонун ҳамда давлат тушунчалари бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса, ўз навбатида, давлатсиз ҳеч қачон ўзининг асл вазифаларини бажара олмайди.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий қурилиш дастурини амалга оширар эканмиз, барчамиз доим ёдимизда

тутишимиз зарурки, агарда давлат бўлмаса фуқаролик жамияти ҳам бўлмайди ва, аксинча, фуқаролик жамиятисиз давлат ҳам бўлмайди.

Конституция бўлмаса, турган гап-ки, ҳуқуқий давлат ва унинг асоси – конституциявий давлат мутлақо қарор топиши мумкин эмас. Кейинги даврларда «Конституционализм» тушунчаси ҳам сиёсий ва илмий атамашуносликдан ўзининг мустаҳкам ўрнини эгалламоқда.

Конституция – давлатнинг энг асосий, бош қонуни, бутун жорий қонунчиликнинг негизи, у фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларини, давлатни шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва тамойилларини қатъий равишда белгилаб беради, деган тушунча ҳуқуқий тафаккуримизда анчагина мустаҳкам ўринни эгаллаб олишга улгурди, дейишга бугун барча далилларимиз ва асосларимиз мавжуд.

Очиғини айтганда, одамзодни, ҳар бир инсонни улар ҳаётининг барча босқичларида ахлоқий ваъзхонлик, оила, мактаб, маҳалла, кенг жамоатчилик, ҳуқуқ-тартибот органларигина эмас, балки, уларнинг ўзларини ҳам муайян изга солувчи кўзга кўринмас ғоятда қудратли куч – жамиятнинг муайян даврдаги ҳаёт тарзининг ўзи тарбиялайди. Бошқачасига ифодаланимизда, барча кишилар ўзларининг ҳаётини фаолиятларини ташкил этиш ва уни йўналтиришда нималарга асосий, ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлсалар, шундан келиб чиқиб ҳаракат қиладилар. Демак, бу ёруғ оламда, барча макон ва замонларда барча одамларни бағоят фаоллаштирадиган ҳам, турли тоифадаги кишилар орасини «қил ўтмас» қиладиган ҳам, улар орасига «қора мушук»ни кўйиб юборувчи ҳам... хуллас, ҳамма нарсанинг ўқ илдизи «манфаат жаноби олийлари» ҳисобланадилар. Ҳаётини манфаатлар орага тушган жойда «бир қориндан талашиб тушганлик» далили ҳам гоҳида ҳеч қандай иш бермай қолиши мумкин. Манфаат билан боғланмаган ҳар қандай эзгу ниятлар эса ўз-ўзидан «ҳаром ўлади». Ушбу фикрни тўла тасдиқловчи ўнлаб мисолларни эса ўзингиз бемалол келтира оласиз.

Мустабид тузум шароитида фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатлари ҳақиқий ҳаётда амалий рўёбга тўла чикмайди. Давлат жамият устидан ялпи (тотал) назоратни амалга оширади, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига худа-бехудага тинимсиз аралашаверади. Сон-саноксиз тақиқлар ва тинимсиз тарздаги чеклашлар фуқароларни ўзларининг фикрларини ҳеч ким ва ҳеч нарсадан асло кўркмасдан бемалол ифодалашларида, ўзлари чин маънода яшаётган эмас, аслида бор-йўғи амал-тақал қилиб, ўлмасдан кун кечираётган мамлакатдан ташқарига чиқишда ҳақиқий эркинликлардан бутунлай маҳрум этади.

Мустабид тузум мулоҳазали, эркесвар, элсесвар инсонни сираям ҳазм қилолмайди. Бундай тузумга ўзининг фуқаролик моҳияти ҳамда бурчини англаш ҳиссиётидан ниҳоятда узоқ, системанинг тақиқлари ва буйруқларига итоаткорона, мўлтираб бўйин эгувчи, муте киши – «мурват» кўпроқ маъқулдир. Мустабид давлат ана шундай одамларни иқтисодий, ноиқтисодий воситалар ва тарғибот-ташвиқотнинг ғоятда кучли сўз қуроли босими орқали тинимсиз шакллантириб туриши туфайли ҳеч қандай жазосиз, ҳеч кимдан сира ҳадиксирамай, бемалол зўравонлик қилиш, юртнинг ғам-ташвишини чин дилдан егувчиларни эса «халқ душмани» сифатида қатағон қилиб, буткул қириб юбориш чора-тадбирлари билан аҳолини бетиним кўркув, ваҳимага, даҳшатга солишнинг ниҳоятда улкан имкониятига эга бўлади.

Энг яқин ўтмишдаги, шўролар жамиятига хос бўлган машғум кўриниш – люмпенлашув – ўз мулкий қиёфасини тўла-тўқис йўқотиш эди. Люмпенлар ва пауперлар ижтимоий жиҳатдан энг хавфли тоифа ҳисобланади. Люмпен немисча жулдур, паупер сўзи лотинча қашшоқ, йўқсул деган маънони англатиб, кенг халқ оммасининг рисоладагидек ҳаёт кечириши учун энг зарур бўлган турмуш воситаларидан ажралиб қолганлигини билдиради. Бундай кимсалар эса, одатда товламачилик, дайдилик, фоҳишабозлик, тиланчилик, ўғрилиқ билан ўзининг бирор бир кунини ўтказиб юрадилар. Улар – сиёсий лоқайд, тутуриқсизлик, авантюризм ҳамда бошбошдоқликка ғоятда мойил бўлиб, турли хил тўдалар, тартибсизликларнинг келиб чиқиши учун ниҳоятда қулай бир шарт-шароит, муҳитни яратиб берадилар.

Ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига бундай палидларча ёндашув мамлакатда ҳокимиятни қонунга мутлақо хилоф равишда ўз қўлига зўрликлар воситасида киритиб олган ҳамда ўзининг бутунлай ноинсоний сиёсий фаолиятида мавжуд давлатнинг жазо органларига тинимсиз таянадиган, унинг устига ўз ўлигини ташлаб ётиб оладиган, ҳамиша энг оғирнинг устида, енгилнинг бўлса остида юрадиган ягона партиянинг жамият устидан тўла ҳукмронлик қилган шароитидагина бўлиши мумкин. Мустабид давлатларнинг барча кишиларни ваҳимага солиб, зириллатадиган зулмкорлиги эркин ҳамда адолатли фуқаролик жамияти мунтазам эмас, оддийгина сокин ривожланишига ҳеч қачон, ҳеч қандай имкониятни заррача ҳам қолдирмайди.

Ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ иқтисодиётга раҳбарлик қилишга ноқобиллиги яққол аён бўлиб қолган большевистик тузум амалдорлари миллионлаб оч-яланғоч камбағалларни, қашшоқларни

Ўзига тўқроқ меҳнаткашларга, бойларга қарши тинимсиз гиж-гижлаб, жаҳон тарихида сира мисли кўрилмаган ҳасад, нафратнинг ўта улкан гулханига аввал қорамойни бемалол, шошилмасдан керагича, ҳатто керагидан ортиқчасини ҳам томчилатиб қуйиб, ундан сўнг пинҳона равишда гугуртни ҳам чакиб юборишга муваффақ бўлган эдилар.

Камбағалларнинг жуда фақирлигига бойларнинг ўзлари сабабчи, бойлар уларнинг ҳақи (қўшимча қиймат)ни уриб қолиб, ўз терисига сиғмасдан ниҳоятда семириб кетмоқдалар, деган марксистик қараш миллионлаб қўли гул ишбилармонларнинг, тадбиркорларнинг ёстиғи бутунлай қакшаб қуришига, ниҳоятда улкан мамлакат иқтисодининг хонавайрон бўлишига, одамлардаги эркин меҳнат ташаббусининг эса бирданига сўниб қолишига сабаб бўлганди. Устамонлик билан ёқиб юборилган ҳамда ўтинларининг устига тўхтовсиз мой қуйиб турилган ҳасад гулханида миллатнинг пешонасини беагаган гултож фарзандлар бутунлай ёниб кул бўлгандилар. Бойлар ва моддий бойликка нафрат шундай даражада чуқур томир отган эдики, аҳолининг, гарчи озчилик бўлса-да, муайян қисми онги ва тафаккурида ҳақиқий тадбиркорлик фаолиятига, бизнес билан машғул бўлган инсонларга, ўзига тўқроқ кишиларга нисбатан, маълум даражадаги ишончсизлик, бегонасираш, ва ҳаттоки, чин кўнгилдан кўролмаслик сингари эскича дунёқараш асоратлари ҳанузгача ҳаётимизда яшаб келаётганлигига доир айрим бир мисолларни бўлса ўзингиз ҳам бемалол керагича келтира оласиз.

Айрим дангаса, тайёрхўр кимсалар онгида эса тадбиркор дегани, бу – ҳуқуқбузарликка анчагина мойил, қандайдир текин даромаднинг ҳисобидан кун кўрувчи одам, деган нотўғри тасаввурлар ва қарашлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Албатта, «беайб парвардигор» деганларидек, қалбида эзгулик ва ёвузликнинг азалий ва абадий кураши кетаётган одам баъзан «билмайин», дадил, фақатгина олға қадам босаётганлиги туфайли, ўз оёғининг остига гоҳида бир назарини ташламасдан, чақир тиканакни, биров, аллақим атайлаб ташлаб кетган шиша синикларини ҳам босиб олиши мумкинлигини эса ҳеч ким истисно қилолмайди.

Бир – иккита ярамас, палид, имонсиз «тадбиркор», мулкдорнинг кирдикорига қараб, уларнинг барчасига нисбатан умумий баҳо бериб бўлмайди. Қолаверса, ҳар қандай подани булғай оладиган «бузоклар» ҳамма замон ҳамда маконларда барча табақа, синф, тоифаларнинг ичида доимо мавжуд бўлиб келганлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз ва истаганча мисолларни ҳам келтира оласиз. «Нур борки, соя бор» деганларидек, бундай ярамас кимсалар ҳам, ўзлари англамаган ҳолда,

ўзгаларни тинимсиз огоҳликка чорлайдилар, ҳалол инсонларни бўлса сира булганмаслик, ўз қоралари юкмаслиги учун ўзларидан анчагина нарироқда юришга чиндан ундаб, тинимсиз даъват этиб турадилар...

Юртбошимизнинг 2015 йилда «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли жуда муҳим аҳамиятга молик китобида Шўролар тузумининг барча иллатларини жудаям яхши биладиган инсон сифатида шундай фикр-мулоҳазалар баён этилганди: «Бу давр юртимиз учун ниҳоятда оғир, Марказдан ташланган «десантчи»лар ва турли сохта мафкурачилар – уларнинг ичида, афсуски, ўзимиздан чиққанлари ҳам бор эди – кўп зиён етказиб, ўзбек халқини порахўрликда, қўшиб ёзишда айблаб, ҳар хил туҳмат ва бўҳтонлар ёғдираётган бир давр эди.

Албатта, ўша пайтда жазога тортилган одамлар орасида мансаб ва бойликка берилиб, нопок ишларга йўл қўйган шахслар ҳам бўлган. Гуруч курмаксиз бўлмайти, деганларидек, ҳаёт бор экан, ҳалол ҳамда инсофли, одамлар билан бир қаторда, баъзи қўли эгри, иши кингир, фақатгина ўз роҳатини ўйлаб яшайдиган кимсалар, афсуски ҳамма халқларда ҳам учраб туради. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин ана шу нобоп одамларни деб бутун бир халқни қоралаш, уларнинг шаънини, ғурурини оёқости қилиш, энг оддий инсоний ҳуқуқларини топташ, ўзингиз айтинг, қайси қонун-қоидага тўғри келади? Айниқса, туну кун умрини далада ўтказиб, меҳнатдан бошқа нарсани билмаган ва шу заминни замин қилган оддий деҳқонлар, бригадир, звеночилар ҳамда сувчи ва механизаторларни пахтани қўшиб ёзиш, кимларгадир пора бериш ёки пора олиш деган, одамнинг ақлига сира сиғмайдиган гуноҳларда айблаб, уларни судсиз-сўроқсиз бола-чақаси, оиласидан ажратиб, қамаб қўйса, бундай ноҳақликка чидаб бўладими ўзи?

Биз «пахта иши» дейилганда, аввало, ана шундай минг-минглаб оддий, бегуноҳ одамларни ва уларнинг бошига тушган фожиаларни тушунамиз ҳамда сунъий равишда ўйлаб топилган ушбу кампанияни халқимиз, юртимизга нисбатан олиб борилган оммавий қатағоннинг бир кўриниши деб баҳолаймиз... Биз эски адолатсиз тузумга бошқа ҳеч қачон қайтмаймиз. Ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлидан қатъият билан борамиз...».

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Дунёга жуда машхур инглиз иқтисодчи олими Адам Смитнинг бениҳоя ҳақли фикрича, «Инсон табиатан табиийликни ёқтиради. Ҳар бир шахс бахил, фақат ўзининг манфаатлари туфайли доимо бойлик тўплайди ва натижада жамият ҳам бойийди». Айнан шу сабабга кўра ўзини мулкдор, мулк хўжайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яшириниб ётган потенциал ақл-заковати ҳамда куч-ғайратини юзага, ташқарига, рўёбга чиқариб юборади. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини бениҳоя ёрқин намоён этиб, уни ғоят ташаббускор ва омилкор бир инсонга айлантириб қўйганини баъзан ўша ҳазрати инсоннинг ўзи ҳам унчалик сезмасдан қолиши мумкин.

Ҳақиқий, ишнинг ўзини ҳам, кўзини ҳам жуда яхши биладиган хўжайин раҳбарлик, саркорлик қилаётган корхонанинг ривожланиш истикболлари ҳамиша ёрқин ва аниқ-равшанлигини, ишлаб чиқариш самарадорлиги эса ҳамманикидан кўра юқори, оладиган соф фойдаси ҳам, ходимларнинг иш ҳақи ҳам анча юқорилигини ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Юртимизда мустақил, ғоятда уддабурон мулкдорлар қанчалик кўп бўлса, барча кишиларнинг ўз ҳалол меҳнатлари эвазига юқори даражадаги иш ҳақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароит ҳам шунчалик тезроқ вужудга келтирилади.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон» НМИУ томонидан 2015 йили чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик китобида ушбу масала хусусида шундай мулоҳазани тагин илгари сурилганди: «Биз давлатнинг бош ислохотчилик ролини мустаҳкамлаш йўлидан борамиз. Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича аҳолининг кескин табақаланишининг йўқлиги ҳам ана шундай сиёсатнинг (ҳақиқий) натижасидир. Одамлар ҳаёт даражаси ўртасида ана шундай мувозанатнинг бўлиши – халқнинг ўзининг ҳаётидан рози бўлиб яшаши, мамлакат барқарорлигининг (ниҳоятда) муҳим омилли ҳисобланади.

Халқ қачон норози бўлади, жамиятда қачон тўполонлар бўлади? Агар ўта бойлар кўпайиб, уларнинг бойлиги ортаверса, камбағаллар ҳаёти борган сари ночорлашиб кетса. Бу борада эса Ўзбекистондаги вазият мўътадил эканини одамлар кўриб-билиб турибди. Жамиятда

адолат бузилса, бойлар ўртача яшаётган одамлар ёки камбағалларни ўзига тенг кўрмаса, бундай давлатнинг умри узок бўлмайди. Кескин норозилик одамларни кўчага чиқиб, ўз талабини ҳокимият идоралари олдига қўйишга мажбур қилади. Нега дейилганда, бугун одамларнинг онги ўзгаряпти, энди ҳеч ким кул бўлиб, қарам бўлиб яшашга рози бўлмайди.

(айнан) Шу маънода, юртимизда ўрта синф бўлмиш мулкдорлар синфини шакллантириш эл-юртимиз барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ҳамда кафолати, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, илм-фан намояндалари, зиёлилар ўрта синфга мансуб табақа ҳисобланади. Дунёнинг энг қудратли давлати бўлмиш АҚШда ҳам ўрта синф давлатнинг асосий суянчи ҳамда таянчидир. Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда ҳам тахминан 60 – 70 фоиз аҳоли ўрта синфга мансуб. Жамиятда ўрта синф катта ўрин тутадиган бўлса, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшайди, уларнинг ўртасида ўзаро ҳамжихатлик ва меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради. Агар жамиятдаги синфлар ўртасида тафовут ўта катта бўлиб, улар бир-биридан норози бўлса, зиддиятлар ва тўқнашувлар юз беради. Бу масаланинг нозик томонларини ҳамиша эътиборимиз марказида тутишимиз лозим»...

Ҳақиқий мулкнинг эгасига кимнингдир турткиси ҳам, бирор иш, фаолиятга тинимсиз равишдаги даъват ҳам мутлақо шарт эмас. У ўз юмушини доимо ўзи билиб, олдиндан пухта режалаштириб, эртанинг, оиласининг, бола-чақаларининг, амалда эса бутун бошли жамиятнинг ғам-ташвишини еган ҳолда қилаверади. Бундай тадбиркор инсонларга фақатгина сира халақит бермаслик, унинг иқтисодий тараққиёт сари бошлаб бораётган раво йўлини эса бор-йўғи тўсмаслик лозим, холос. Масалан, «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон»да «Оламини маҳлиё айлаган диёр»имизнинг барча қишлоқларида ёшувари қари ғоятда яхши биладиган томорқанинг ибратли жиҳати шундаки, у одамларнинг кўз ўнгида ҳақиқий мулк сифатида намоён бўлади. Шунинг учун одамлар унга чин кўнгулдан ёпишади, кўз қорачиғидек асраб-авайлайди, бола-чақаси билан тинимсиз, сира ҳам ҳоримасдан, чарчаганини ҳеч кимга заррача сездирмай, белидаги белбоғини пешонасига маҳкам боғлаб олиб ишлайверади. Одатдагидан икки – уч баробар кўпроқ ҳосилни ҳам йиғиштириб олади. Бу ҳақиқий хусусий мулкнинг афзаллигини исботлайди. Томорқа – меҳнат ҳамда тарбиянинг боши, маънавият бешиги. Шахсий томорқаларни фақатгина тўқинчилик ва даромад

манбаи деб тушунмаслигимиз лозим. Отаси ёнида туриб ниҳолга сув кўйган, кўчат ўстирган, дарахларни парваришлаган боладан ҳаргиз ёмонлик чикмайди. Ҳамма иллатлар дояси – бекорчилик, танбаллик. Фарзандларимизнинг биз билан бирга томорқада тер тўкиб ишлаши болаларимизда меҳнат малакасини пайдо қилиши билан бир қаторда, уларнинг ерга меҳрини, элга, юртга, Она Ватанга бўлган садоқатини кучайтиради, ҳалол нон топиб, нонини ҳалоллаб ейишга ўргатади ва табиийки, ёшларнинг ўртасида ишсизликни камайтириш учун янги бир имкониятларни яратади. Демак, томорқани ривожлантиришнинг иқтисодий, ижтимоий ва тарбиявий, маънавий-маърифий аҳамияти ниҳоятда катта. Шунинг учун ҳам айнан миллий истиқлол йилларида ушбу масалаларга қишлоқда, аграр соҳада самарали равишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг жуда ҳам мустаҳкам асосларидан бири сифатида қаралмоқда.

Айнан шундай равишда хусусий мулк, моддий манфаат, юксак маънавият, жаҳолатга ўта қаттиқ тиш-тирноғи, бутун вужуди билан қарши бўлмиш маърифатнинг ниҳоятда долзарб ҳаётий масалалари узвий равишда бир-бири билан жуда чамбарчас боғланиб кетмоқда...

Ханузга қадар бизга сохир сабоқларини аямай бериб келаётган Соҳибкирон Амир Темурнинг ғоят ҳақли фикрича: «Давлат агар дину ойин (қонун) асосида қурилмас экан, тўра – тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат ялонғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд қасу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди».

Мустақил Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституцияси қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан ҳар бир шахснинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи конституциявий тартибда тан олинганлигини билмайдиган кишининг ўзи бўлмаса ҳам керак.

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ҳамда ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан бемалол фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 36- моддасида катъий равишда мустаҳкамлаб қўйилган инсоннинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги халқаро Пакт ҳамда бошқа халқаро меъёрларга, мезонларга, ҳужжатларга тўла-тўқис мос келади.

Ўзбекистонда қонун тартибида ва қундалиқ ҳаётда ҳар бир инсонга тўлиқ эркин иқтисодий фаолият, ўз меҳнاتини сарфлайдиган соҳани ва шаклини эркин тарзда танлаб олиш имконияти таъминланади.

Конституциянинг 54- моддасига мувофиқ: «Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Жамият иқтисодий тараққиётининг асосини ташкил этувчи мулк – табиат бойликларини, ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини муайян бир шахслар ёки уларнинг жамоалари томонидан ижтимоий жиҳатдан ўзлаштиришга асосланган шахслар ўртасидаги турли муносабатларнинг натижаси бўлиб, бунда бирор мол-мулкнинг кимга тегишли эканлиги аниқ-тиниқ белгилаб қўйилади. Биз яшаётган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши ҳам мана шу мулк асосида, унга нисбатан бўлган мулк ҳуқуқининг айнан кимга ва кимларга тегишли эканлиги билан белгиланади.

Ўтган асрнинг 90- йиллари бошларидаёқ конституциявий норма ва қондалар асосида қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» ҳамда «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунлар жуда қисқа муддатда саноат, савдо, умумий овқатланиш ва хизматлар соҳаларидаги ўн минглаб, юз минглаб давлат мулки бўлган объектларни хусусий мулкка айлантириш мақсадида уларни бемалол сотиш, мулкни ижара (аренда)га бериш принципларини, энг биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигида жорий этиш имкониятини яратганди.

Мамлакатимизда 2000 йилда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда асосий роль ўйнади. Ушбу қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин равишда, ўз хоҳиши билан иштирок этиши учун барча асосий кафолат ва шартлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда тадбиркорлик бизнес субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари тўла муҳофаза этилган.

Хусусий мулк ҳуқуқи амалда муддатсиздир, яъни мулкнинг асл эгаси ўзига тегишли бўлган мулкдан абадий фойдаланиши, ўзининг мулк ҳуқуқини ўзи хоҳлаган вақтда тасарруф қилиши мумкин. Ҳеч ким мулкдорга ўзининг мулкни эгаллаб туриш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш учун ўзича муддатни белгилаш ҳуқуқига

мутлақо эга эмас. Чунки, мулк ҳуқуқи факатгина мулкдорнинг ўзига тегишли бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда истиқлол даврида тадбиркорларнинг, мулкдорларнинг ҳамда хусусий мулкнинг ҳимоясига алоҳида диққат-эътибор қаратилаётганидан ўзингиз ҳам анчагина яхши хабардорсиз. Юртимиз иқтисодиётини хорижий мамлакатлар товарларидан ҳимоя қилиш мақсадида ҳаммага унчалик ёқармайдиған протекционизм сиёсатини юритишга ҳам мажбур бўлинди. Масаланинг асл сабабини яхшироқ билиб олиш мақсадида тагин Юртбошимизнинг 2015 йилда чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли ғоятда муҳим аҳамиятга молик китобига мурожаат қилишимизга ҳам тўғри келади: «Очиғини айтганимизда, бизда, Ўзбекистонда конкуренция, яъни рақобат деган нарсa борми ўзи? Бўлса ҳам, айрим бир соҳалардагина бор. Бугун биз кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни нималарнинг ҳисобидан ривожлантиряпмиз, ҳимояляпмиз? Энг аввало, божхона ставкалари ҳисобидан. Умуман, Ўзбекистонда бизнес эгалари бемалол ишлаши мумкин. Нега деганда, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган товарларни четдан олиб келишга, яъни, тенг рақобат шароитини яратишга биз ҳанузгача ўтганимиз йўқ. Шундай шароитни яратиб берсак, Хитойдан, Туркиядан, бошқа давлатлардан келтирилган моллар билан бозорларимиз шундай тўлиб кетадики, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, тўғриси, рақобатлаша олмай қолади. Шахсан мен бизда рақобат – конкуренция бўлишини хоҳлайман. Шунда бозорларимизда энг харидоргир ва энг сифатли маҳсулотлар янада ҳам кўпаяди. Лекин, бундай рақобат учун бизлар ўзимизда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берадиган мустаҳкам техник, технологик пойдевор яратишимиз керак. Ҳозирги кунда эса биз айнан шуларга интиляпмиз. Ўзбекча қилиб айтганда, иқтисодиётимизнинг бели бирозгина бақувватроқ бўлиб олсин, ундан кейин ҳар қандай рақобатга бардош берадиган бўлади»...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 169- моддасига кўра, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ҳамда маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа турли-туман мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари мулк ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Мулқдан фойдаланиш жараёнида, энг аввало, экологик муҳитга зарар етказмаслик сингари конституциявий талабнинг белгиланиши ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у мулқдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган барча жисмоний ва юридик шахсларга экологик қонунчилик ҳужжатлари қоида-талабларига амал қилиш мажбуриятини юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мулқ ҳуқуқининг ҳақиқий мазмуни, унинг энг асосий йўналишлари белгилаб қўйилиши жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулқий ҳуқуқларини кафолатлайди, иккинчидан, мулқ ҳуқуқи субъектларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади...

Россиялик ҳуқуқшунос эксперт Н. Мишиннинг асосли фикрича: «Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига чиндан содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида чуқур масъулиятни ниҳоятда теран ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ҳамда қонунийликка ўта ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини расмий равишда тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, амалда инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят, мустақкам фуқаровий тинчлик-омонлик, миллий келишувни таъминлаш сингари эзгу ниятлар ўзининг асл мужассамини топган».

Халқаро прокурорлар ассоциациясининг президенти Жеймс Хамилтон (Ирландия) ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ҳар бир давлат ўз ривожланиш йўлини танлашга ҳақли, аммо демократиянинг қонун устуворлиги каби умумий принципи мавжуд. Бу эса жамиятда манфаатлар мувозанатини тўла таъминлайдиган Конституция билан тасдиқланиши даркор. Унинг қоидалари амалда самарали қўлланиши ҳам ғоят муҳимдир. Ҳар қандай инсон ўз ҳуқуқлари бузилганда судга мурожат қилиши, суд уларни ҳимоя қилишига амин бўлиши даркор. Бу эса Конституциянинг реал амалга оширилаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистонда сўнгги... йилларда конституциявий қурилиш соҳасида жуда катта ютуқларга эришилди. Мамлакатингизнинг Асосий қонуни умумэътироф этилган барча жаҳон стандартларига мос келади. Яна шуниси ҳам муҳимки, Ўзбекистонда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласига ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратилмоқда. Негаки, Конституцияда мустақкамланган ўз ҳуқуқларини биладиган, тушунадиган ва улардан унумли фойдалана оладиган одамларгина мамлакатда демократик жараёнларни такомиллаштириш жараёнида фаол равишда иштирок этишлари мумкин».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2- моддасидаёк, «Давлат халқ продасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деган жуда муҳим конституциявий қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур моддада Қомусимизнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ўзининг яққол ифодасини топган. Ушбу конституциявий нормада бўлса фуқаролар манфаатининг давлат манфаатларидан устунлиги принципи қонуний равишда қафолатлаб қўйилган. Собиқ шўролар тоталитаризми даврида бундай фикрни ҳеч қим, ҳеч қачон ҳаёлининг қўчаси у ёқда турсин, ҳаттоки сўқмоғининг яқинига ҳам сира келтира олмасди. Ҳаёлига келтирган тақдирда ҳам ушбу масалада чурқ этиб, ўз оғзини очолмасди. Айтайлик, бу хусусда оғзидан гуллаб қўйган тақдирда эса бошига не бало-қазолар ёғилиши мумкинлигини коммунистик қатағоннинг тегирмонига чиқит сингари улоқтириб юборилган «ичкаридаги» миллионлаб сиёсий маҳбуслар, маҳкумлар, уларнинг ўзлари колонияда ишлатадиган иборалар билан ифодаляйдиган бўлсак, «қисматдошлар» «ташқари»даги инсонларга доимий равишда, тинимсиз тарзда эслатиб туришарди.

Ўша Шўроларнинг замонида қатъий меъёрлаш тақсимои ҳукм сурган, бошқарув тизими бўлса қатъий марказлаштирилган шўролар жамиятида ночорлар ва ногиронлар манфаатини ҳимоялаш масаласи биринчи ўринга қўйилиб, қобилятли, тадбиркор ва идрокли кишилар салоҳиятини муносиб тақдирлаш имқонияти бўлса қидирилмаганди. Бундай тузумда ҳалол ва фидойи, бор қуч ва қувватини жамият ҳамда давлат тараққиётига сарфлаб юборган, ўзининг шахсий манфаатини нисбатан камроқ тарзда ўйлаган инсонлар эса камбағаллигича қолиб кетаверганди. Оқибатда бўлса, бундай кишилар ҳалол ҳамда хокисор одамларнинг тимсолига айланганди, янада аниқроғи, агитация ҳамда пропаганда (тарғибот-ташвиқот)нинг ўта қудратли қуроли воситасида шундай бир тимсол, рамзга айлангириб ташланган эди...

Сўнгги йилларда фақат ҳуқуқшунослик илмидагина эмас, ўзга ижтимоий фанларнинг барча жабҳаларида ҳам «қадрият» атамаси асл мазмун-моҳиятини очиб берувчи тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Президентнинг жуда ҳақли фикрича, «Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга ва тараққиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари кадри ошиб борадиган ғоя ва тушунчаларни қадрият деб биламиз».

Қадрият категориясини «урф-одат», «анъана» тушунчаларидан фарқлашимиз даркор. Чунки, урф-одат ва анъаналар орасида жамият тинчлик-омонлиги, барқарорлигига, умуман, тараққиётга ҳам путур етказувчилари анчагина. Шу жумладан, мутаассиблик, боқимандалик, лоқайдлик, бепарволик ва ҳоказолар. «Қадрият» деганда халқ қадрлайдиган, ҳурмат қиладиган, эъозлайдиган, рухий юксалиш ва тараққиётга, фаровонликка хизмат қиладиган маънавий бойликлар кўз олдимизга келиши керак. «Қадрият» атамаси инсонга, жамиятга нисбат берилиб таърифланганидагина муайян бир маъно-мазмун касб этиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам қадриятлар башарият эҳтиёжларини қондирувчи предметлар, ҳодисалар ҳамда уларнинг хусусиятларидир. Инсонга нисбат бериб баҳоланмаган буюмлар, ҳодисалар, жараёнлар ҳеч қачон ҳеч қандай ва тузукроқ кадр-қимматга эга бўла олмайди.

Қадриятлар инсонга хизмат қилувчи турлича неъматлардир. Бу Дунёнинг энг олий неъматини ва бетакрор хилқати инсон! Ана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, инсонлар ижтимоий турмуши учун зарур ва фойдали бўлган, уларнинг тараққиётга хизмат қиладиган ва шароит яратадиган барча предмет, воқелик, жараёнлар қадрият ҳисобланади.

Уларнинг орасида ҳуқуқий қадриятлар алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Хўш, шундай қилиб, ўша Ҳуқуқнинг ижтимоий қадрият сифатидаги асосий хусусиятлари, энг аввало, нималарда кўринади?

Биринчидан, ҳуқуқ таъсирчан восита сифатидаям кадр-қимматга эга. У кишиларнинг хатти-ҳаракатларига уюшқоқлик, ташкилийлик, барқарорлик, ўзаро мутаносибликни бахш эта олади. Ана шу тарика ижтимоий муносабатлар тизимига барқарорликни киритиб, уларнинг муайян маърифийлик даражасида бўлишини таъминлаб беради.

Иккинчидан, ижтимоий муносабатлар иштирокчилари умумий продасини ифодалаб, индивидлар, бутун жамият манфаатдор бўлган муносабатлар ривожланишига ҳам кўмаклашади. Ҳуқуқнинг энг олий кадр-қиммати унинг кишилар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир этиб, хусусий манфаатларни муросага келтириши ва мувофиқлаштиришида ниҳоятда яққолроқ ифодаланади.

Учинчидан, ҳуқуқ шахснинг жамиятдаги эркинлигини ифодалаб унинг мезони сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқнинг бу роли туфайли ижтимоий муносабатларнинг батартиблигига эришилади ва кишилар ҳаётдан эса ноқонунийлик, зўравонлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик сингари бир қатор чинакам иллатлар буткул истисно этилади.

Тўртинчидан, унинг адолат ғоясини тўла-тўқис ифодалай олиш имконияти билан ҳам белгиланади. Аслида «адолат» атамаси «ҳақ», «ҳақиқат» «ҳуқуқ» каби сўзлар билан теран маънодош ҳисобланади. Амалиётда бўлса ҳуқуқ адолатнинг меъёрланган ифодаси ва моддий неъматларни адолатли тақсимлашнинг ўзига хос мезони бўлиб, барча фуқароларнинг келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати, ижтимоӣ мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенглигини ифодалайди.

Бешинчидан, тараққиётнинг қудратли омили, жамият ижтимоӣ ривожининг тарихий маромига мос равишда янгилашнинг манбаи сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқнинг бундай роли мамлакатимизда кечаётган ислохотлар, сиёсий, ижтимоӣ ва маънавий янгилашлар палласида алоҳида кўзга ташланаётганини ўзингиз ҳам кўряпсиз.

Давлатнинг фуқаролари олдидаги масъулиятининг мавжудлиги демократик ҳуқуқӣ давлатнинг ғоятда муҳим бўлган белгиларидан ҳисобланади. Давлатнинг ўзи халқнинг қонуний сайлаган вакиллари томонидан парламентда қабул қилинган ҳамда Сенатда маъқулланган Президент томонидан имзолаган, расмий нашрларда эълон қилинган ва юридик кучга эга бўлган адолатли қонунлар доирасида инсоннинг тўлақонли фаолияти ҳамда фаровон ҳаёт кечирмоғи учун жуда зарур бўлган барча зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи даркор.

Маълум бир мамлакатнинг ҳудудида вақтинча ёхуд муқим яшаб турган инсон учун унинг қайси давлатга мансуб эканлиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқӣ мақоми унинг айни пайтда қаерда яшаётганлиги ва қайси давлатнинг фуқароси эканлиги каби ҳолатларга бевосита боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иккинчи бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланиб, унда «инсон» ва «фуқаро» мақоми алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқлар ҳамда эркинликларга бағишланган нормаларида, агар инсоннинг ҳуқуқлари мустаҳкамланаётган бўлса, одатда «ҳар ким», «ҳеч ким», «ҳар бир шахс» каби иборалардан фойдаланилган. Агар Ўзбекистон фуқароси ҳуқуқлари, мажбуриятлари мустаҳкамланаётган бўлса, «Ўзбекистон фуқаролари» деган расмий равишдаги атамалар қўлланган.

Инсон ва фуқароларнинг асл ҳуқуқлари орасида фуқароларнинг тенглиги принципи ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Фуқароларнинг тенглиги принципи ўзбек халқининг асл миллий менталитети, унинг чин инсонпарварлик руҳига, бағрикенглиги, диний қадриятларига ҳам

нихоятда мос келади. Ислом Каримов томонидан жуда ҳақли тарзда эътироф этилганидек, «Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл-насаби, ирки, миллатидан ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, тенг ҳуқуққа эгадир.

Конституциямиз Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳурмат қилинишини кафолатлайди».

Конституциямизда яшаш ҳуқуқининг расмий эътироф этилиши давлат олдига шахс ҳаётини тинимсиз равишда ҳимоялаш ҳамда уни ижтимоий ҳавфли таҳдид, тажовузлардан муҳофазалашнинг амалдаги механизмини яратишдек бениҳоя муҳим масалани кўндаланг кўяди. Бу, фақат жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқни ҳимоялаш фаолиятигагина эмас, ижтимоий соҳада инсон ҳаётини сақлашнинг барча чора-тадбирларини таъминлаш фаолиятига ҳам тегишлидир...

Бир куни жуда машҳур ҳақимдан: «Қандай одам жазога лойиқ?» деб сўраб қолибдилар. Унинг жавоби бўлса куйидагича бўлган: «Ҳеч қандай инсон жазога мутлақо лойиқ эмас. Жазога чиндан ҳам лойиқ нарсалар эса жуда ваҳший ҳайвонлар, одамларга доимо зиён-заҳмат етказиб юрадиган заҳарли илонлар ва чаёнлар сингари турли-туман газандалардир. Аммо, орамизда аҳён-аҳёнда шундай палид кимсалар ҳам учраб турадики, уларнинг вужудида зараркунанда дарранда ва газандаларнинг кўпгина хислатлари бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб асосли тарзда жазоланади. Бу тариқа кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам мутлақо ноўриндир!»...

Конституциянинг асосий моҳияти шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига жуда ҳам аниқ-тиниқ мақсадни кўяди, шу мақсад йўлида кишиларни ўзаро бирлаштиради. Ана шундай эзгу мақсадга эришиш йўл-йўриқларини эса ўз маъно-мазмунини мужассам этади.

Бош қомусимизнинг 13- моддасига кўра, «...Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимояланади». Буюк бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг ғоятда асосли фикрича ҳам худди шундай бўлмоғи даркор, яъни «Идора қилиш ва бошқаришнинг энг асл моҳияти, азият чеккан инсонларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини чиндан ҳимоя қилиш ҳамда бировларнинг тинчлик-омонлиги йўлида ўзининг тинчлик-хотиржамлигини йўқотишдан иборат».

«Давлатни бошқариш – оғир юк, ғоятда машаққатли меҳнатдир. Кишиларнинг барчаси ўзи билан ўзи овора, подшоҳ эса уларнинг барчаси билан овора. Инсон биргина душмандан хавфсираса, подшоҳ

минглаб душманлардан хавфсираб яшайди. Инсон ўзининг оддийгина хўжалигини тартибга солиш, оиласини бўлса оддий озиқ-овқат билан таъминлашни ҳам баъзида эплай олмайди, подшоҳ эса ўз давлатидаги бутун аҳолининг ташвишини қилишга мажбур. У ўз салтанатининг бирор жойига эндигина ямоқ қўйганида, унинг бошқа жойи йиртилиб қолади. Эндигина бирор душманини бостирганида, бошқалари билан курашга тайёрланишга мажбур бўлади. Шуниси эътиборлики, унинг жони биттагина, овқатни ҳам бир фуқарочалик ейди. Лекин, биргина кулча еса-да, минглаб кулчалар ҳақида ҳисобот беради, бир товоқдан ейди, минглаб товоқлар учун барчага жавоб беради, бир турмушдан лаззатланади ва минглаб ҳаётлар ҳақида қайғуради. Шундай қилиб, ҳукмдор фуқароларнинг барча юқларини ўзининг елкасида кўтаради, ўзининг жудаям оғир меҳнати ҳисобига уларга дам беради, уларнинг душманларига қарши ўзи бениҳоя қатъият билан курашади, уларнинг камчиликларини яширади». Ўтмиш замонлардаги жуда улуғ аллома, донолардан бири Ат-Тартуший эл-юрт ҳукмдорларининг кўпчиликка ғамхўрлик қилиши хусусида ана шундай ҳаққоний фикр-мулоҳазалар юритган ва ўзининг ушбу фикрларини бизга мерос қилиб қолдирган.

Биз X асрда айтилган бу фикрларни орадан яна ўн бир аср ўтиб, анча эскириб қолди, деб айта оламизми? Юқоридаги фикрлар бугунги воқеликка унча мос келмайди, дейишимиз мумкинми? Тўғри, бугунги кунда давлатларни подшоҳлар, амирлар, хонлар ва султонлар эмас, асосан Президентлар, Бош вазирлар бошқаради. Тўғри, бугунги кунда дунё харитасининг ўта салмокли қисмини салтанатлар, монархиялар эмас, республикалар ташкил этади. Тўғри, бугунги кунда бир киши иродасига бўйсунадиган мутлақ монархиялардан кўра бутун халқнинг иродасига таянадиган демократик давлатлар улуши катта. Аммо бу ҳолат давлат бошлиғининг елкасидаги масъулиятни камайтирадими?

Одамлар ҳали-хануз, фақатгина ўзи билан ўзи овора эмасми? Кишиларнинг аксарияти ҳали ҳам фақат уй-рўзғор ташвишлари билан банд эмасми? Ҳозирги даврда ҳам ҳамон барчамиз ўз турмушимиз, ўз бола-чақамиз, ўзимизнинг рўзгоримиз ғамини емаймизми? Баъзида эса фарзандларимизнинг таълим-тарбиясиниям тузукроқ эплай олмай ёки рўзғорни бутлай олмаганимизда бу ёруғ дунё кўзимизга жудаям қоронғу кўришиб кетиб, ўзимизнинг ҳаётимиздан зорланиб ва нолиб қўймаймизми? Лекин, негадир ўзининг оиласидан ташқари бутун эл-юртнинг ғамини еб яшаётган ва ўз фарзандларидан ташқари ўзбегим фарзандларининг барчаси ҳам комил инсон бўлиб етишиши ҳақида

Шундай мушкул шароитда замонавий миллий таълим тизимини жорий этиш тўғрисида гап-сўзлар бўлишиям мумкин эмасди. Чунки, ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, билим инсонга табиатнинг сирасрорлари, жамият турмуши, жумладан, унинг ўтмиши, маънавияти, маданияти, демакки, ўзини ҳамда ўзлигини англашни ўргатиб қўяди. Мустамлакачилар ҳамда метрополия учун эса ўша замонда бундан-да каттароқ, хавфлироқ душман бўлиши мумкин ҳам эмасди. Жафокаш жадидларнинг жасорати, эл-юртимиз аҳлини саводли қилиш борасида жон куйдириб, ўз ширин жонини жабборга бериб фаолият кўрсатган боболаримизнинг чинакам маърифатпарварлик, хусусан, янги услуб мактабларини ташкил этиш, ўзбекнинг болаларига замонавий илм-фан сирини ўқитиш борасида баҳоли қудрат даражадаги уринишлари кўнгилдагидек чиқмаганлиги сабаблардан бири аслида шунда эди.

Империя бошқарувини қўлга олган коммунистларнинг таълим соҳасидаги сиёсати 1973 йили СССР Олий Совети тасдиқлаган «ССР Иттифоқи ва иттифокдош республикалар халқ таълими асослари»да ҳам яққол кўринади: «СССРда халқ таълимининг мақсади марксизм-ленинизм ғояларида, совет қонунлари ва социалистик ҳуқуқ-тартибга ҳурмат руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда тарбия топган ва жисмонан соғлом, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилишнинг турли йўналишларида муваффақиятли меҳнат қилиш, жамият ва давлатнинг ҳаётида илдам қатнашишга қодир, социалистик ватанга чексиз содиқ, унинг моддий ҳамда маънавий бойликларини сақлаш ва қўпайтириш, табиатни асраш, муҳофаза қилишга тайёр, коммунистик жамиятнинг юксак билимли ва ҳар томонлама ривожланган фаол қурувчиларини етказиб беришдан иборатдир». Янада қисқароқ ифодалганда, яққол кўриниб ҳам турганидек, таълимдан асосий мақсад илм-фан, иқтисод ривожини эмас, империя манфаатлари ва коммунистик идеология учун кўр-кўрона, ўзининг жонини жабборга бериб хизмат қиладиган тирик «кашёлар», ҳозирги замон тилида айтсак, зомбиларни тайёрлаш эди.

Орадан чорак аср ўтиб кетганига қарамасдан, собиқ империя, ва айниқса, метрополия ҳудудида ҳанузгача советлар таълим тизимини улуғлашдан сираям чарчамайдиган «совет ҳукумати таълимни текин қилиб қўйганди», вазини жудаям кўп такрорлайдиганлар мавжуддир. Лекин, улар икки ҳақиқатни ё билмайдилар, ёхуд билиб билмаганга оладилар. Биринчидан, ўша пайтда таълим якка-ягона советларнинг давлатида эмас, шу билан бирга АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам текин бўлган. Совет давлати

фуқаролар меҳнати билан яратилган барча даромадни ўз қўлига олиб, одамлар очидан ўлиб кетмаслиги, яланғоч қолмаслиги учун етарли, барча учун деярли бир хил даражадаги «чой пули»ни ойлик қилиб берилган шароитда таълимнинг бепул бўлиши, масалага инсоф билан ёндашилганда, бу мажбурият эмасмиди? Халқнинг асосий кўпчилиги наздида шахсий автомобиль, чангюггич, кирювгич, рангли телевизор, ҳаво совутгич... кундалик эҳтиёж эмас, ҳашамат, етиб бўлмас матоҳ ҳисобланган муҳитда тагин таълим ҳам пуллик бўлиши керакмиди?

Иккинчидан, совет таълим тизимининг биз юқорида ҳам эслаган бош мақсад-муддаоси нуқтаи назаридан таълим текин ва мажбурий бўлиши ҳам табиий эди. Акс ҳолда, ҳеч ким, ҳар ҳолда кўпчилик бу сингари бемаъни мақсад йўлида ўқишни ҳечам афзал кўрмаган бўлар эди. Аммо, танлаш имкони, умуман, сиёсий ҳуқуқ мавжуд бўлмаган бир шароитда ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ўша советлар таълим тизими мустамлака халқларга, хусусан, бизга нима берди? Эл-юрт учун қайғурадиган, мавжуд оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўнглаш ҳақида роса бош қотириб, улар муаммоларини бартараф қила оладиган, ўз ўтмишини холис ўрганиб, элига, дунёга тақдим этишга қодир, маданияти, анъаналари, тили ва адабиётини кўз қорачиғидек асраб-авайлайдиган, ўзлигини англаган етук шахслар, кадрларнинг юзага чиқишини таъминладими, йўқми? Тўғриси, тан олишимиз керакки, пахтачилик, хусусан, пахтанинг янги навларини етиштириш бўйича олимлар тайёрланди. Ўша замонларда бошқачароқ бўлиш мумкин эмасди. Чунки, Ўзбекистон империянинг асосий пахта хомашёси манбаи эди. Бирок, пахтани тайёр маҳсулотга айлантириш билан боғлиқ соҳалар, умуман, енгил саноат, замонавий дастгоҳларни ишлаб чиқиш, бошқариш, бежирим, харидорбоп мато, кийим-кечакларни тайёрлаш, уларни жаҳон бозорида сотишга қодир тайёр мутахассислар бормиди бизда? Йўқ, албатта! Пахта толасининг деярли барчаси ўша марказнинг ихтиёрига олинган шароитда бундай кадрларга сираям ҳожат йўқ эди. Ўзбекларнинг кўча эшигигача пахта экилган, фақатгина томларига ҳам экишнинг сираям иложи бўлмаган бир шароитда ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачиликнинг тараққиёти учун юксак малакали мутахассисларни тайёрлаб бериш борасида эса мутлақо бирор-бир гап-сўз бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Миллий тоғ-кон, нефть ва газ, миллий автомобилсозлик, миллий ахборот-коммуникация, технология, миллий ҳаво ва темир йўллари, енгил ва озик-овқат саноати, миллий меъморчилик, миллий телерадио

каналлар, миллий анъана, маданият, давлат тили, миллий парламент, миллий давлатчилик ва ниҳоят миллий кадрлар! Бугун табиийлик ва жуда оддийликни касб этиб, ҳаммамиз аллақачон ўрганиб бўлган бу тушунча ҳамда кадриятлардан қайси бирини ўша миллий истибод даврида астагина шивирлаб бўлса-да, бировга айта олардик?...

Мустақиллик тарихий воқелик сифатида бизларга ниҳоятда кўп нарсаларни ато этди. Шулардан бири ҳамда ғоятда кадрлиси бизнинг бир неча минглаб йиллик тарихимизда илк бор яратилган замонавий миллий таълим тизимидир. Чунки, барча миллий соҳаларни яратиш, уларни жадал суръатларда ривожлантириш, доимий равишда янгилаб бориш, ҳеч кимдан орқада қолиб кетмаслик, бировнинг қош-қовоғи ва қўлига қарам, ҳеч кимдан тилимиз ҳеч қачон қисқ бўлмаслиги учун бизга зўр миллий кадрлар керак! Жисмонан соғлом, ақлан етук, замонавий билимлар билан қуролланган, қийинчиликларга бардошли, юксак маънавиятли, мард ва жасур, миллат ҳамда юртсевар кадрлар даркор! Фақат шундай миллий кадрларгина ер ости ва ер усти моддий бойликларининг кўп-камлиги ё бор-йўқлигидан қатъи назар исталган ноз-неъматларни эл-юртга яратиш, етиштириб бераверади.

Ғарб олимларининг сўнгги изланишлари натижасига биноан ҳар қандай соҳа, жамоада, у хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, «зарур арава»ни тахминан унинг 15 фоиз аъзоси тортар экан. Қолганлар эса уларнинг атрофида фаолият кўрсатади. Бу ерда гап ўта ноёб истеъдод эгалари – етакчилар, бошқарувчилар, ташкилотчилар, ташаббускор, ижодкор ва ихтирочилар ҳақида кетмоқда. Жамият, тармок, жамоанинг тақдири, юксаклик савияси ҳам кўп жиҳатдан уларга бевосита боғлиқ бўлади. Демак, энг асосий мақсад-муддао уларни юзага чиқара олишдадир.

Миллий таълим тизимининг ўзига хослиги ва кучи ҳам шундаки, энди шаҳар, қишлоқ, чўл, тоғ худудининг мактаби, лицейи, коллежи, пойтахт ёхуд вилоятдаги олий ўқув юрти қабилидаги фарқлар ҳамда ажратишлар мутлақо мавжуд эмас. Деярли 9700 умумтаълим мактаби ва 1600 коллеж, лицей, 70 олий ўқув юрти Ота маконимизнинг қайси ерида фаолият кўрсатмасин, моддий-техника асоси жуда мустаҳкам, энг замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган, дарслик, қўлланмалар, Интернет билан таъминланган, ўқитувчи ва педагоглар салоҳияти бўйича тенг даражада бўлишига асосан эришиб бўлинди.

Бугунги кунларга келиб, Ота Маконимизнинг миллий таълим тизимида мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим,

кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълимни қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил тизимни яратилди.

Бундан ташқари, илғор мамлакатларнинг тажрибалари асосида ҳамда чет давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб олий ва бошқа ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари очилди. Амалга оширилган ислохотларнинг натижасига кўра Ўзбекистонда «академик лицей»дан тортиб «академия»гача бўлган замонавий, мукаммаллашган янги бир таълимнинг мукаммал тизими вужудга келтирилди. Таъкидлашимиз жоизки, диёримиз таълим соҳасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам Парламентимиз томонидан ратификация қилинди. Жумладан, 1997 йилнинг 30 августида Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 1960 йил 14 декабрь)га қўшилди ва мазкур Конвенциянинг барча талаблари мамлакатимизда 1998 йил 8 мартдан бошлаб муваффақиятли тарзда қўллана бошлади.

Шу билан бирга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгилаб қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ёшларнинг таълим олишлари учун янада кенгрок имкониятларни яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида ҳукуматнинг қарорига мувофиқ олий ўқув юртларига тўлов-контракт асосида ўқиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига 2001/2002 ўқув йилидан бошлаб тижорат банклари томонидан таълим кредитларини бериш амалиёти ҳам жорий этилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини ва «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатлар ҳамда ихтисослаштирилган мактабларда тарбия олаётганлар, кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ва бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул тарзда таъминлаш тизими ҳам жорий қилинди. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари тизимида таълим олаётган, тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларни таъминлаш мақсадида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинди ва болаларни озиқ-овқат, кийим-бош, пойабзал ва шахсий гигиена буюмлари билан таъминлаш, шунингдек, уларнинг шахсий харажатлари учун ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида пул маблағлари бериш ҳам йўлга қўйилди. Албатта, бу борадаги улкан вазифаларни амалга ошириш учун ниҳоятда катта маблағ сарфланиши белгиланган бўлиб, Юртбошимиз айтганидек, ҳеч шубҳасиз, бугун таълим-тарбия ҳамда

илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажаги эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилади.

Ҳозирда Ўзбекистондаги 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида эришилаётган улкан ютуқлар хорижда ҳам кўпчиликнинг хавасини келтирмоқда, айрим кимсаларнинг бўлса юрак-бағрини куйдирмоқда. Масаланинг энг эътиборли жиҳати шундаки, камида 3,5 минг йиллик буюк тарихимиздаги ушбу миллий тизимни барпо этишга истиқлолга эришганимизда атиги 6 йил ўтиб киришилганди. Мустабид тузумдан қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, аҳамияти ва зарурати кам бўлмаган бошқа соҳа ва йўналишлар бўйича қилишимиз шарт бўлган каттадан катта ишлар турганлигига қарамай, давлат йиллик бюджети харажатларининг учдан бир қисми эса айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтириб келинаётганлиги ва бундай улуғ ишни бошлашга ҳамма раҳбарлар ҳам, давлат ҳам жазм қилолмаслигини англаш ва тасаввур қилиш учун унчалик катта ақл ҳам керак эмас. Биргина сўнгги 5 йил мобайнида 278 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 спорт иншооти ва 100дан зиёд сузиш хавзаси янгидан ва бошдан оёқ қайтадан барпо этилди. Буларнинг ҳаммаси айтишгагина осон, оғизнинг бир четидан чиқиб кетаётганга ўхшайди. Аммо, бажарилган иш кўлами ва келгуси самарасини бир кўз олдимизга келтирсак-чи? Ана энди ўзимизга бир саволни бериб кўрайлик: шундай пухта, ниҳоятда узокларни кўзлаб яратилган миллий таълим тизимида истеъдод, иқтидор, салоҳиятнинг уруғи, ниҳоллари қаровсиз қолиб кетиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Бу ўринда, Франциянинг жуда нуфузли «Insead» халқаро бизнес мактаби ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тайёр ҳолга келтирилган, 2012 йил 3 июлда эълон қилинган «2012 йилдаги инновацияларнинг глобал индекси» номли таҳлилий, ниҳоятда муҳим маърузага таянган ҳолда бутун дунёнинг энг етакчи оммавий ахборот воситалари тарқатган, ўзингиз ҳам яхши биладиган, бир хушxabарга яна диққат-этиборимизни қаратсак. Мазкур хабарга кўра Ўзбекистон таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича бутун жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаган. Бизга кўшни давлатларнинг бу борадаги кўрсаткичларига назар ташлайдиган бўлсак, Россия – 55, Қозоғистон – 69, Қирғизистон – 72, Тожикистон эса 102- ўриндалигини кўрамыз.

Масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, дунёдаги 141 мамлакат орасида 80та кўрсаткич бўйича энг биринчи ўринда турган Ирландия 75,70 баллни тўплаб, Ўзбекистоннинг кўрсаткичларидан атиги 00,32

балл фарқ билан олдинда экан. Айниқса, катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15- ўриндалиги ёки дунёнинг жудаям қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ (61,34 балл) 31-ўринда, Хитой бўлса (52,23) 36- ўринда эканлиги таълим тизимининг тараққиёти даражаси бўйича «Оламни маҳлиё айлаган диёр»имиз кўп давлатлардан анчагина илгарилаб кетганлигини яққол тасдиқлайди.

2012 йилнинг февраль ойида Ота маконимизнинг бошкентида бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш, модернизация қилишнинг муҳим шarti» деган мавзудаги халқаро конференциянинг резолюциясида: «Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш, ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10 – 12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибаси ўрганиш»га ниҳоятда лойиқ эканлиги таъкидланган.

Юртбошимизнинг 2015 йилда истиқлол айёмининг 24 йиллиги арафасида «Ўзбекистон» НМИУ томонидан тайёрланиб, чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли китобида шундай ёзилганди: «Ҳозирги кунларда юртимизнинг қайси бир шаҳар ёки қишлоғига борманг, энг мухташам ва энг кўркем бинолар бу мактаблар, лицей ва коллежлар, маданият, санъат ва спорт масканлари эмасми?

Илгари бундай иморатлар қаерда эди? Биз, айтайлик, кимнидир ҳайратда қолдирмоқчи бўлсак, меҳмонларни қаерга олиб борар эдик? Қорамоллар боқиладиган фермага. Шунча сигиримиз бор ва улардан йилига бунча сут олинади, деб мақтанар эдик. Бугун биз нима билан мақтаняпмиз, мақтаниш объекти ва субъекти ким бўлди? Бизларнинг таълим-тарбия масканларимиз, уларда ўқиётган болаларимиз эмасми?

Айни шу йўлни танлаганимиз энг тўғри, тарихий қадам бўлди. Чунки бизнинг эртанги кунимизни ким қуради – болаларимиз қуради, индинги кунимизни кимлар қуради – невараларимиз қуради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, энг тўғри йўл – таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, янада мустаҳкамлаш йўлидир. Биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз. Янги-янги мактаблар қуриш ҳамда замонавий ўқув лабораторияларини ташкил этиш, коллежларни битириб чиқаётган болаларимизни тўлиқ иш билан таъминлаш масалалари эса доимо эътиборимиз марказида туради...

2020 йилгача 500та умумтаълим мактабларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, жумладан 101та янги

мактабни барпо этиш ҳамда 810та касб-хунар коллежлари, академик лицейларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда»...

Ҳозирча Бахтимизнинг қомуси – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси берган буюк имкониятлардан жуда самарали равишда фойдаланган ҳолда фуқаролармизнинг ва ёшларнинг таълим-тарбия соҳасидаги эришган буюк ютуқлари масаласига вақтинчалик нукта қўйган ҳолда тагин кўрилаётган асосий масалаларга ўтсак.

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органи фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилган. Давлат ўз вазифасини тегишли органлари орқали амалга оширад экан, ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиш лозим. Демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсалардан устунлигидир.

Қонунийлик принципи деганда, аввало, қонунларнинг ва унинг асосида қабул қилинган бошқа барча ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар томонидан аниқ ва белгилаб қўйилган меъёр, мезон, низомлардан сира ҳам оғишмасдан бажарилиши лозимлигини яхши тушунмоғимиз даркор. Қонунийлик принципи қонунларнинг юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эга эканини, барча кишилар учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мутлақо мажбурийлигини англатади.

Машҳур файласуф Ж. Ж. Руссо ўзининг «Ижтимоий шартнома» назариясида фуқаролар ўз давлатини ижтимоий адолат тамойилига таяниб ва шахс билан давлат ўртасидаги ўзаро масъуллик принципи асосида шакллантиришлари хусусида ўта жиддий фикр-мулоҳазалар юритган эди. Бунинг оқибатида, ҳамма фуқаролар ҳам давлат сингари фақатгина маълум бир ҳуқуқларга эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга улар бир-бирлари олдида муайян бир мажбуриятларга ҳам эга эканликлари тўғрисида ниҳоятда ҳақли хулоса чиқарилади. Бу ғоятда муҳим қоида бир қатор универсал халқаро – ҳуқуқий ҳужжатларда, энг биринчи навбатда, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясида ғоятда қатъий равишда мустаҳкамлаб қўйилганлигини ҳам биласиз.

Ушбу «Башарият бағрикенглиги баёноти», яъни Декларацияда қатъий таъкидлаб, белгиланганидек, «ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эгадир» (29- модда, 1- банд). Шахс ҳуқуқларининг унинг жамиятнинг олдидаги мажбуриятлари билан ўзаро, чамбарчас равишда боғлиқлиги фақат жамият томонидангина «шахснинг эркин

ва тўла ривожланиши»ни (29-модда) муайян бир даражада таъминлаб берилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Фуқаролик бўлса шахс билан давлатнинг ўртасидаги барқарор ҳамда доимий тарздаги сиёсий-ҳуқуқий алоқа бўлиб, бунда уларнинг ўзаро ҳуқуқ, бурчлари ва мажбуриятлари ўзининг яққол ифодасини топади. Шу ўринда алоҳида қайд этишимиз ҳамда ниҳоятда жиддий равишда таъкидламоғимиз керакки, фуқаролар билан давлатнинг бир-бирларига нисбатан ўзаро маълум бир, олдиндан белгилаб қўйилган мажбуриятларга эга эканлиги тамойили, янадаям аниқроғи, принципи Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунчилигида биринчи мартаба қатъий тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Мажбурият шахс ҳуқуқий мақомининг муҳим таркибий қисми бўлиб, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари билан узвий равишда боғланган. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси бошқа фуқаронинг эркинлигини, шаъни ва қадр-қимматиниям ҳурмат қилиши шарт. Бу нафақат конституциявий, шу билан бирга, камида уч ярим минг йиллик буюк давлатчилик тарихимиздаги **инсонийлик шарт**и ҳам ҳисобланади.

Инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир-бирига тенг даражада, яъни ҳуқуқни озайтириб, мажбуриятларни ҳаддан ташқари кўпайтириб юбормаган, ёхуд мажбуриятни бутунлай унутиб, фақат керагича ҳуқуқлар совға қилинмагани ҳолатида, ҳуқуқий нормаларда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Бу тегишлича қонунга итоат этувчи хулқ-атворни акс эттиради. Лекин, кўрсатилган нормалар доирасида ҳаракат қилиш имкониятини англадиган ҳуқуқдан фарқли равишда, зарур хулқ-атвор ҳуқуқининг бу нормаси мажбурий равишда ҳаракат қилиш заруриятини назарда тутати. Демак, юридик мажбуриятнинг моҳияти шахс учун роя қилмаслик тегишли жавобгарлик чорасини келтириб чиқарадиган, конституциявий нормада белгиланган конкрет хулқ-атворга амал қилишнинг жуда зарурлиги билан тавсифланади. Шундай қилиб, жавобгарлик шундай бир ижтимоий-ҳуқуқий омилки, у бир томондан субъектнинг энг асл мажбуриятини амалдаги ҳуқуқий тартибот билан боғласа, бошқа тарафдан бўлса – унинг мажбуриятига қатъий ва сўзсиз равишда роя қилишни таъминлайди ҳамда унинг фаоллигини янада рағбатлантиради...

Ҳуқуқ атамасининг бир неча маъноси бўлиб, у давлат томонидан барча кишилар (фуқаролар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар) учун бажарилиши мажбурийлиги

қонун воситасида ўрнатиб қўйилган юриш-туришнинг турли-туман қондалари ҳамда бошқа хатти-ҳаракатларидан иборатдир.

Иккинчидан эса, ҳуқуқ тушунчаси агарда фуқароларга нисбатан олингудек бўлса, биз уни фуқароларга берилган реал бир имконият сифатида англаймиз. Ҳуқуқ конституциявий ёхуд оддий ҳуқуқларга бўлинади. Конституциявий ҳуқуқлар, турган гап-ки, конституциявий нормалар билан, оддий ҳуқуқлар эса оддий қонунлар билан белгилаб қўйилади. Учинчидан, ҳуқуқ, ўз навбатида, турли-туман тармоқларга бўлинади: конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, гуманитар ҳуқуқ ҳамда бошқалар; уларнинг ҳар бири алоҳида ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади...

«Давлат» ҳамда «халқ» тушунчалари Конституциянинг жудаям кўпгина моддаларида учрайди ва уларнинг бир-биридан сира ажратиб бўлмас эканлиги ҳам уни уққан кишиларга анчагина сезилиб туради.

Давлат – бу муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган бутун бошли бир халқдир, давлат – бу инсонларнинг яшаш қондасининг ўзига хос бир шакли ҳисобланади. Бинобарин, давлат, ва айни вақтнинг ўзида, ҳуқуқ ҳам жамиятга, мамлакатга ва, айниқса, халққа тўла-тўқис алоқадор, чунки, давлат ҳамда ҳуқуқ жамиятдан, мамлакатдан, халқдан ташқарида мутлақо бўлиши мумкин ҳам эмас. Халқ эса, анча кенгрок – Этнология эмас, Демография фани нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, маълум бир мамлакатнинг аҳолисидир. Демак, давлат ҳамда халқ ҳар доим бир-бири билан ўзаро чамбарчас равишда боғлиқ бўлиб, қаердаки ҳокимият халқнинг ўз қўлида бўлса ва унга холис хизматни қилса, халқнинг хоҳиш-иродасини тўла-тўқис ифода этадиган бўлса, бундай давлат жаҳон ҳамжамияти ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан демократик давлат сифатида расмий жиҳатдан ҳам тан олинади ва эътироф этилади,

Бундан икки ярим минг йил муқаддам яшаб ўтган Конфуцийдан бу ўткинчи дунёда яшаш учун керак бўладиган йўлни, ҳаёт тарзини биргина сўз билан ифодалаганда, у қандай сўз бўларди, деб сўрашса у – кенглик, болаларим, кенглик!, деган экан. Аслида демократия шу – бағрикенглик, муроса, можароларни сиёсий йўл билан ҳал қилмоқ, бировни сабр қилиб эшитиш, кенгашиш, қанчалик ноқулай бўлмасин, ўзгача фикрларни ҳам тингламоқ, ҳамма ижтимоий табақалар билан ҳисоблашмоқдир. Реал демократия ҳеч қаерда ва ҳеч қачон халқнинг ҳокимияти бўлган эмас, чунки бундай ҳолда у нодавлат ташкилотни, ижтимоий ўзини ўзи бошқаришни билдиради. Аслида «демократия»

тушунчаси ўзи пайдо бўлган замондан бошлаб давлат билан, демакки, мажбурлаш масаласи билан ҳам чамбарчас равишда боғланган.

Демократия – ўзини англамоққа, ўз ҳаётини ўз ақли, истагига монанд қурмоққа ва бу ҳаракатнинг оқибати учун масъулиятни ўзига олмаққа, ўзини ўзи бошқармоққа, ўз қадрини билмоққа, ўзини ҳурмат қилмоққа асосланган ниҳоятда оқилона ва одилона бир тузумдир. Ҳар қандай ҳокимият халқнинг устидан ўрнатилишидан ўзингиз ҳам жуда яхши хабардорсиз. Демакки, «демократия» – халқнинг халқ устидан ҳокимияти! Инсоннинг ўз устидан ҳокимияти! Ўзини ўзи бошқариш! Демократиянинг энг асл мазмун-моҳияти – ўзини ўзи бошқариш, ўз ҳаётини ўз қобилияти, ўз тафаккури ва ўз виждонига кўра кура олиш ҳамда бунинг оқибати учун масъулиятни ҳам ўзига олишдир.

Юртбошимиз фикрича, «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар – халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик (даражада) хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар(нинг) давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир. Ана шу учта соҳада ҳақиқий силжишлар бўлмас экан, демократия ҳақидаги ҳамма гап-сўзлар ё халққа хушомад қилиш, ёки оддий сиёсий ўйин бўлиб қолаверади».

Давлатининг энг биринчи вазифаси, халқнинг иродасини ифода этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва унга хизмат қилишдан иборат. Президент Ислом Каримов томонидан ғоятда ҳақли равишда жуда кўп маротаба таъкидланганидек, «Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда кўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўзининг вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қоида ҳамма тан олиши, бу қоидага ҳамма итоат этиши шарт».

Давлат ҳокимиятининг энг асосий кучи, қудрати, аввало, унинг ижтимоий ҳаётнинг келгуси тараққиётига жуда ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатишга қодирлиги ҳамда ниҳоятда катта имкониятидир.

У ижтимоий ҳаётга уюшганлик ва интизомлилик унсурларини легитим (қонуний), керак бўлса, мажбурий равишда жорий этади. Ҳар қандай эс-хуши жойида бўлган одам тарқоқлик ва тартибсизликнинг жамият ҳаётига қандай салбий таъсир этишини ёрқин тасаввур қила, кўз олдига келтира олади. Бу борада жуда ҳам таъсирчан мисолларни қидириб, узоқ-узоқларга бориб ўтирмай, оддийгина йўл ҳаракатини

тартибга солувчи светофор бузилиб қолгудек бўлса, йўлнинг ҳаракат қисмида қандай даражадаги ўзбошимчалик, бебошлик, тартибсизлик, жанжал-суронлар, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг ўзаро сўқинишлари ва муштлашуви бошланиб кетишини кўз олдимизга келтирсак қифоя.

Давлат ҳокимияти ҳокимиятнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажарадиган, хусусият ва функцияларга эга бўлган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд тармоқларига ажратилади.

Бундай ажралиш нима учун зарур, бундан кимга қандай фойда? Уларни бир-бирларидан ўзаро ажратиб ўтирмасдан ягона ҳокимиятга бирлаштириб қўяқолсак, осмону фалак узилиб, ернинг устига тушиб кетармиди? Бундай ажралиш ёки ажратиш ҳолати ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи бошқасини маълум бир даражада тийиб ҳамда тизгинлаб туриши, уларга махсус берилган қонуний ҳокимиятнинг сарҳадлари, чегарасидан ўзбошимчалик, бебошлик билан бузиб чиқиб кетиши ва ҳокимиятни суниестемол қилишининг олдини олиш учун ҳам ғоятда зарурдир. Ўзаро тийиб туриш механизми, ўз навбатида ҳокимиятнинг барча тармоқларини анчагина бараварлаштиради ва уларнинг ўзаро турли муносабатларида маълум бир даражадаги мувозанатни яратади.

Советларнинг коммунистик идеологияга асосланган давлатида ҳокимият тармоқлари бир-биридан аниқроқ ажратилмаганди. Юқори мансабда ишлайдиган партия ташкилоти ҳамда ижроия ҳокимиятнинг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари советларига ҳам депутат сифатида сайлаб қўйиларди. Шаҳар, туман, вилоят ижроқўми раиси, унинг ўринбосарлари ҳамда бўлим бошлиқлари ўша ижроия қўмитанинг фаолиятини назорат қилувчи ҳамда унга ўз қарорлари билан топшириқ берувчи советнинг депутати эдилар. Яъни, ижроия ҳокимият вакиллик ҳокимияти билан бир-бирига, амалда бутунлай қўшилиб кетганди. Тўғри, советларга бошқа депутатлар ҳам – оддий ишчи, деҳқонлар, қурувчилар, сут соғувчилар, чўпонлар ҳамда фан маориф, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларининг вакиллари ҳам ҳеч қандай муқобил бир номзодларсиз, сайлаб, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, тайинлаб қўйиларди. Сайлов бюллетенларида ҳам ўша ягона номзоднинг исм-фамилияси бўларди холос. Аммо, уларнинг вакиллик ҳокимиятидаги иштироки ҳар йили 2 – 3 марта сессиялар ва доимий комиссиялар йиғилишида катнашиб, қўл қўтариб овоз бериш билан чекланар, советларнинг барча ишини тўлиқ партия ташкилоти ҳамда ижроқўм бошқарар эди. Республика Олий Совети ҳам айнан шундай мезонлар ва тартиб асосида шакллантирилар, фаолият олиб борарди.

Суд ҳокимияти ҳам мустақилликка эга бўлмаган. Судлар партия ташкилоти ва жойлардаги ижроия қўмиталари билан ҳисоблашишга мажбур эди. Судларнинг раислари бўлса тегишли партия қўмитасига аъзо ва халқ депутатлари советига депутат қилиб сайлаб қўйиларди.

Шундай қилиб, амалда ҳокимиятнинг уч тармоғи бир-биридан аниқ ажратилмаган ҳамда бунинг устига, уларнинг барчаси партия ташкилотига тўла-тўқис қарам эди. Ҳокимият тармоқлари аппаратида бошланғич партия ташкилотлари ҳам мавжуд бўларди, улар юқори партия ташкилотларининг қарорларини дастур (программа) ва низом (устав)дан сира оғишмасдан амалга оширарди. Ҳокимият тармоқлари раҳбарларининг ҳаммаси фақатгина ягона компартиянинг аъзолари орасидан тайинлаб қўйиларди. Ҳақиқатнинг қондаси шундай эди.

Табиийки, Ўзбекистон миллий истиқлолга эришгани заҳотиёқ, республикада компартия яққаҳокимлигига бутунлай чек қўйилганди. Шундан кейин мустақил давлатимизда кўп партиявийлик тизимини, фикрлар, қарашларнинг хилма-хиллигини ҳам таъминлаш юзасидан мажмуавий ислохотларни амалга ошириш бошланиб кетганди. Бу, ўз навбатида, давлатнинг маданий ва маънавий меросга, ислом динига, буюк алломалар ҳамда мутафаккирлар, тарихий шахсларга нисбатан муносабати, ҳолис ва жуда тўғри бўлишига, коммунистик, идеология субъективизми ва адолатсиз муносабатидан деярли қутилишга ҳолатда катта имкониятларни, зарурий шарт-шароитни яратиб берган эди.

Давлат ҳокимиятини ҳокимиятнинг бўлиниш принципи асосида ташкил этишнинг зарурлиги Ота Юртимиз – Ўзбекистоннинг уч минг йиллик буюк тарихида илк бора Асосий Қонунимизда, фақатгина у давлати мустақиллигига эришганлиги туфайлигина, конституциявий норма сифатида қатъий равишда белгилаб берилди.

Инсоннинг энг устувор ҳамда муқаддас ҳуқуқларидан бири – бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Жудаям мураккаб, мўрт ва таҳликали ХХI аср дунёсида, ўзингиз ҳам ҳар куни яққол гувоҳ бўлиб турганингиздек, жаҳондаги ўнлаб давлатлар ўз фуқароларига мана шу ҳуқуқни таъмин этиб беролмаяптилар. Дунёдаги ҳар қандай давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчларидан бири эса ана шу яшаш ҳуқуқини барча қонуний воситалар билан кафолатлаб, таъминлаб беришдан иборат. Бу дегани, фақатгина давлат ташкилотларигина бизнинг яшаш ҳуқуқимизни тўла таъминлаб бериши даркор дегани эмас. Халқимизнинг минг йиллар синовидан ғолибона тарзда, қаддини баланд кўтариб ўтиб келаётган «Ўзини асрагани Аллоҳ асрайди» деган нақли сира ҳам ёдимиздан

кўтарилмаслиги керак. Айтайлик, ёзнинг жуда жазирама кунларининг бирида ялангбош юрган бирор бир кишини ўша офтоб уриб кўйгудек бўлса, Она замин бағрига одамларни яхши-ёмонга ажратмай заррин нурларини сочиб турган бобокалон қуёшни, кимдир сузиш илмидан беҳабарлиги туфайли сувнинг қаърига ғарқ бўлиб кетганлиги сабабли ҳайқириб оқаётган ҳамда инсониятга об-ҳаёт олиб келаётган жўшқин дарёни инсониятга қарши жиноятда айблаб, унинг устидан аризани кимгадир ёздириб олиб, адвокатнинг хузурига югуриб бориб, унинг ҳукукий кўмагига таянган ҳолда, суд ҳокимиятига мурожаат қилиб бўлмайди. Бу ўриндаям фақат «Бошингга не бало келса, бировданмас ўзингдан кўр» ҳикматини зинҳор эсимиздан чиқармасак бўлгани...

Тинч яшаш ҳукуқини амалга ошириш эса – давлат ва жамиятни янада демократлаштириш жараёнининг муҳим шартларидан биридир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам айнан шу ҳукуқни кафолатлаш ва уни чинакамига амалга ошириш билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, ҳақиқий демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқаролари ор-номуси ва кадр-қиммати, уларнинг ҳаёти ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилишга тўла-тўқис кодир бўлмоғи даркор. Юқорида ҳам қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг демократик, ҳукукий эркинликлари Конституция ва амалдаги барча қонунларнинг тизими ҳамда давлат идоралари томонидан тинимсиз равишда ҳимоя қилинаверади.

Ислом Каримов бу ҳолатга ўз муносабатини шундай билдирган эди: «Қарашларнинг ранг-баранглиги тўғри йўлни танлаб олишга ёрдам беради. Қайси ғоя инсоний бўлса ва одамларга фойдаси тегса, ўша ғоя жамиятга керак». Конституцияда сиёсий партия тушунчаси 11 марта ишлатилгани ҳам бу масалага катта эътиборнинг ўзига хос бир намунасидир. Давлатимиз раҳбари сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатдан халқ фақатгина ютиши мумкинлигини, демократия ғояси ва амалиёти устун бўлган жамиятда конструктив соғлом оппозиция унинг сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожига ҳисса қўшишини катъий равишда таъкидлайди. Аммо шу билан бирга, «айни замонда мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар тақиқлаб қўйилиши керак». Яъни, «Жамиятимизни бўлиб ташлаш, одамларни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш, турли бекарорликларни келтириб чиқарадиган ғоялар тарғиб қилинадиган бўлса, бундай партиялар бизга керак эмас»...

Бундай огоҳликка даъваткор оқилона сўзлар ҳали Ўзбекистонда Конституциямиз қабул қилинмаган, мустақилликка эришилганига эса ҳали бир йил ҳам тўлмаган пайтларда айтилган эди. Конституция ва давлат қонунларини яратишда, шубҳасиз, бу ўта муҳим келажакни кўзловчи, жудаям асосли фикр-мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинганди.

Конституциявий ҳокимиятни куч воситасида ағдаришга ундовчи партия ва ҳаракатларни тақиқлаш даркорлиги алоҳида таъкидлангани сира ҳам бежиз эмасди. Биринчидан, бу – жаҳон миқёсида барча тан олган ғоятда муҳим, амалий аҳамиятга молик халқаро ҳуқуқий меъёр, мезон ҳамда нормалардан бири ҳисобланади. Иккинчидан, советлар ҳукмронлиги даврида ўта зўравонлик билан амалга оширилган қонли революция – халқ иродасининг ифодаси, ҳокимиятни куч ишлатиб, халқ номидан олиш ниҳоятда ҳаққоний, жуда тўғри ҳаракатдир, деган коммунистик, экстремистик ва террористик ақидаларнинг таъсирида тарбияланган миллионлаб одамларга халқаро ҳуқуқнинг ушбу меъёри мавжудлигини ҳам яна бир бора эслатиб қўйиш бениҳоя зарур эди...

Ҳар биримиз ушбу ёруғ оламда тўла-тўқис эркин бўлишни жуда ҳам хоҳлаймиз, ўзимизга маъқул бўлган шаклларда бемалол яшашни, юришни истаймиз. Эркинлик деганлари эса ўзгаларга сира ҳам зарар келтирмайдиган, халақит бермайдиган, халқ иродасига тўла мувофиқ келадиган мавжуд қонунларга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатни қилиш деганидир. Бошқачасига ифодаляйдиган бўлсак, эркинлик – инсон томонидан теран равишда англаб олинган ҳаётий заруратдир. Инсоннинг ўзини ҳам ҳайвонот олаmidан яққол ажратиб турадиган энг асосий хусусият эса айнан онг билан, англаб етиш жараёни билан чамбарчас боғлиқлигини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Француз мутафаккири Шарль Монтескье фикрича, «Эркинлик – бу қонунлар йўл кўядиган ҳамма нарсаларни бемалол, ҳадиксирамай қила олиш ҳуқуқидир. Агар фуқаро мазкур қонунлар тақиқляйдиган барча нарсаларни қила олганида эди, унда унинг эркинликлари ҳам бўлмас эди, чунки худди шу нарсани бошқа фуқаролар ҳам қўрқмай, ҳеч кимдан сираям ҳадиксирамай қилаверган бўлардилар».

Бу ёруғ оламда мутлақ ҳокимиятлар кўп бўлган, бор, келажакда ҳам бўлиши мумкин, лекин мутлақ эркинлик ҳеч қачон бўлмайди.

Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 20- моддасида «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари

шарт»лиги белгилаб қўйилган. Ушбу ўринда «хуқук» ва «эркинлик» атамаларига уларни турлича шаклларда, нотўғри талкин қилишнинг олдини олиш мақсадида кичик бир изоҳ бериш зарурияти туғилади.

Хуқук – бу давлат томонидан ўрнатилган, Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилган, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган кишиларнинг юриш-туриш қондаларининг умумий йиғиндисидир.

Эркинлик эса – бу инсоннинг ҳаётдаги объектив заруриятни теран равишда англаб олиш, ўзининг асосий мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишдаги хатти-ҳаракатларни қилиш қобилиятидир.

Бизнинг тарихимиз буюк давлатчиликлар ҳамда конституциявий қонунчиликнинг яққол гувоҳидир. Буюк ҳамда сарбаланд соҳибқирон бобомизнинг ўша «Темур тузуклари», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя»си, ўзбекнинг ўқтам ўғлони – Заҳириддин Муҳаммад Бобур соҳир (сеҳрли) қаламига мансуб «Бобурнома», Низомиддин Шомий ва Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»лари сингари асарлар ўз замонида Конституция мақомида бўлган, улар Конституциямизнинг тарихий-хуқуқий асосини ташкил этади. Шуни буюк ифтихор ва фахр туйғуси билан баралла айтмоғимиз, хайқирмоғимиз даркорки, ҳозир бизга «демократия сабоғи»ни бермоқчи, ўзининг Ғарбона ва ғарибона жинкўчасига қўлимиздан тутиб етаклаб кетмоқчи бўлаётганларнинг юртлари ғафлат босиб, ўрта аср уйқусида мудраб ётганида, қудратли ва марказлашган салтанатга асосни солиб, ўша Европанинг калласига тушиши мумкин бўлган даҳшатли босқиндан асраб қолган ҳамда Русь давлатини мўғул зулмидан халос этган Амир Темур ўзининг чинакам Конституцияси – «Тузуклари»ни ёзиб, ҳаётга кенг жорий этганди.

«Тузуклар»да, аввало, демократик асосларда давлатнинг расмий тарзда тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, давлат ва қўшин тузилиши, мазкур давлатнинг қўни-қўшни мамлакатлар билан бўлган муносабатлари хусусидаги асосли, ғоятда ибратли, ҳозирги давримиз учун ҳам бениҳоя керакли тарихий маълумотлар мавжуд. Тузукларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қадрланиб, уларни ҳимоя қилиш масаласи хуқуқий жиҳатдан ҳам таъминлаб берилганди.

Қонунлар олдида бой ҳам, камбағал ҳам, оддий фуқаро ҳам тенг бўлиб, барчанинг ҳуқук ва эркинликлари қафолатлаб қўйилган эди.

«Темур тузуклари» қудратли, марказлашган давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда ғоят муҳим аҳамият касб этган. Рус олими В. Логофетт жуда ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Европада ҳали конституция ҳақидаги энг оддий тушунчага ҳам эга бўлинмаган

даврда Амир Темур давлатида конституциявий қонунлар мажмуаси – Тузук мавжуд эди ва у реал ҳаётда ҳақиқий амалда бўлган»...

Қадимги дунёнинг машҳур файласуфи Эпиктет фикрича, «Бирор ишни тўғри ҳамда яхши бажариш учун, аввало, уни бажариш йўлини ҳам билмоқ лозим. Буни ҳар бир киши яхши тушунади. Тўғри ҳамда яхши яшаш учун эса бор-йўти, эркин яшашни билиш ва уни исташ (хоҳлаш) ҳам керак холос». Демак, ҳеч ким ҳеч қачон жамиятда ўзини якка-ёлғиз ҳолатдан, мен бир бечораман, дарбадарман, ёруғ оламда танҳо, ёлғиз, таянч ва суянчсиз қолиб кетганман, менинг ҳеч қандай ҳимоячим, ғамхўрим мутлақо қолмаган, деб ҳеч ўйламаслиги, ҳатто буни ўзига тасаввур қилмаслиги даркор. Акс ҳолда шундай бўлади.

Эркинлик ҳамда шахсий дахлсизлик инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланиб, ҳар қандай шахсга туғилганиданок, чақалоқлигидан бошлабоқ тааллуқли бўлади. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра унинг ўзини индивидуал равишда тўла қониқтирувчи, шахсий эркинлиги дахлсизлигини чекламайдиган хатти-ҳаракатларни танлаш ҳамда содир этиш имконияти берилган. Бироқ, шуни назарда тутиш жоизки, шахс жамиятда умум томонидан тўла эътироф этилган ахлоқ-одобнинг нормалари, меъёрлари доирасида ва қонун асосида амалга оширилиши керак бўлган, яъни қонунлар ҳамда қонуний актлардаги ҳуқуқий кўрсатмаларга зид бўлмаган ҳар қандай қилмишларни содир этиши мумкин. Бинобарин, шахсий эркинлик мутлақо дахлсиз бўлиб, шахснинг дахлсизлиги давлат ҳамда ҳокимият тизимлари томонидан қафолатланадиган шахсий эркинлик сифатидаям тушунилиши лозим. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 25-моддасида «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас»лиги қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Ҳар қандай ариқ, канал, дарёнинг икки қирғоғи, қушнинг икки қаноти бўлганидек, ҳар биримиз бу ёруғ оламда муайян ҳуқуқлар ва бурчларга, яъни ўзига хос икки қирғоққа, икки қанотга эгамиз. Дарё катта сел ҳайбат билан бостириб келиши оқибатида бемаврид тошиб кетиб, шаҳар ёхуд кишлоқ аҳолисининг фалокати ва ҳалокатига олиб келиши учун қайси, ростакамига қаттиқ мустаҳкамланмаган, қирғоқ ўпирилишининг мутлақо аҳамияти йўқ. Худди шу ҳолат каби инсон ҳуқуқларининг бузилиши ёхуд фуқаролик бурчининг тўла-тўқис адо этилмаслиги оқибатида, барқарор равишда ривожланиб келаётган жамиятда, ўз-ўзидан янғидан-янги мураккаб муаммолар туғилади.

Ўзингизга яхши маълумки, ҳуқуқ шахсга табиат, жамият, давлат томонидан бериладиган ўз хатти-ҳаракатининг тури ҳамда меъёрини ўзи танлаб олиш имконияти бўлса, бурч жамият ва давлат томонидан белгилаб қўйилган, ҳуқуқий нормаларда ўз аксини топган талабларни қатъий равишда бажариш заруриятидир. Бундан ташқари, бурчнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади.

Бурч, асосан, қоидалардан, ахлоқий нормалардан келиб чиқади. **Мажбурият** эса аксарият ҳолларда шартнома ва битимлардан келиб чиқади; бурч шахс туғилганидан то унинг умри охирига қадар давом этади, мажбурият эса келишилган, имзоланган шартноманинг амал қилиш давригача бўлади; шунингдек, бурч давлат органлари, жамият томонидан белгилаб берилади ва унинг бажарилиши қатъий тарзда талаб этилади. Бурч ва мажбурият турли-туман сабаб ва баҳоналарни рўқач қилиб ё қутилмаган ҳолатлар туфайли бажарилмаган тақдирда кўриладиган чора-тадбирлар ҳам турличадир. Бурч бажарилмаганида, албатта, ҳуқуқий таъсирнинг турли чора-тадбирлари ҳам кўрилади.

Бурч – кишининг бирор бир шахс, оила, жамоа, эл-юрт ва Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча ҳисобланади. Бурчда объектив муносабатлар ифодаланади. Яъни, у жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ахлоқий негизлари билан белгиланади. Бурчнинг ўзига хос қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички рухий кечинмаларини, ташқаридан туриб, кимлардир томонидан назорат қилинмайдиган мураккаб бир психик ҳолатини ифодалайди.

Одатда бурчни жуда яхши ҳис қилувчи кишилар ўта фаол ҳамда ҳаддан ташқари серғайрат инсонлар ҳам бўладилар. Бурч бу – аслида масъулиятга кўпайтирилган ўзига хос мажбуриятдир. Бурч туйғуси доимий равишда парваришлаб, ривожлантириб борилмаса у кишини интизомсиз, атрофда юз бераётган воқеа, ҳодиса, жараёнларга лоқайд ва бефарқ, ҳаёт кечиришга нисбатан ҳам тайёрхўрга айлантириб, уни саботли, системали ҳаракатларга эса мутлақо яроқсиз қилиб қўяди.

Бурч туйғуси бўлмаган киши ё турли-туман ҳиссиётлар ҳузур-ҳаловатида яшайди ёки бўлмаса юзага келган янги вазиятга осонгина мослашиб, шамол эсаётган тарафга учиб, оқимга қараб сузиб, янада аниқроғи, ўша тарафга ариққа ағдарилган мағзава, ахлат сингари оқиб кетаверади. Айнан худди шу сабабдан ҳам бугунги кунда маънавий-маърифий тарбиянинг жуда муҳим йўналиши сифатида ёшларда Ота Макон олдидаги бурч, ўзининг тақдири учун юксак масъулият, оила,

махалласи, жамоасининг келажак фаровон ҳаёти учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш масаласи ниҳоятда улкан аҳамият касб этмоқда...

Бурч, моҳиятан жамият, давлат ва шахсларга нисбатан муайян индивиддаги ўзига хос муносабат, уларнинг олдидаги мажбуриятни англатади. **Бурч виждон, эътиқод, масъулият сингари тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ.** Умуман олганда, инсоннинг ҳаётдаги ҳар бир хатти-ҳаракатининг замирида бурч тушунчаси – бурчга садоқат ёхуд хиёнат ётади. Унинг инсонлик бурчи, мусулмонлик бурчи, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи сингари ўта кенг қамровли, барча замонлар учун умумий тушунчалари ҳам, ошпазлик бурчи, олимлик, шифокорлик бурчи, журналистлик бурчи сингари касбий одоб доирасидаги бир қатор тушунчалари ҳам мавжуд.

Бурч тушунчасининг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири – унинг вақт ва жамиятда, замон ва маконда муайянлашиш хусусияти ҳисобланади. Чунончи, бир тузум ёки жамиятда ижобий ҳисобланган бурч талаблари иккинчи бир тузум ёки жамият учун бутунлай салбий маънони касб этиши ҳам мумкин. Собиқ Шўролар фуқаросининг ўша даврдаги мавжуд экстремистик, террористик тузум олдидаги бурчи музаффар ҳамда мустақил Ўзбекистон шароитида ўта салбий ҳодиса, соткинлик сифатида баҳоланиши бунга ёрқин мисол бўла олади.

Ҳарбийлашган ва ғоятда мафқуралашган, яъни ягона мафқура ҳукмронлик қилган жамиятларда бурч омма ҳамда шахснинг ҳаётида жуда фожеий ҳодисага айланади. Ғоят усталик билан йўлга қўйилган агитация-пропаганда, яъни тарғибот-ташвиқот босими остида бундай жамиятлар аъзоларининг кўпчилиги «фуқаролик бурчи»га асосланиб оқни – қора, қорани – оқ сифатида қабул қиладилар. Бундай ҳолатни умумбашарий ва миллий кадриятларни бутунлай оёқости қилган, ҳеч аямасдан топтаган жуда бешафқат шўролар социализми ва Германия фашистларининг миллий социализми яққол исботлаб берганлигини эса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз. Бундай палид тузумлардан жабр кўрган кексалар оху зорларини тинглагансиз, телевизорда кўргансиз, радио каналларида тинглагансиз, газета-журналларда эса ўқигансиз. Бу жамиятларда бир-бирининг ортидан исковуч ит сингари тинимсиз пойлаш, ҳаттоки ўзининг дунёга келтирган ота-онаси ё ўзига унчалик ёқмаган кишилар, айниқса, халқ кўзини очишга интилган зиёдилар устидан чақимчилик қилиш юксак бурч даражасига кўтарилган эди.

ЭРК ВА ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Президенти таъбири билан ифодалайдиган бўлсак: «Биз одамлардаги эски тузум психологиясини ўзгартиришимиз ва янги ҳуқуқий онгни шакллантиришимиз лозим, инсонлар англасинки, эркинлик бу – бурч масъулиятидир». Президентимиз 1997 йилнинг 20 майида республика ҳуқуқшунос олимлари ва зиёлилари билан бўлган учрашувда аҳолининг ҳуқуқий онги ва тафаккурини янада ошириш, жамиятдаги ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига алоҳида диққат-эътибор қаратиб, мустақиллик атамасини жуда теран равишда барчага изоҳлаб берган эди. Президент томонидан таъкидланганидек, «Жамиятнинг демократик йўлдан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етукликлиги кўрсаткичидир». Ислоҳ Каримов томонидан мустақиллик атамаси бевосита ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, «Мустақиллик бу – ҳуқуқ демакдир», деган ниҳоятда муҳим бир фикрни илгари сурилган эди. Жиддийроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам Мустақиллик – инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, тинчлик-омонлиги ҳамда жамият барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий омили эканлигига яққол амин бўламиз.

Давлатимиз раҳбарининг шахсан ўз ташаббуси билан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи, юртимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотлари нуфузи ва таъсирини кучайтириш борасида ниҳоятда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кундаги долзарб вазифалардан тагин бири фуқаролик жамиятининг кадрият ва принциплари тизимини шакллантиришдан иборат. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, халқимизнинг ниҳоятда бой маънавияти, олижаноб инсоний фазилатлари ва беназир ахлоқ-одоби, расм-русум, урф-одатлари мавжуд. Хўш, бугун биз қайси маънавий-ахлоқий кадриятларимизни келажакка ҳам олиб ўтишимиз, тараккий эттиришимиз ва фуқаролик жамияти заминига пойдевор қилишимиз даркор? Фуқаролик жамиятини барпо этувчи ва шундай жамиятда яшовчи инсонлар фозиллик ҳамда комилликка эришмоқ учун тагин қандай фазилатлар ҳамда ҳислатларга эга бўлишлари зарур?

Бизнинг нуқтаи назаримизча, фуқаролик жамияти шароитида инсонларнинг ўзаро муносабатлари, энг аввало, адолат, меҳр-оқибат, ҳурмат, самимият асосида тараққий топмоғи даркор. Таъкидлаш ҳам жоизки, отамерос қадриятларнинг асл ифодаси – Конституциямизда «Бағри кенг ўзбекнинг» кўп фазилатлари ўзининг яққол ифодасини топган. Масалан, Асосий қонун 20- моддасида фуқаролик жамиятига оид шундай бир принцип муҳраб кўйилган: «Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт».

Жамиятни давлат бошқарадими? Шўро тузумида яшаган, унинг мафкураси таъсирида тарбияланган аксарият одамлар ушбу саволга мутлақо иккиланмай «Давлат бошқаради», – деб жавоб бериши ҳам ҳеч гап эмас. Чунки шўро давлати жамият ҳаётининг барча қиррасига ҳамда ҳамма жабҳасига бемалол хўжайинчилик қилган, яна аниқроғи, жамият бошқарувида мутлақ, абсолют ҳукмронликни қўлдан сираям, мутлақо бермаган, у аралашмаган бирорта ҳам соҳа қолмаган эди.

Давлат каттами ё жамият? Яна ўша гап. Шўро даври одамлари: «Давлат катта», – деб ўйлаган. Ҳолбуки, жамият мамлакат аҳлининг барчасини англатади. Давлат эса мамлакатнинг бир бошқарув тизими, ҳолос. Демократик тузумларда давлат ҳокимияти жамият бошқаруви соҳасининг бор-йўғи 30 фоизинигина ўз бўйнига, зиммасига олади. Бошқарувнинг қолган вазибалари бўлса жамиятнинг ўзига юкланади.

Давлат жамиятни назорат қилиши керакми ё жамият давлатни? Шўро даврида давлат доим жамиятни назорат қилган. Халқ контроли комитети деб аталган, аслида эса давлат назорати кўмитаси сифатида фаолият юритган ташкилот ва назорат билан шуғулланадиган кўплаб тизимлар бўлганини кекса ёшдаги кишилар жуда яхши эслайдилар.

Янги тузумимизнинг номи нима? Хўш, мамлакатимизда янгитдан барпо этилаётган тузум нима деб аталади? Аввало, «-изм-изм»лардан холи жамиятга ўтаямиз. Шунинг учун ҳеч ким янги тузумнинг номи бирон-бир «-изм» билан тугаши керак деб ўй-хаёлига келтирмасин. Ҳозирги сиёсий тузумимиз «демократик тузум», «ҳуқуқий давлат», «фуқаролик жамияти» деб аталади. Бу учта атама бир-бирини сираям инкор этмайди. Аксинча, улар бир-бирини бетиним тўлдириб туради. Янада аниқроғи, ягона бир ҳодисанинг уч муҳим жиҳатини очади. Бу тузум иқтисодий жиҳатдан бозор муносабатларига асосланади. Унга

нисбатан эса бугун «ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётига асосланган жамият» деган таъриф ҳам ишлатилаяпти.

Ҳамонки, жамият барча соҳаларда тубдан ислоҳ бўлаётган экан, уни ким бошқариши масаласи ҳам, буни баҳолаш мезони ҳам буткул ўзгариб кетди. Бирданига тасаввуримизга сиғдириш қийинроқ бўлса ҳам очикроқ айтишимиз даркор: энди жамиятни давлат бошқаради деган қарашни моҳиятан демократик тузум тушунчаси ҳам, ҳуқуқий давлат атамаси ҳам, фуқаролик жамияти истилоҳи ҳам инкор этади. Нега? Чунки, президентлик бошқаруви асосидаги мамлакатда давлат раҳбарини ҳам, давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти вакилларини ҳам шу халқнинг ўзи сайлайди. Демак, фуқаро (мантиқан – жамият) шу тариқа икки жиҳатдан давлат бошқарувига дахлдорлик қилади.

Президент ҳам, давлатнинг уч таркибий қисмлари – қонунларни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ҳам фақатгина қонунларга амал қилган ҳолда давлат бошқарувини амалга оширади, масалаларга бошқарувнинг қонунларда белгиланган ваколатлари доирасидагина аралашади. Давлат бошқаруви, ўзингиз ҳам биладиганингиздек, бу уч ҳокимиятнинг ўртасида тақсимланади. Бу – биринчидан. Иккинчидан бўлса, давлат жамиятни бошқаришни тўла-тўқис қамраб ололмайди. Демак, жамият давлат томонидан бошқарилади, бу жамиятни жамоат ташкилотлари ҳам бошқаради, жамият ўзини ўзи ҳам бошқаради...

Фуқаролик жамиятининг ўта муҳим таркибий қисмларидан бири бўлмиш нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳар бир давлатда ўзига хос номланади. Ғарбда бу ташкилотлар «учинчи сектор» деб аталади: давлат – биринчи, бизнес соҳаси – иккинчи, ННТ эса – учинчи сектор.

«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2- моддасида бу ташкилотларга шундай аниқ таъриф берилган: «Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёхуд) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (яъни, фойдани) ўз катнашчилари (аъзоларининг) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотларидир».

Хўш, ННТларнинг ўзи нима учун керак? Давлатнинг ўзи барча соҳаларни бемалол, хотиржам назорат қилаверса бўлмайдими? Биз давлатга солиқ тўлаймиз, давлат эса ижтимоий муаммоларимизни ҳал этади. Ҳамма ўзининг бурчини, ишини бажараверади. Бир тарафдан караганимизда, бу жуда ҳам тўғри фикрга ўхшайди. Аммо, дунёдаги

ҳеч бир давлат жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ёлғиз ўзигина ҳал этишга сира қодир эмас. Чунки, ижтимоий соҳа мислсиз даражада кенг: таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ҳоказолар. Буларнинг барчасига эса ҳар қандай қудратли давлатнинг ҳам на маблағи, на салоҳияти етади.

Шу ўринда, ННТ нима учун керак, деган саволга, улар давлат маблағини тежайди ҳамда грант олиш эвазига мавжуд муаммоларни нисбатан арзон ва осон ҳал қилади, деган жавоб беришимиз мумкин. Бундан ташқари, улар жамиятда юзага келиб қолган ички (ижтимоий, иктисодий ва сиёсий) муаммолардан ўз вақтида хабардор бўлади. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш борасида янги тажрибалар тўплаб, уларни кенгроқ миқёсда амалиётга татбиқ этишлари мумкин. Ҳозирги даврда мамлакатимизда муваффақиятли равишда фаолият юритаётган 8,5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг жуда кенг табақаларининг орасида ҳуқуқий ғоялар тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида ҳам каттагина ва самарали тажрибани тўплашга ҳам муваффақ бўлдилар...

Ҳар қандай инсон бу ёруғ оламга келганидан, яъни ҳаётининг ибтидосидан бошлаб то умрининг энг охиригача сониясига, интиҳосига қадар турли-туман ҳуқуқий жараёнлар, муносабатлар қуршовидан ҳеч қаерга сира чиқиб кета олмайди. Оддий турмуш кечириши мобайнида у турли-туман ҳуқуқий муносабатларга киришади ва шу сабабга кўра унда ҳаётининг энг дастлабки кунларидан ижтимоий онгнинг ғоятда муҳим шакллари билан бўлмиш ҳуқуқий онг аста-секинлик билан бўлса-да, шакллана бошлайди. Ҳуқуқий онгнинг ушбу шаклини барчамиз бемалоллик билан оддий ҳуқуқий онг, деб аташимиз мумкин.

Сўнгра турли таълим муассасасида тарбияланиш ҳамда таълим олиш жараёнида, махсус ҳуқуқий фанлардан соҳир сабоқларни олиш баробарида одамда ҳуқуқий билимлар ҳам шакллана боради. Ҳуқуқий онгнинг ушбу шакли одатда илмий ҳуқуқий онг, деб номланади.

Махсус юридик таълим берувчи таълим муассасаларида алоҳида ихтисослашган ҳуқуқий фанларни ўқиш ҳамда уларни ғоят жиддий ўрганиш натижасида тўпланган билимларни ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, ечишга қўллаш асосида касбий ҳуқуқий онг шаклланади.

Ҳуқуқий онг бу – ҳуқуқий билимларни қай даражада билиш ва уларни англай олиш кўникмасини белгилаб беради. Бунга эришиш эса кундалик сиёсий-ҳуқуқий воқелиқдан хабардор бўлиш орқали,

яъни янги қабул қилинаётган қонунларни жиддий равишда ўрганиш ҳамда улардан яхшигина воқиф бўлиш асосидагина амалга ошади.

Ҳуқуқий маданият бўлса ушбу олинган ҳуқуқий билимларнинг асосида уларни амалда қўллаш ва унга сира ҳам оғишмасдан риоя қилишда ўзини ўта яққол намоён этади. Бу фикрларни англаб олишни янада осонлаштириш мақсадида жуда ҳам содда, мактабгача тарбия муассасига борадиган болакай, қизалоқ ҳам яхши биладаган мисолни эътиборингизга хавола этмоқчимиз. Йўл ҳаракати қондаларга биноан светофорнинг қизил чироғи ёниб турган пайтда серқатнов ва ҳаттоки, айни дақиқаларда транспорт қатновисиз кўчани кесиб ўтиш сира ҳам мумкин эмас. Буни билишни, **ҳуқуқий онгнинг** примитив шакли сифатида қабул қилсак бўлади. Шунин билган ҳолда, у ёқдан бу ёққа аланглаб, яшил чироқ ёнгунига қадар чидамасдан, гўё бутун дунёга катта ўт кетадигандек, ҳовлиқиб, кимларнингдир, жумладан шахсан ўзининг ҳаётига хавф-хатар солиб каттагина кўчани кесиб ўтиш ўша кимсанинг асл **ҳуқуқий маданият**сизлигидан яққол далолат беради.

Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг ўзига хос бир шакли ҳисобланади. У ҳуқуқий борлиққа нисбатан маънавий ҳамда моддий кадриятлардан ҳам ташкил топади. Бундай ҳолатда ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ходисаларда мавжуд бўлган илғор, ижтимоий фойдали ва энг кадрли жиҳатларнигина ўзида мужассам этади. Ўзингизга ҳам яхши маълумки, масаланинг салбий жиҳатлари ва қирраларини биз қандай қилиб, маданият сифатида баҳолашимиз мумкин? Ҳуқуқий маданият фақатгина бирор-бир хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг натижаси бўлиб қолмасдан, фаолиятнинг усулларидан бири ҳам ҳисобланади. Айнан бу маънода ҳуқуқий маданият тафаккурнинг бир шакли, ҳуқуқ-атвор нормалари ва талаблари сифатида тушунилади. Ушбу ниҳоятда муҳим муаммо хусусида бош қотирган олимлар томонидан турлича, мазмун жиҳатидан эса бир-бирига унчалик ҳам зид бўлмаган таъриф-тавсифлар берилган. Уларнинг айримлари билан танишиб қўйсак, ҳеч кимга ҳеч қандай катта зарар қилмайди, келажакда каттагина фойдаси борлигини, тарбиячиси тушунтиргани учун боғча боласи ҳам билади.

Ҳуқуқий маданият деганда, ҳуқуқий билим андозалари ва унинг табиати, ҳуқуқий тизимнинг баҳосини, ва шунингдек, ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни маълум тартибга солиб турувчи ижтимоий кадриятлар, нормалар, анъана ва андозаларнинг мазмун-моҳияти тушунилади.

Хукукий маданият биз аста барпо этаётган фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчиликнинг таракқиёти ҳамда хукукий тизим етуклигининг ниҳоятда муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Хукукий маданият дейилганида, жамиятда қарор топган хукукий тизимнинг даражасини, халқнинг бўлса бу тизимдан қандай даражада хабардорлигилгини, фуқароларнинг қонунларга бўлган ҳурмати ва эҳтироми, хукукий нормаларнинг ижро этилиши даражаси, хукуққа риоя қилмаган айрим бир кимсаларга нисбатан эса муросасиз бўлиш, мавжуд қонунларга итоаткорликнинг даражаси тушунилади.

Агарда кишида хукукий билим, хукукий онг шаклланган бўлса, лекин улардан самарали фойдаланиш маҳорати мукамалроқ бўлмаса ҳам ўша киши хукукий маданиятли шахс ҳисобланмайди. Қолаверса, кишида хукукий билим, хукукий онг ривожланса, улардан фойдалана билиш кўникмаси шаклланган бўлса-ю, бироқ, хукуққа муносабати салбий бўлса, унга ҳурмат ҳисси росаям ғафлат босиб ухлаб ётган, уйғонмаган бўлса ва унга итоат этиш, бўйсунуш талабига тузукроқ жавоб бермаса ҳам киши хукукий маданиятли шахс ҳисобланмайди. Кишини хукукий маданиятли шахс деб ҳисоблаш учун унда юқорида бир мисол сифатидаги кўрсатганимиз «3 қаватли уй» бир бутунликни ташкил этиши ва ўзаро мутаносиб равишда бўлиши ҳамда уларнинг барчаси тенг даражада таракқий этиши даркор.

Хукукий онги ва хукукий маданияти бўлмаган, фақат бировнинг етовида, оддий молларга ўхшаб қорнининг ғамида тентираб юрадиган бундай одамлар, амалда оддий жонзот сифатида бурч тушунчасини мутлақо англамайди, аслида эса бурч хусусида ўзининг хомкалласини унчалик ҳам қийналиб қотириб ўтирмайди. Ўзингизга ҳам маълумки, бу ёруғ оламда фақатгина ёлғон сўзламайдиган инсонгина фикрда ва хақиқий ҳаётда хақиқий эркин, хур, озод ва мустақилдир.

Келинг, яхшиси фурсатдан унумли фойдаланган ҳолда, қадимги юнон файласуфи Эпиктетнинг бугунги кунларга ҳам, кўрилаётган муаммога ҳам бевосита дахлдор доно, пурмаъно фикрига бир диққат-этиборимизни қаратсак: «Дейдиларки, Инсон учун энг улуг дунёвий неъмат – унинг озодлиги ҳамда чин ҳурлигидир. Агар озодлик буюк неъмат экан, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи сира ҳам мумкин эмас. Агар сен бир бахтсиз одамга дуч келиб қолгудек бўлсанг, унинг жуда қайғу-хасратда куйиб-ёнаётганига ҳам гувоҳ бўлсанг, билки у **ОЗОД ЭМАС**дир. У шубҳасиз, кимлар ёки нималар томонидан жуда қаттиқ эзилгандир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсон ҳеч қачон аблах,

палид бўла олмайди. Агар сен бир одамнинг бошқаларнинг олдида жуда ҳам паст кетаётганини, эгилиб, етти букилиб лаганбардорлик қилаётганини кўриб қолсанг билгинки, у сира ҳам озод эмасдир. У бор-йўғи бир кулдир. У ўзининг бўйинини ўша кулликнинг сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига эса бир товоқ овқат ёки бирон-бир мансаб, ёки шунга ўхшаш бирон нимани ундирмоқни роса истайди. Кимки озроқ манфаатга эришибди, демакки, анча озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса, каттароқ мансаб ҳамда бойликка эришади.

Озод одам ҳеч қандай тўсиқсиз эғалик қилиши мумкин бўлган бир нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эғалик қилиш мумкин? Фақатгина **ЎЗ-ЎЗИГА!** Агар сен бирор-бир одамнинг ўз-ўзига эғалик қилмасдан бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм этганини кўрсанг билгинки, у сира ҳам озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, демак у ўзининг орзу-истаги, нафсининг кулидир...»

Биз бутун ҳаётимиз мобайнида эркинлик сари тинимсиз интилар эканмиз, унинг тўлалигича ўзга одамлар эрки ҳамда ўзгаларнинг эрки бўлса бизнинг эркимиз билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрамыз. Тўғриси айтганда, эркинлик, ҳар қандай инсоннинг энг характерли белгиси сифатида, бошқаларга бевосита боғлиқ эмас, бироқ ҳаракат бошландими – бас, мен ўзимнинг эрким билан биргаликда бошқалар эркинлигини ҳам чин дилдан хошлашим шарт: мен фақат ўзгаларнинг эркини ҳам ўзимга мақсад деб билганимдагина, ўз эркимни мақсад сифатида қабул қилсам бўлади. Шахснинг мутлақо барча нарсалар ва кишилардан эркин бўлиши ҳаёлий орзу холос, эркинлик категорияси эса ўта нисбий тушунчадир, бир шахснинг эркинлик доираси иккинчи шахснинг эркинлик доираси бошланиб кетган жойда ўзининг поёнига етади. Эркинлик, агар у ижтимоий ҳаётни беқарорлаштириб юборса, ўзгалар эркига ҳам дахл қилгудек бўлса, у шубҳасиз бошқарилмоғи, агар зарурият туғилгудек бўлса, қонунан чеклаб қўйилмоғи даркор.

Жамиятда белгилаб қўйилган оқилона ҳамда одилона қонун-қоидаларга тўла-тўқис риоя қилган ҳақиқий шахсгина ростдан ҳам ҳақиқий эркиндир, унга нисбатан на жамиятнинг, на давлатнинг ва на фуқаронинг бирор-бир иддаоси ёки даъвоси бор. Эркинлик қонундан кўрқилмагандагина ҳақиқий эркинликка айланади, акс ҳолда у бир улкан саҳродаги дилтортар саробдан бошқа ҳеч нарса бўлмай қолади.

Жамиятдаги мавжуд тартибот, қоидаларни тан олишни мутлақо истамайдиган, яшаш қоидаларини тинимсиз бузадиган одамлар сира ҳам эркин эмас, зеро, улар барча қилмишлари учун халқ иродасининг

ифодаси бўлмиш – конун олдида тегишли равишда жавоб беришига тўғри келади. Бу хулосани тасдиқловчи, реал ҳаётдан олинган ўнлаб, ҳатто юзлаб мисолларни ўзингиз ҳам бемалол келтира олишингизга биз ҳам шак-шубҳасиз ишонамиз.

Биз ҳовлимизни ҳамиша озода, саришта тутамиз, чанг-ғубордан тозалаймиз. Темир буюм бўлган компьютеримизни турли микроблар ва вируслардан асраш учун антивирус ўрнатамиз. Лекин, жондан азиз болаларимизнинг онги ва қалбини-чи? Фарзандларимизнинг беғубор қалбларни бало-қазодай, вабодек ёпирилиб келаётган «эркинлик ва демократияни олға силжитиш», «оммавий, яъни улгуржи маданият», «эгоцентризм», «информацион фашизм», «вестернизация», «садизм», «гомосексуализм», «киберлудомания» (ўзбекча қилиб айтганимизда, «ўйинбозлик»)), «демократик фундаментализм» ва «гедонизм» каби қора ҳамда сариқ ўлатларнинг вирусларидан асраш учун Биз ўзимиз нималарни қияпмиз? Кўзга кўринмас, лекин атом бомбасидан ҳам қудратли бўлган бу вируслар фарзандларимиз имон-эътиқоди, номус-ҳаёсини жиддий емириб бораётганидан ҳамма ҳам огоҳми? Бундай бало-қазоларга қарши курашишнинг барча масъулиятини ўзимизнинг зиммамизга олишимиз керакми ёхуд бундай юмушларни ҳам давлат органларининг зиммасига юклаб қўйганимиз анчагина маъқулроқми?

Одатда, масъулият деган бир атама тилга олинганида, кимгадир, кимнингдир зиммасига четдан юклаб қўйилган, яъни одамга бошқа кишилар, жамоа, жамият, давлат ҳамда ҳоказолар томонидан таклиф этилган, уқтирилган ёхуд мажбуран, унинг бўйнига гўёки бир хуржун сингари илиб қўйилган қандайдир бирор нарса тушунилади. Аслида эса, масъулият моҳиятан қалбнинг истаги ва хоҳиши билан чамбарчас боғлиқ ниҳоятда эмин-эркин, ўзига хос бир руҳий ҳолат ҳисобланади. Масъулиятни ҳис этиш дегани бўлса, бу – оила, ўзга шахслар, жамоа, жамиятнинг эҳтиёжи ва қонунларга зид бўлмаган ҳар қандай талабига «лаббай» деб жавоб беришга доимо тайёр туришдан иборат. Шундай қилиб, масъулият кимгадир ёхуд нимагадир доимо ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат билан боғлиқ. Ҳурмат қилиш дегани эса қўл қовуштириб, етти букилиб, таъзимни бажо айлаб туриш ёки кўрқув, ваҳима эмас, у инсонни қандай бўлса, худди шундай қабул қилишни талаб этади.

Энг асосийси, масъулият одамнинг ҳар битта амали, фаолияти оқибатини олдиндан тўла-тўқис тасаввур қилган ҳолда, унинг ўзи ва ўзгалар учун қандай наф келтириши мумкинлигини чин дилдан теран равишда англай олиш қобилиятидир. Масъулиятни чуқур ҳис қилган

инсонгина ўз ишини пухта режалаштириб, зарурий натижага эришиш мақсадида бутун куч ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Масъулиятсиз кимсага берилган эркинлик ва хурлик бўлса гўёки борар манзилини мутлақо билмайдиган, ўша мавжуд манзил ҳақидаги маълумотни қачонлардир кимдандир эшитган бўлса-да, уни ўзи ҳеч қачон кўрмаган, ҳеч қачон кўра олмайдиган сўқирнинг қалтираётган қўлига бемалол ишониб тутқазиб қўйилган бир шамчиروقқа ўхшайди.

Шахсий масъулият, биринчи навбатда, ўз манфаатини назарда тутса, фуқаролик масъулияти ўша шахс мансуб бўлган жамиятнинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик масъулиятини теран, чин дилдан ҳис этган шахс, энг аввало, ўзи меҳнат қилаётган жамоа, таълим-тарбия олаётган ўқув муассасаси, маҳалласи, юрти равнақини ўйлаган ҳолда бунёдкорона фаолият юритади. Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг ягона мақсади – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон таълим-тарбияси ва ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикентлик учун хизмат қилиш бўлса, фуқаролик масъулиятининг мазмун-моҳиятини эса айнан ана шундай бунёдкор ғояларни оқилона амалга ошириш ташкил этади.

Одатда яхши қонунлар минглаб йилларнинг ғоятда машаққатли синовидан мардона ўтиб келаётган миллий урф-одатлардан туғилади.

Қонун деганлари, аслида, нима ўзи?

Буни ҳар ким ўзининг ақли ва тафаккур тарзидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил даражада тушунади. Қонун – умумий қилиб айтганда, бизнинг ихтиёримиздан ташқари амалда бўлган ғоятда қудратли куч. Табиат қонунлари айнан шундай хусусиятга эгаллигини билмайдиган кишининг ўзи ҳам бўлмаса керак. Биз аксарият табиат ҳодисаларига қулоқ қоқмай, унга жиддийроқ қаршилиқ кўрсатишни хаёлимизнинг кўчаси у ёқда турсин, торгина сўқмоғига ҳам келтирмаган ҳолда гап-сўзларсиз буткул бўйсунамиз. Куёш ҳаддан ташқари чараклаб, ёзнинг чинакам жазирамаси ҳамма тарафни қозондек қиздира бошласа, ғидибиди қилиб, ёзғириб, минғирлаб ўтирмасдан, дарҳол ёзги, енгилроқ либосларга ўта бошлаймиз ва бош кийимимизни қидиришга тушамиз, ўзимизни эса дарахтларнинг қуюқроқ соясига олишга тиришамиз, сув хавзалари сари, оёғимизни қўлимизга олиб, чопамиз. Олтин кузнинг адоғида кунлар аста-секин совиб, изғиринли кунлар бошланиб қаттиқ ёмғир ёхуд оппоқ қор ёға бошласа, табиий равишда, турган гап-ки, ўз қўлимизга қўлқоп, бошимизга эса телпакни кийиб, кишки, иссиқроқ кийимларимизга бурканиб оламиз. Она Табиатнинг ғоятда қудратли

қонунларини инкор этгудек бўлсак, ҳолимиз не кечишини ҳам теран англаймиз, ғоятда яхши биламиз, бошимиздан кўп бора кечирганмиз, танамиз, қўл-оёқларимиз билан роса, керагича, ҳатто керагидан ортиқ ҳис этганмиз. Жамият ва давлатнинг барча қонунлари ҳам, гарчи улар инсонларнинг ўзи томонидан қабул қилинган ва инсонлар гуруҳлари ўртасидаги бир қатор муносабатларни акс эттирса-да, бевосита ҳар биримизнинг ўй-фикрларимиз, хохишимиз, интилишларимиз ва орзу-истакларимиз билан мутлақо ҳисоблашиб, истисно қилиб ўтирмайди.

Қонун инсонга ҳукмини ўтказади, у қаршилиқ кўрсатиш орқали жавоб қайтаради. Қонун қудратли, лекин жудаям мослашувчан эмас. Одам қонунлар олдида ожиз, лекин, у уддабурон. У қонунга қисман амал қилиш, ҳаттоки бутунлай риоя қилмасликнинг минг бир хилдаги усулларини ҳам билади. Қонун инсоннинг хохиш-истакларини давлат манфаатлари билан мослаштиришга интилади. Одам эса аксинча, уни ўзининг манфаат ва режаларига мослаштиришга интилади. Бу тенгсиз курашда ожиз одам маънавий муросасозликка, қонуннинг тазйиқини енгил ва ўзининг жонини асраб қолиш учун ҳар қандай воситалар ва қуроллардан фойдаланишга ҳар доим тап-гайёр бўлиб туради.

Бизнинг замонамизда эса фақатгина умуминсоний ахлоқ ҳамда адолатнинг шартларига амал қилиб, давлат, халқнинг фаровонлигини асраш мумкин эмас. Бунинг сира ҳам иложи йўқ. Агар одамларнинг кўпчилик қисми адолат ва ахлоқ шартларига риоя қилмай қўйишса, фақатгина давлат эмас, ҳаёт ҳам бутунлай барҳам топиши мумкин. Қилинган жиноят учун тегишли жазо давлатнинг жамиятни адолат, олижаноблик шартларига итоат этишга мажбур қиладиган ниҳоятда кучли қуроли. Ҳар қандай давлат, энг аввало, палидлар ва жиноятчи, харомхўрлардан ўзини ўзи чинакамига ҳимоя қила олган тақдирда ўз фуқароларни ҳам ишончли равишда ҳимоя қила олади. Шу боисдан ҳам, энг биринчи навбатда, Давлат ўзининг фуқароларини тартиблар, қоидалар, қонунларга тўла итоат этишга мажбур қилиши керак.

Демак, табиат ва жамиятнинг қонунлари биздан ташқарида амал қилар экан, бизлар – инсонлар қонун-қоидаларни фақат ўзимизгагина каттакон фойда, манфаат келтирадиган қилиб, мослаштириб олишдек хом хаёлларга берилмай, аксинча, ана шу қонунларни ниҳоятда пухта ўрганишга, барча ҳатти-ҳаракатларимизни ҳамда интилишларимизни мавжуд қонунларга мослаштиришга тинимсиз уринмоғимиз даркор.

Турлича манфаатлар муштараклиги мувозанати муаммоси улуг аждодларимиз – жафокаш жадидларни ҳам роса ўйга толдирган. Улар

хам шахс, жамият, давлат манфаатларини уйғунлаштириш масаласига жуда жиддий эътибор қаратганлар. Абдурауф Фитратнинг 1914 йилда ёзилган жадидларнинг кўп ғояларини ўзида мужассам этган «Нажот йўли» асаридан, сал катгароклиги сабабли, Сиздан узр сўраган ҳолда, иқтибос, кўчирма келтиришни лозим топдик: «Бани Одам азалдан ўз ҳамжинслари билан бир қишлоқ, қасаба ёки шаҳарларда биргаликда жамоат бўлиб яшашга мажбурдир. Аксар ҳайвонларга ўхшаб тоғлар ва чўлларда ёлғиз яшаб юриш инсоннинг табиатига зиддир. Кўпгина ҳайвонлар ўзаро ёрдам ва мададга ҳеч қандай эҳтиёжни сезмайдилар. Ҳар қайси ҳайвон танҳо ўзи овқатини ёки ётиш жойини топа олади. Мисол учун қушларнинг энг кичиги, заифи чумчуқни кўз олдингизга келтиринг. Бу ҳақир жонивор кичкинагина тирноқлари ҳамда заиф қанотлари билан бир ўзи ҳаётини биров ёрдамсиз ўтказди.

Лекин биз одамлар уларга нисбатан ҳар қадамда бировларнинг ёрдамига муҳтожмиз. Масалан, дастурхонимиз устида турган мана шу оддий нону чойни бир олиб кўринг-а: бировларнинг ёрдамсиз шуларга эга бўла оламизми? Ёки булар осмондан тушганми? Асло бундай эмас! Балки фалон тожир бир жойдан темир олиб келган, бир темирчи уни сотиб олиб, тер тўкиб оמוчу қўш ясаган, бошқа биров ҳўкиз ҳамда омочни олган, бир неча киши кеча-кундуз меҳнат қилиб уруғни ерга сепган ва вақт ўтгач, деҳқон буғдойини ўриб, хирмон қилиб, минг заҳматлар билан буғдойини майдалаб, ун қилган, бозорга олиб чиқиб сотган, биров эса сотиб олиб сўнг фалон нонвойга сотган. Нонвой кўрагини оловга бериб нон қилиб сотганида сиз уни олиб келгансиз...

Энди сизнинг бир луқма нонингиз учун қанча ҳамжинсларингиз сарсон-саргардон бўлганини тушунгандирсиз?! Агарда бошқаларнинг ёрдами бўлмаса сиз шу нонни қаердан олар эдингиз? Биргина нон эмас, балки кийим-кечак, оилангизнинг бошқа бир эҳтиёжларини ҳам олиб кўринг-а. Қанча одамларнинг оғир меҳнати бир нарса учун сарф бўлган! Буларнинг барини эътиборга олиб шуни айтамикки, одамлар табиатан жамият бўлиб яшашга мажбурдирлар. Барча мамлакатлар, миллатлар, ҳукуматлар мана шу табиий қонун натижасида майдонга келгандир.

Одамлар турли мамлакатлар ҳамда шаҳарларда жамоат бўлиб яшаганларидан сўнг турли қавму жамоаларга бўлиниб кетдилар. Бу қавмларнинг аъзолари бир-бирлари билан муносабат ва муомалада бўладилар. Масалан, мен сиздан фалон микдорда қарз оламан, сиз эса

молингизни фалон одамга сотасиз ва ҳоказо... Шундай бўлиши ҳам мумкинки; бу муносабатлар ҳамда муомала мобайнида бизлар бир-бирларимизга қаттиқ жаҳл қилиб, урушиб ва хатто ўлдиришдан ҳам тоймаслигимиз мумкин.

Моазаллоҳ! Биргина мамлакатнинг ичида шундай тартибсизлик жорий бўлса, шубҳасиз, бу жамият тарқоқ ҳолга келади ва миллат ҳам бутунлай инқирозга учрайди. Бас, аҳоли ўртасидаги муносабат ва муомалаларни тартибга соладиган қонунлар лозим, токи ўртамызда тушунмовчиликлар пайдо бўлиб жамиятимиз паришон бўлмасин.

Инсон табиат қонунларининг адолатли ҳукми сабабидан ҳамиша ўз манфаатларини ўйлайди, манфаатини таъминлаш учун ҳам ҳаракат қилади. Инсофли ва иқтидорли одамлар ўзларининг манфаатларини қонуний йўллар билангина таъминлашни хоҳлайдилар. Аммо шундай кишилар ҳам борки, манфаатларини тўғри йўллар билан эмас, балки жаҳл (билмаслик), ўғрилик ҳамда ношаърий воситалар билан амалга ошириб, ахлоққа жудаям зид ишлар билан машғул бўладилар. Қайси бир қавм ичида шундай одамлар қанчалик (даражада) кўпроқ бўлса, бундай қавм албатта, ҳалокатга ҳам маҳкумдир. Шундай экан, бундай ишлардан бизни манъ қилмоқ учун қонун лозимдур...

Авалло ўз миллатининг манфаати учун ҳаракат қилмаган одам охираат саодатига эриша олмайди! Миллатнинг саодатини кўзламаган одам бу дунёнинг саодатига ҳам етишмайди...»

Қонун устуворлиги принципининг ғоявий ва тарихий илдизлари Буюк Шарқ алломаларининг деярли барчасининг асарларида мавжуд. Масалан, Хўжа Самандар Термизийнинг «Дастур ал-Мулк» асарида: «Кимки зўрлик болтаси билан адолатсизлик пайини қаттиқ қирқмас экан, у замон боғида ёш умид дарахтиниам ўстира олмайди... Агарда мамлакатни бошқарувчи қонунлар завоқ топгудек бўлса, бу Дунёнинг асоси ҳам барбод бўлади», деган асосли мулоҳазани билдирганди.

Жалолиддин Давонийнинг жиддий фикрига биноан, «ҳар қандай давлат ташкилоти ўзининг мўътадиллиги билан ҳам ажралиб туради, қонунлар эса ўзининг тартиби билан ижро этилади. Агар бу қонундан четроққа чиқиб кетиладиган бўлса, ҳар бир қоида қарама-қаршилиқ манбаига айланади ҳамда у дўстлик муносабатларининг бузилишига, ёмонлик, парокандаликка сабаб бўлади. Зеро, ҳар қандай давлатнинг асосини аъзолари қонун олдида тенг бўлган, жамиятнинг иттифоқи ва фикри ташкил этади».

Алишер Навоий ҳам оламга машхур «Маҳбуб ул-кулуб» асарида шундай ўғитни бизга мерос қолдирганди: «Қози қонун йўлидан бир қадам ҳам тоймаслиги, тўғри йўлдан чиқмаслиги лозим... Модомики, ҳукм элнинг моли ҳамда жонига тааллуқли экан, қозининг шиори ҳам тўғрилиқ ва адолат бўлмоғи даркор».

Эркинлик ва зурурият доимо биргаликда мавжуд. Масалан, дарё суви эркин оқади. Лекин, у ўзининг ўзанидан чиқмаслик заруриятига бўйсунди. Шунга кўра, бемалол айтиш ҳам мумкинки, барчамизнинг барча ихтиёрий ҳатти-ҳаракатларимиз аслида мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳамда амалдаги қонунчиликда ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш ҳоллари ва асослари кўрсатилган бўлиб, бунда инсонийлик, адолат ҳамда эркинликнинг доираси ҳамда ўлчови нуқтаи назаридан баъзи бир ҳолларда ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган .

Бундай чеклашларнинг энг қонуний асослари инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қатъий мустаҳкамланган. Масалан, Конституциямиз 29- моддасида мустаҳкамлаб қўйилган сўз, фикрлаш эркинлиги фақат давлат сирини ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонуний чекланиши мумкинлиги таъкидланган. Фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини амалиётга оширишлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳокимият органлари томонидан тўхтатиб қўйилиши ёки тақиқланиши мумкинлиги Конституциянинг 33- моддасида конституциявий норма сифатида белгилаб қўйилган.

Конституциямизда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқининг берилиши билан бир қаторда (34- модда), 57- моддага биноан, ўзининг олдига: «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларга қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади», деган конституциявий норма асосида муайян даражадаги, қатор чеклашлар белгилаб қўйилган.

Шароит, эҳтиёж, зарурият ҳақиқатан ҳам тақозо этгудек бўлса, ҳар қандай қонун ёки Конституция нормаси ўзгартирилиши мумкин.

Азал-азалдан амалда бўлган ҳамда Абадиятга мўлжалланган ҳуқуқий нормаларнинг ўзиям мутлақо мавжуд эмас. Аммо, шуни ҳам алоҳида равишда қайд этмоғимиз даркорки, давлат органлари ҳам, кенг халқ оммаси ҳам, фуқаролар ҳам ҳуқуқий нормаларнинг барқарор бўлиши, ҳамда унинг, гап-сўзсиз, амалда бўлишидан доимо манфаатдорлар.

Барқарор ҳуқуқий тартиб-қоидалар инсондаги жуда мустаҳкам, бениҳоя соғлом онгни шакллантиради. Конституциянинг нормалари асосий қонунлар таркибига кирганлиги учун ҳам уларни ўзгартириш, янгилаш оддий қонунларни ўзгартириш ёки янгилашдан қисман фарқ қилади. Бу жаҳон тажрибасидан ўтган ва қабул қилинган қоидадир.

Энг асосий Қонунимизнинг 127- моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади».

Конституцияга ўзгартириш киритиш икки усулда: қарор ҳамда қонун қабул қилиш йўли орқали амалга оширилади. Қарор фақатгина референдум ўтказишни талаб этса, қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилиниши лозим. Конституцияга ўзгартириш киритишнинг у ёки бу тартиби, энг аввало, халқ манфаатидан келиб чиқади ҳамда унга беминнат хизмат қилишга қаратилган. Референдум мазкур иродани ифода этишнинг бевосита шакли бўлса, халқ вакиллари – сенаторлар ҳамда депутатлар орқали у билвосита равишда амалга оширилади.

Словакия инсон ҳуқуқлари Миллий маркази ўқитувчиси Томас Фолдеснинг фикрича, «Ўзбекистонда 130дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари тинч-тотув ҳамда ахил-иноқ яшамокда. Бу ниҳоятда катта ютуқ ҳисобланиб, мамлакатингизда фуқароларнинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, Конституция томонидан қафолатланган бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга тўлиқ риоя этилаётганидан далолат беради. Шунингдек, асосий ҳуқуқлардан бири бўлган фуқароларнинг шахсий мулкка эгаллик бўйича Конституцияда белгиланган ҳуқуқи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг барчаси Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича позициясига тўла-тўқис мос келади. Ўзбекистон қонунчилиги мунтазам такомиллаштирилмоқда. Масалан, айни пайтда давлатингиз раҳбарининг янги ташаббусларига мувофиқ Конституцияга ўзгартиш

ва кўшимчалар киритилмоқда. Бу Сизнинг жамиятингиз янада олға қараб тинимсиз равишда ривожланаётгани, тараққий этаётгани, яъни Ўзбекистонда либераллаштириш ва демократлаштириш жараёнлари тўғри йўналишда амалга оширилаётганидан далолат беради».

Миллий истиқлол йилларида мамлакатимизда барқарор ва жадал ривожланиб бораётган сиёсий тизим, профессионал асосда самарали фаолият кўрсатаётган икки палатали парламент ташкил этилганини билмайдиган мактаб ўқувчиси ҳам бўлмаса керак. Ниҳоятда жиддий муҳокамалар ҳамда турли экспериментлар орқали қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ҳамда асослилиги янада яхшиланиб бормоқда. Фуқаролар, сиёсий партиялар ҳамда бошқа фуқаролик жамиятининг институтлари, шу жумладан, нодавлат ношароит ташкилотларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий жиҳатдан ривожлантиришга доир ўта муҳим вазифаларни бажаришда эркин ва фаол иштирок этишлари учун зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шароитлар яратилганлигини эса ўзингиз ҳам кўриб, билиб турибсиз. Турли фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятида фаол равишда иштирок этиб, диёримиз тараққиётига ўта муносиб ҳисса қўшаётганингизни эса биз ҳам кўриб, билиб турибмиз.

Ушбу ижобий либераллашув ва демократлашув жараёни тобора жадаллашиб бораётганлигини бўлса ўзингиз ҳам жуда яхши кўриб, англаб, ҳис этиб турибсиз. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан илгари сурилган концепцияда баён этилган қонунчилик ташаббуслари асосида парламентаризм, фракциялараро кураш ҳамда партиялараро рақобатни таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик изчил равишда такомиллашиб бормоқда. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яйрим моддаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103, ва 117- моддаларига)»ги Қонуннинг қабул қилингани бу борада ниҳоятда муҳим омиллардан бири бўлганлигини дунё ҳуқуқшунослари ҳам эътироф этмоқдалар.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, бунда сиёсий партияларнинг иштирок этиши ҳамда парламент ролининг ошиши, Бош вазирнинг ҳисоботлари бўлса парламент томонидан эшитилиши, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш тартиби билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тўла-тўқис асосларда конституциявий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлигини ҳам биласиз. Айниқса, Бош вазир номзодининг Республика Президенти Олий Мажлис Қонунчилик

палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга кирита олган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши эса фуқаролик жамиятининг ғоятда муҳим институтларидан бири бўлган, халқнинг маълум бир қатламлари манфаатларини илгари сурадиган ва уларни ҳимоя қилиш мақсадларини кўзлаган ҳолда сиёсий майдонга чиққан сиёсий партияларнинг ролини янада оширишга ҳамда Қонунчилик палатаси ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро барқарор мувозанатни доимий равишда таъминлаб туришга беминнат хизмат қилади.

Мазкур стратегик аҳамиятга молик ҳужжат давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: давлат бошлиғи – Президент, қонун чиқарувчи ҳамда ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ғоятда муҳим ваколатларнинг янада мутаносиброқ тарзда тақсимланишини таъминлаб туриш, шунингдек, демократик ислохотларнинг узлуксиз амалга оширилиши жараёнида сиёсий партиялар роли ва таъсирини кучайтиришга қаратилганлиги билан бениҳоя муҳим аҳамиятга молик. Қонунга биноан, Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга ўтказилди, мамлакатимиз Бош вазирининг ҳуқуқ ҳамда ваколатлари янада кучайтирилди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига сидқидилдан хизмат қилиши тўғрисидаги қонинда тўла-тўқис жавоб беради ва ҳокимиятларнинг ўзаро бўлиниши билан чамбарчас боғлиқ конституциявий принципни амалга ошириш, ўз-ўзини тийиб туриш ва мувозанат мутаносиблиги тизимини ташкил қилишга жудаям катта ёрдам бериб, фуқароларнинг давлатга ишончини ҳам оширади.

Қурраи заминда инсоният пайдо бўлибдики, у ҳамиша идеал, беайб-бенуқсон ва мукамал бир фаровон, адолатли жамиятни доимо орзу-ният қилиб, шундай жамият томонга тинимсиз равишда интилиб келади. Аллома, мутафаккир зотлар ҳеч қачон бундай, орзудагидек жамият барпо этиб бўлмаслигини ҳаммадан кўра яхшироқ биладилар. Масаланинг муҳим жихати шундаки, ўша буюк инсонлар буни жуда яхши билганлари сабабидан ҳам мавжуд жамиятни янада яхшилашга, такомиллаштиришга ўзларидаги бор билим, ақл-заковатларини ишга солган ҳолда, куч-ғайратларини мутлақо аяб ўтирмасдан, тўхтовсиз интилаверадилар. Чунки, буткул тўқис мукамаллик ҳамда ҳақиқий идеаллик бўлмаса бўлмас, бироқ бу ёруғ дунёда адолатли қонунларга бўйсунадиган жамиятни бунёд этиш, аслида ҳам, мумкин-ку!

Башарият вужудга келганидан бошлаб ҳозиргача барча кишилар хатти-ҳаракатларини, бугунги ғоятда таҳликали, мўрт дунё аҳлининг ҳамма уринишларини ҳамда келажак авлодларнинг тинимсиз тарзда олдинга интилишларини **бир сўз** билан ифодалаш даркор, деган шарт олдимизга кўндаланг қилиб қўйилгудек бўлса, миллионлаб сўзлардан иборат улкан чўққига назар ташлаб кўзимиз қамшиб кетган бўларди. Ҳар ким нима деса деяверсин-у, биз уни **АДОЛАТ** деб атаймиз.

Хўш, адолатнинг ўзи қаерда қарор топа олади? Қаерда қонунлар ҳукмронлик қилса, албатта, ўша ерда-да! Ўша қонунларнинг ўзлари қаерларда тўла-тўқис ҳукмронлик қилишлари мумкин? Қонунларни бажармасликнинг мутлақо иложи бўлмайдиган жойда! Қаерда бунинг мутлақо, сира иложи қолмайди? Кишилар юксак ҳуқуқий онг ҳамда маданиятга эга бўлган, мавжуд қонунларни жуда яхши биладиган ва уларни рўёбга чиқарилишидан манфаатдор бўлган, бунинг уддасидан эса самарали равишда чиқишнинг барча иқтисодий, ижтимоий ҳамда ташкилий-сиёсий чора-тадбирлари кўрилган ва шарт-шароитлари эса тўла-тўқис таъминлаб қўйилган жойда!

Жамият миқёсида қонунийлик тушунчаси икки хил маънода: анча кенг ва тор маъноларда ишлатилади. **Кенг маънода** қонунийлик деганимизда, бажарилиши қатъий равишда талаб қилинадиган барча қонун-қоидалар тушунилади. Булар таркибига давлат, янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, парламент томонидан жиддий муҳокамалар, маслаҳат-машваратлар, референдумлар, турли-туман экспериментлар натижасида яратилган конституциявий ва бошқа амалдаги қонунлар ҳамда барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради.

Тор маънода олганимизда, қонунийлик давлат органларининг ўз фаолиятида қонунларга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий равишда амал қилишларини кўзда тутди. Чунки, Ўзбекистон Республикасида барча давлат органлари, мансабдорлар ҳамда юридик шахслар, жамоат бирлашмалари, ҳамма фуқаролар Конституция ва қонунларга асосан иш кўришлари даркорлиги Асосий Қонунимизда конституциявий норма сифатида қатъий тарзда белгилаб қўйилган.

Қонунийлик ҳуқуқий тартибот тизими билан узвий равишда, бевосита боғлиқ бўлиб, асосан у орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибот жамоат тартибининг бир қисми бўлиб, фақатгина ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши натижасидагина пайдо бўлади ва кишилар ўртасидаги турли-туман ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий воситалар орқали тартибга солади. Жамият ижтимоий муносабатлари

хукукий муносабатларга нисбатан анчагина кенгрок бўлиб, уларнинг таркибига ахлоқ-одоб, урф-одатлар ва бошқа турмуш қоидаларининг турли даражада амалга оширилиши натижасидагина пайдо бўладиган ижтимоий муносабатлар киради. Кишилар ўртасидаги ёки фуқаролар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатлар ҳукукий тартибот, яъни ҳукукий нормалар орқали самарали тарзда амалга оширилиши натижасида қонунийлик янада мустаҳкамлаб, жамиятдаги тинчлик ва оқойишталик тинимсиз тарзда таъминланиб борилади.

Қонунийлик ҳамда интизом бир-бири билан узвий боғлиқдир. Қонунийлик эса давлат интизомининг асоси, пойдевори ҳисобланади. Давлат интизومي, аввало, қонунийлик ва тартиб-интизомни доимий тарзда мустаҳкамлаб боришни қатъий талаб қилади. Қаерда интизом бузилса ҳамда тартибсизлик содир бўлса, айнан ўша ерда қонунчилик кўпол равишда бузилишини ўзингиз ҳам ўта яхши биласиз, керагича, ҳатто керагидан ортикча мисолларни ҳам бемалол келтира оласиз.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, биринчи чақирик Олий Мажлиснинг тўртинчи сессиясида Президент томонидан қонунийлик ҳамда ҳуқуқ-тартибот масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратилиб, қуйидагича фикр-мулоҳазалар билдирилган эди: «Биз Конституцияга ҳамда маданиятли ва демократик жамиятда қабул қилинган қонунлар ҳамда ахлоқий меъёрларга риоя қилишга асосланган ҳукукий давлат қуряпмиз, деган гапларига анча кўникиб ҳам қолдик. Албатта, ушбу меъёрлар бузиладиган давлат ҳукукий давлат бўла олмайди. Албатта, фуқаролари қонунни писанд қилмайдиган давлат ҳукукий давлат бўла олмайди. Аммо... ҳукукий давлатнинг асосий талаби – давлатимизда қонунларни (қатъий) амалга оширишга, қонунчиликни таъминлашга сафарбар этилган кишиларнинг уларни аниқ, оғишмай ижро этишини қатъий талаб қилиш (масаласи) тўғрисида алоҳида гапирмоқчиман. Мен ҳокимият тузилмалари, ҳуқуқни муҳофаза этиш, суд ва назорат органларини назарда тутяпман».

Қонунийлик, энг аввало, мансабдор шахслар қонун талабларини тўла-тўқис бажариши, қонунбузарликларни зудлик билан аниқлаши, уларга дархол барҳам бериши, поймол этилган ҳуқуқларни тиклаши ва айбдорларни эса юридик жавобгарликка тортишни назарда тутаети.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26- моддасига мувофиқ, «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби

аникланмагунча.. айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар ярагиб берилади»...

Айбсизлик презумпциясининг энг асосий мақсади – бу айбсиз кишини айбламаслик, жиноятчини аниқ топиш ва унинг айбларини қонунда белгиланган тартибда исботлашдир. Ушбу мақсадга эришиш жиноят процессуал қонунчилигининг ҳам вазифаси, яъни айбсизлик презумпцияси фақатгина айбдорларни топиш ва жазолашга, айбдор бўлмаган айбланувчи фуқаролар айбсизлигини ҳимоялашга хизмат қилади. Айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг жуда муҳим принципларидан бири бўлиб, у шахс ҳуқуқларининг ҳимояланишини таъминлайди, асоссиз айблашни ва ҳукм қилишни истисно этади.

Жиноятда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт ҳам эмас. Бу уларнинг шахсий ҳуқуқи бўлиб, ундан мустақил равишда ёки ҳимояланиш жараёнида фойдаланишлари мумкин. Айбдорликка оид барча шубҳалар, агарда уларни бартараф этишнинг имкониятлари бўлмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёхуд судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши даркор.

Жиноят ҳуқуқи назариясида айб деганда, шахснинг содир этган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳамда унинг оқибатларига (қасддан ё эҳтиётсизлик кўринишидаги) бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ё судланувчи томонидан ўзининг айбсизлиги ҳақидаги далилларнинг келтирилмаслиги айбдорликнинг энг асосий далили сифатида баҳоланмаслиги керак. Шахснинг тергов ё суд жараёнида тўла-тўқис исботлаб берилмаган айбдорлиги, аслида айни пайтдаги унинг айбсизлиги ҳам ҳисобланади.

Энг Асосий Қонунимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти» деб номланган XXII бобининг 106- моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади».

Суд ҳокимиятининг ўта самарали фаолият кўрсатиш принципи «ҳуқуқ қайси жойда бўлса, унинг ҳимояланиш воситалари ҳам айнан шу жойда мавжуддир», деган ғоятда муҳим қоидага асосланади.

Советларнинг коммунистик ақидапарастликка таянган, яна ҳам аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, унинг устига ўз ўлигини таълаб ётиб олган, тоталитар, экстремистик тузуми ҳокимиятларнинг бўлиниши принципини мутлақо инкор ва рад этиб, судларни бюрократик давлат

машинасининг қолдиғи сифатида тан олиб, давлат ҳамда ҳуқуқнинг келажакда бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳақидаги сохта назариясига асосланиб, асосан жазолаш органи сифатида фаолият кўрсатганди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида судлар мустақиллиги принципининг, энг аввало, конституциявий жиҳатдан қайд этилиши давлат ҳокимияти тизимининг демократик моҳиятини акс эттиради. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида расман қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га оид ғоятда муҳим қарорда: «Ҳар бир кишининг қонунийлик ва адолат тантана қилишига бўлган қатъий ишончи шунга асосланиши керакки, қонунни бузган шахс жазосиз қолмайди ва ҳар ким бузилган ҳуқуқининг тикланишини ҳамда унга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақлидир. Аҳоли ҳуқуқий маданият даражаси оширилиши қонунни чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ходимларининг билимдонлигига кўп жиҳатдан боғлиқ»лиги қайд этилган эди.

Конституциямизнинг 113- моддасига мувофиқ «Ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади».

Ошкора суд мажлиси умумий огоҳлантириш ва махсус тарбия вазибаларини самарали равишда амалга оширишнинг ғоятда муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Суд ажримининг ошкоралиги эса ҳар кимга суд залида ўтириш ҳамда суд фаолиятини бевосита кузатиш, шунингдек суд жараёни ҳамда унинг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш имконини беради. Айнан ушбу йўл билан халқ томонидан суд ҳокимияти фаолиятини тўғридан-тўғри назорат қилишга эришилинади. Суд фаолиятининг очик-ошкоралигини янада ошириш масаласида судлар ўзига хос «тўртинчи ҳокимият» бўлмиш оммавий ахборот воситалари ходимларига олдиндан хабар қилиши, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларига маълум қилиши мумкин. Ўз навбатида, ошкора суд мажлисларини бевосита қорхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўзида ўтказишга ҳам ҳақлидир. Судда жиноят ишларининг ошкора тарзда кўрилиши принципи нафақат аҳолининг диққат-эътиборини кўрилаётган шу ишга жалб этиш, шу билан бирга барча фуқароларга олдиндан, мана, ўз кўзингиз билан кўриб қўйинг, халқнинг иродаси бўлмиш қонунларни поймол қилган кимса шундай аҳволга ўз ихтиёри ёки кимларнингдир қутқуси билан тушиб олиб, «сувга тушган мушукдек», қандай бир аҳволда шумшайиб ўтирибди,

деган маънодаги ғоятда қатъий огоҳлантириш – тарбиялаш таъсирини ўтказган ҳолда, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билимлар ҳамда маданият даражасини янада юқорирокқа кўтаришга жуда катта ёрдам беради.

Миллий истиқлол йилларида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустақкамлаб бориш, суднинг асл мустақиллигини таъминлаш, судни собиқ тузумда бўлгани сингари қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган ғоятда кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширилди.

Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни тағин изчил амалга ошириш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, шунингдек, бу даврда жинойт-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли равишда ўзгартиш ва кўшимчалар киритилди. Бу бўлса, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органларининг назорати ҳамда таъсиридан чиқариш имконини берганини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жинойт ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг жинойт ҳамда фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қиляпти.

Фуқароларнинг судлар орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий равишда кучайтирилди, бу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича ниҳоятда катта кўламдаги бир қатор чора-тадбирлар муваффақиятли тарзда амалга оширилди.

Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ҳам ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда бемалол кўриб чиқиши ҳам мумкин.

Бугунги кунларда жинойт жавобгарликка тортилган фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суди қароридан ўта норози бўлган тақдирда, ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати – ҳимоячиси иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Шундай қилиб фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби ҳам батамом тугатилди.

Ўзбекистон Республикасида «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан тўла судларга ўтказилиши 1957 йилда қабул қилинган «Экстрадиция қилиш тўғрисида»ги Европа Конвенцияси ва 1993 йилда имзоланган, 2003 йилда эса янги таҳрирда тасдиқланган «Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги Минск конвенцияси талабларига ҳам тўла равишда мос келади. Эндиликда Ўзбекистонда жиноятни содир этиб, қилғиликни қилиб қўйиб хорижий давлатларда «сичқоннинг инини минг тангага олиб» қочиб юрган жиноятчиларни экстрадиция қилишнинг тартиби ҳам анчагина енгиллашди. Чунки, аксарият ривожланган давлатларда шахсни экстрадиция қилиш учун прокурорнинг санкцияси эмас, балки суднинг ўша шахсни қамоққа олишга санкция беришга оид қарори талаб қилинади.

Мавжуд маълумотларга кўра, дунёнинг 120дан зиёд давлатида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, эркинликлари чекланиши ва мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш судлар ваколатига ўтказилган. «Хабас корпус» атамаси 1679 йилда инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун «Habeas Corpus Act» номидан келиб чиққан ва ўзимизнинг ўзбекнинг тилига таржима қилинганида «танани, шахсни (судга) келтириш» деган маънони англатади. «Habeas Corpus Act» ўз даврида инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кўзловчи энг илғор қонунлардан бири бўлганди. Мазкур қонун ўша вақтларда Англияда мансабдор шахслар, шерифлар, қамоқхона бошлиқларининг ниҳоятда авж олиб кетган, қутирган ўзбошимчалигини чеклаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш мақсадида қабул қилинган эди.

«Оламни маҳлиё айлаган диёр»имизда 2001 йилдан қадимий ва навқирон ярашув институтининг жорий этилгани ҳам қонунийликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Кўп мингйиллик миллий-маънавий кадриятларимиз ҳамда халқимиз характериға бевосита хос бағрикенглик ва олижаноблик каби инсоний фазилатларға асосланган ушбу институтнинг Ўзбекистонда самарали қўлланилаётгани жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда, маъқулланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимиға ярашув институти жорий этилишининг ғоятда муҳим аҳамияти, қисқача ифодалайдиган бўлсак, айнан қуйидагиларда ўзини барчаға яққол намоён этади:

1) ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда жуда қисқа муддатда тарафлар ўртасидаги низо хал этилади ва ортиқча сарф-харажатнинг ҳам олди олинади;

2) ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноятда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи жинойи жавобгарликдан озод қилиниб, «судланган» деган уни бир умр таъқиб этиб юривчи қора тамгадан фориғ этилади;

3) жабрланувчининг қонуний талабларини тўла бажариш билан адолатнинг, ижтимоий адолатнинг нақадар муқаддаслиги, қонуннинг устуворлиги принципи тан олинади;

4) суриштирув ҳамда дастлабки тергов органлари ҳам анчагина машаққатли меҳнатдан халос бўлади;

5) суднинг одил судлов сифатидаги обрў-эътибори ҳам ошади.

Бутунги кунда мамлакатимизда бота жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўлланишининг барча имкониятлари назарда тутилгани дунёга дoston ҳамда оламини росаям махлиё айлаган хур диёримизда – юртимизда инсонпарварлик тамойилларининг яна ҳам мустаҳкамроқ равишда қарор топаётганининг ғоятда яққол ифодаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24- моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгилаб қўйилгани сираям бежиз эмас. Асосий қонунимизнинг бош тамойилидан келиб чиқиб Президентимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни янада юқори босқичга кўтариш мақсадида жазо тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдек ўта муҳим вазифани қўйди ва у тўла-тўқис ҳаётга татбиқ этилди. Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида қайд этиш лозимки, қонунларида ўлим жазоси бўлган мамлакат ўзини сира ҳам ҳуқуқий-демократик давлат сифатидаги ўрнини тополмайди. Инсонни ўлимга маҳкум этиш демократик принципларга ҳам мутлақо тўғри келмайди.

«Халқаро амнистия» ташкилотининг маълумотига кўра, ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар 80, фақатгина алоҳида ҳолларда (ҳарбий жиноятлар учун) ушбу жазо сақланган мамлакатлар 15, жиноят қонунларида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида жазони ижро этилмаган мамлакатлар 23, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар 78тани ташкил этади. Ўлим жазосини бекор қилиш ўз навбатида жиноятчиликнинг янада кўпайиб кетишига сабаб бўлади, деган фикр нотўғри ҳамда асоссиз эканлиги истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасининг мисолида буткул ўзининг исботини топганини ҳам алоҳида таъкидламоғимиз даркор.

Она Диёримизда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бутунлай бекор қилинганди. Словения давлати раислигидаги Европа

Иттифоқи номидан баёнотида бу масала хусусида шундай дейилади: «Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганлигини қизгин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий қутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўёбга чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан буён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди.

Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ўта чуқур ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди. Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўзининг фаолиятидаги асосий мақсад эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида қайд этилган мақсаднинг йўлида қўйилган муҳим кадам, деб билади ҳамда минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади».

Ўзбекистонда ўлим жазосининг ўрнига умрбод ё узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси турининг жорий этилганлиги ҳам халқаро ҳамжамиятнинг жуда катта эътибори ва эътирофига сазовор бўлгани гоётада ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик муҳим воқеадир. Бениҳоя нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ҳамда бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистон давлатида бутун дунё миқёсидаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилганлигидан сиз ҳам яхши бохабарсиз. Халқаро экспертларнинг айнан бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни ҳам кўрсатмоқдики, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси, яъни салгина халқонароқ, чапаничасига ва дангалроқ қилиб ифодаладиган бўлсак, «тириклай кўмиш» Германия ҳамда Польшада 5та, Бельгия ва Россияда 6та, Швецияда 13та, Францияда 18та ва Голландияда 19та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақуллода жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни яна оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми) ҳамда терроризм (ЖКнинг 155-моддаси 3-қисми) учунгина тайинланади. Жазонинг бу тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноятни содир этган пайтида ҳали 18 ёшга етмаган шахсларга ҳамда ёши 60дан ошган эракаларга нисбатан қўлланиши мумкин эмаслигидан ўзингиз ҳам жуда яхши бохабарсиз.

Жиноий жазоларни либераллаштириш борасида кўринган чегара тадбирлар натижасида эса Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамалган жиноятчилар сонини жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткичнинг яқин ҳар 100 мирига 111 та хисобига 166 кишини ташкил қилади. Қибелиги учун қайириги 111 та бўлса, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда эса 734 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йил мобайнида соҳадаги маҳрум қилиш жойларида сақланиётган маҳбуслар сонини 2 барга кўпроқ камайганининг ўзингина ушбу соҳада амалга оширилган ислохотларларимиз қандай ижобий натижа бераётгани далилидир.

АҚШ округ судининг Миннесота штати округи бўйича бўлган судьяси Жон Танхайм ҳақли тарзда таъкидлаганидек, «Ўзбекистонда сўнгги йилларда жиноят ҳуқуқини ҳам либераллаштириш мақсадида йўналтирилган ғоятда улкан ишлар амалга оширилди. Маҳрум қилиш тадбирлар бир томондан, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш яқин кучайтирган бўлса, бошқа тарафдан эса, маҳбуслар сонини соҳадаги даражада камайтирди. Маълумки, ушбу муаммо АҚШ ҳамда бошқа кўплаб давлатлар учун долзарбдир. Ўзбекистоннинг ушбу масалага ёндашувини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Зотан, бу муаммо тўғрисида инсонпарварлик фазилатларига асосланган ҳолда адолатли равишда ҳақ хатосини тўғрилаш ҳамда уларни реабилитация қилиш йўлидир».

Истиклол йилларида эришган яна бир ниҳоятда муҳим ютуқимиз – судланганлик ҳолати институтининг тубдан ислох этилгани бўлди. Судланганлик ҳолати олиб ташланиши туфайли унинг барча ҳуқуқий оқибати бекор қилинганлигини инobatга оладиган бўлсак, жиноий жавобгарликка тортилиб, тайинланган жазони тўла ёки қисман ўтаб бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиши учун ғоятда кенг имконият яратилгани ўз-ўзидан барчамизга яққол аён бўлади.

Иқтисодиёт соҳасидаги турлича жиноят ишлари бўйича ҳамма ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазоларнинг ўрнинда жарима шаклидаги иқтисодий санкцияларни қўллашнинг имкониятини ҳам анчагина кенгайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига эса етказилган молдий зарарининг ўрнни қонданган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашмаслиги ҳақида янги қоидалар киритилди. 2012 йил октябрда Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистонда конституциявий қурилиш тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзудаги халқаро конференциянинг иштирокчиси Европа Иттифоқининг Венеция комиссиясининг ҳамкорлик бўлими раҳбари

Сергей Кузнецовнинг фикрича, мамлакатимизда «Ўлим жазосининг бекор қилингани ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш борасидаги бошқа муҳим ишлар Ўзбекистоннинг илғор демократия тенденциялари томонига ҳаракат қилаётганидан аниқ далолат беради. Комиссиямиз турли-туман давлатларга инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тажрибаларни тақдим этиш орқали ушбу соҳаларни яна ҳам демократлаштиришга бевосита кўмаклашмоқда. Ўзбекистон билан 2009 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Айниқса, Олий суд ҳамда унинг ҳузурида фаолият кўрсатаётган Тадқиқот маркази билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатилган. Сўнгги уч йилда, хусусан, «Ҳабеас корпус» ҳамда медиация институтларини жорий этиш билан боғлиқ ҳуқуқий ислохотларнинг жуда кўплаб жиҳатлари, шунингдек, конституциявий ҳуқуқни ривожлантиришнинг умумий масалалари бўйича бир қатор қўшма тадбирларни яхши ўтказдик. Мазкур дастур ниҳоясига етди, аммо барча иштирокчилар учун фойдали ва амалий бўлган ҳамкорликни тағин давом эттириш ниятидамиз».

Ўзбекистон Республикасида суд амалиётига медиация институти жорий этилиши юзага келган турли-туман низоларни суддан ташқари тартибда, холис воситачи кўмагида, томонларнинг ўзаро келишуви, музокаралари орқали ҳал этиш имкониятини бермоқда. Хусусан, 2006 йилда қабул қилинган ҳамда 2007 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Қонун бу борада жуда муҳим қадам бўлди. Ҳакамлик судлари адолатли судлов сифатини янада ошириш, фуқаролик ҳамда ҳўжалик ишларини кўриб чиқиш муддатларини ва ортикча, кераксиз процедураларни қисқартириш имконини бермоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари орқали инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасидаги улкан ютуқларимиз фақат шулардан иборат эмас. Уларнинг кўлами ва аҳамияти ниҳоятда кенг. Шу ўринда авф этиш, яъни амнистия актини қўллаш жараёни миллий истиклолнинг илк йилидан бошлаб йўлга қўйилгани ҳамда энг муҳими, у ҳар йили амалиётга изчил татбиқ этиб келинаётганини жуда мамнуният билан айтиш мумкин. Кечагидек ёдимизда. Бу борада ҳам Президентимиз томонидан ғоятда муҳим ташаббус кўрсатилганди: «...жиноий нуктаи назардан олиб қараганда, жазо бериш мумкин, қамаш мумкин, лекин бу жазо билан биз нимага эришамиз? Мен мана шу жиноятчиларнинг оилалари, болаларига кўп куйинаман, отасиз ёки онасиз болаларнинг ҳаёти, турмуши, тарбияси энди қандай бўлади? Қамалган одамнинг болалари бошини кўтариб юролмайди, энди вояга етаётган болалар,

айникса, жуда кўп эзилади. Аёллари изтироб чекади...» деган сўзлари эса буни яққол далолатидир. Миллий истиклол йилларида, яъни 25 йил, чорак аср мобайнида 26 марта амнистия акти эълон қилинди...

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан ҳақли равишда таъкидланганидек: «Ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос муҳим хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш жуда муҳим иш ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданиятнинг савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда сўзсиз равишда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу ўта муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамларнинг онги ва қалбига сингган ҳамда улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади».

Демакки, юксак маънавият ва унинг ранг-баранг, барча турлари ҳуқуқ, қонунчилик тамойиллари билан чамбарчас боғланган. Бундан ташқари, ҳуқуқий давлат тушунчасининг ўзи ҳам ўта муҳим аҳамият касб этувчи маънавий кадриятлар таркибига киради. Ҳуқуқий давлат самарали равишда фаолият кўрсатадиган жамиятда ҳамманинг қонун олдида ўзаро тенг бўлиши, ҳамда, ва энг асосийси, қонун устуворлиги принципи таъминланади. Бундай устуворлик, аввало, маънавиятнинг адолатпарварлик тамойили билан асосланади. Бунинг замирида бўлса ишонч, эътиқод, маънавий жавобгарлик, кафолат, ташаббускорлик ва ижодкорликка интилиш, фидойилик, давлат ва миллат равнақи учун курашда фаол иштирок этишнинг ниҳоятда юксак масъулияти ётади.

Юксак маънавият ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг уйғунлигини таъминлайдиган мезон Конституциянинг 13- моддасида ўзининг аксини топган энг олий кадрият ҳисобланмиш «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари» тўла кафолатланиши ва қонунлар билан ҳимоя қилинишидир. Ушбу моддада Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида дунё миқёсида эълон қилинган умуминсоний ҳуқуқлар энг олий кадрият даражасига кўтарилган. Маълумки, ушбу декларация инсонларнинг ажралмас ва дахлсиз ҳуқуқларини эълон қилиб, қуйидагиларни белгиллаган: «Барча одамлар эркин, кадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғилганлар» (1- модда); «Ҳар бир инсон яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир» (3- модда); «Ҳеч ким қулликда ёки қарамликда

сақланиши мумкин эмас, кулчилик ва кул савдосининг барча турлари тақиқланади» (4- модда)... Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 13- моддасида бўлса инсон ва унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларининг энг олий қадрият эканлиги конституций норма сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу қоида эса дунёга дoston бўлган диёримизнинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигидан яққол далолат беради.

Истиклол йилларида миллий ҳуқуқ тизимимизда 1000дан зиёд қонун, 16та кодекс, 30000га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигидан ўзингиз ҳам яхши хабардорсиз. Албатта, улар ҳаётимизнинг турли-туман жабҳаларини тегишли равишда тартибга солиб туради. Уларнинг барчасини муқаммал даражада билишнинг ўзи имкониятимиздан ўта ташқарида. Шу боисдан ҳам ҳар биримиз ўзимиз фаолият кўрсатаётган соҳага доир қонунчиликдан яхшигина бохабар бўлмоғимиз даркор. Масалан, кексалар, нурунийлар пенсия ва нафақалар таъминоти билан боғлиқ қонунчиликни ёш авлодларга нисбатан анчагина тузукроқ биладилар. Ёшлар бўлса барқамол авлод учун яратилган имкониятлардан бошқа табақаларга нисбатан яхши бохабарлар. Дунёга дoston диёримизда Конституция ва кодекслардан ташқари, бевосита ёшларга оид 24та қонун, Президентимизнинг 15та Фармони ва 11та Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 41та қарори, 32та идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган («Шарк зиёси» 17. 09. 2015 йил). Умуман, ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими 150дан зиёд қонун ҳужжатларидан ташкил топган.

Рақамлардан бир оз четланиб, юқорида муносабат билдираётган масалага тагин қайтсак. Маънавият ва ҳуқуқнинг ўзаро муштарақлиги жиҳатларидан яна бири ҳуқуқий имтиёзлар ва ахлоқий бурчларнинг қафолатланишидир. Кишиларнинг ҳуқуқий, ахлоқий онги инсоннинг маънавий ҳаётида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқ ҳам, ахлоқ ҳам доимо одамларнинг хатти-ҳаракати, фаолиятини бевосита бошқариб туради. Инсоннинг ҳалол-поклиги, ор-номуслилиги, ўзига нисбатан талабчанлиги, ўзгалар, жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиши каби фазилатлари ҳуқуқий маданиятнинг маънавий негизи ҳисобланади.

Ҳуқуқий маданият тушунчаси фақат қонунларни яхши билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У – мавжуд қонун-қоидаларга қатъий равишда амал қилиш ҳамда уларга сўзсиз ва кулоқ қоқмай бўйсунуш маданияти ҳам демакдир. Ҳуқуқий

маданият – одил судни чиндан ҳам хурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоялаш мақсадида судга муурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият – турли-туман тушунмовчиликлар ва можароларни адолатли тарзда ҳал қилиш жараёнида қонунга хилоф бўлган ҳар қандай адолатсиз кучлардан фойдаланишни мутлақо рад этиш ҳамда ундан қатъиян бош тортиш ҳам демакдир.

Таҳлиллар шуни шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликлар жуда кўп ҳолларда дунёқараши ҳамда онги эндигина шаклланаётган ёшлар томонидан содир этилади. Ҳуқуқий тарбиянинг мукамал эмаслиги уларни нотўғри йўللарга, сўқмоқларга, жин кўчаларга, кўп ҳолларда бўлса жиноятнинг кенг кўчасига бошлаб кетиб қолиши ҳам мумкин. Шу маънода ҳуқуқий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш орқали шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний тарздаги манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бериб қўяётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш маҳаллий давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг узвий ҳамкорлигини талаб қилади. Сизга ҳам яхши маълумки, бугун Республикамиз аҳолисининг қарийб 40 фоизи 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизи бўлса 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу эса ўз-ўзидан ҳуқуқий таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ фаолиятни янада кучайтиришни кескин тарзда тақозо қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда юридик таълим муассасалари фаолияти қайта кўриб чиқилди ва таълимнинг барча босқичида ҳуқуқнинг янги соҳаларини ўқитиш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан халқаро, хусусий, солиқ, божхона, рақобат, тадбиркорлик, инвестиция, ижара ҳуқуқи, интеллектуал мулк ҳуқуқи шартнома ҳуқуқи сингари фанлар ҳам дастурга киритилди.

Таълим-тарбия муассасалари, турли тадбиркорлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ўртасидаги ўтказилган социологик тадқиқотларда қатнашганларнинг 95 фоизи «ҳар доим қонунга риоя қилиш керак!», деб таъкидлаган бўлса, 87 фоизи Конституциямизда белгилаб қўйилган ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билади, 85 фоиз ёшлар ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда адолатга ҳамда ҳуқуқларини тиклашга эришиш мумкинлигига ҳақиқатан ҳам ишонади («Инсон ва қонун» газетаси, 2015 йилнинг 10 феввали). Эътиборингизга ҳавола этилган рақамлар «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик» деган ўта

ҳаётий хулосанинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ мушоҳада қилишга барчамизни тинимсиз равишда ундаб туради.

Даврнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ахборотни интернет тармоғи воситасида етказиб бериш амалиёти йўлга қўйилди. «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси» – «LexUZ»нинг яратилгани юртимиздаги аҳолига ҳуқуқий мазмундаги ахборотни етказиб бериш борасидаги ишларни янада жонлантириб юборганди. Ўзбек ва рус тилларидаги 36 мингта яқин ҳужжат жамланган ушбу базадан рўйхатдан ўтган фойдаланувчи сони 49 мингтани ташкил этган бўлса, бир кунда эса 10 мингдан зиёд юридик ва жимоний шахслар бепул фойдаланмоқда. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат бирлашмаларининг интернетдаги турли сайтлари орқали ҳам ҳуқуқий ахборот ва маълумотлар етказиш амалиёти йўлга қўйилгани бу борадаги тарғибот фаолиятини сифат жиҳатидан янада яхшилаш ҳамда аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш имконини берди.

Шу билан бирга ҳозирги даврда мамлакатимизда ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган 5та журнал ва 40тага яқин газета кўп минг нусхада чоп этилмоқда. Ўтган давр мобайнида Конституция, қонунлар ҳамда халқаро ҳуқуқнинг нормаларини шарҳлашга қаратилган жами 342 мингдан ортиқ дарслик, қўлланмалар ва оммабоп юридик адабиётлар нашр этилди. Президентимиз таъбири билан айтганда: «... саховатли Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ҳамда кўзда тутилаётган барча ислохотлар, авваламбор, унинг манфаатлари, оиласи, фарзандларининг келажаги учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши гоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни яна юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз, фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган гоятда муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, онги, тафаккури, эътиқоди ўта мустақкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугунги ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз жуда яхши англаб олганига ишонаман. Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш бизлар барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболаға бўлмайди».

Демак, аҳоли орасида амалга оширилган ниҳоятда кенг қамровли тадбирлар натижасида бу борада анчагина ижобий сиёжишларга ҳам, ҳуқуқбузарликлар, жиноятчиликни камайтиришга маълум даражада эришдик, дея олишимизга керакли, етарли асосларимиз ҳам мавжуд.

Шу ўринда кейинги даврда ғоятда кенг қўлланилаётган ҳуқуқий тафаккур атамасига ҳам қисқача изоҳ бериш зарурияти туғилмоқда. Ҳуқуқий тафаккурнинг асосини ҳаққоний юридик билим, жамиятда ҳуқуқий воситалар орқали ҳал қилинаётган турли-туман вазифаларни назарий англаган ҳолда тушуниш ташкил этади. Миллий истиқлол ва ислохотлар даврида ҳуқуқнинг тобора инсон ҳаёти ва фаолиятининг узвий қисмига айланиб бориши ҳуқуқ ҳодисасини янги даражадаги тафаккур мавзусига айлантиришда тўпланган билимлар ва ахборотни умумлаштириш ва тизимлаштиришга катта эҳтиёж туғилди. Ҳуқуқий тафаккур ҳуқуқнинг ижодкорлиги босқичидан то ҳуқуқнинг амалдаги ҳаракати, унинг ҳар бир ҳуқуқий муносабат иштирокчиси фаолиятида ва хатти-ҳаракатида мужассамланишига қадар сингиб боради...

Бугунги кунда диёримиз сарҳадларининг қўриқчиси замонавий ҳарбий билим ва қурол-яроғ, эл-юрт қорнини тўйдириш ташвишидаги бободехқон замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, сопи мустаҳкам, тиғи ўткир кетмон ва зироатчилик идми билан қуроллангани сингари барчамиз ҳуқуқий билимлар ҳамда ҳуқуқий маданият билан жиддий равишда қуролланмоғимиз даркор. Бу ғоятда қудратли қурол, атом ва ядро қуролидан минглаб марта кучли билим – тафаккур, маънавият ва маърифат, янада аниқроғи, «Жаҳолатга қарши – маърифат!», деган шиорга асосланган буюк сўз қуролидир. Сўзнинг қуроли ҳақиқатан ҳам ҳақиқий қуролнинг сўзидан миллион марта кучлироқ эканлигини демократиянинг катта йўлидан бораётган 80дан зиёд мамлакатнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб олганликларини ўзингиз ҳам Ғарб мамлакатлари киноижодкорлари яратган бадиий фильмларини кўрпачага ястаниб олиб, мириқиб томоша қилиб, телевизорда кўриб, радиода роса тинглаб, китоб, газета-журналлар мутолаа қилиб жуда яхши англаб, билиб олганингизни биз ҳам яхши биламиз.

Оила, мактаб, коллеж, олий ўқув юрларида **Ҳуқуқ фалсафаси** тамойиллари асосида таълим-тарбия олган Ғарб давлатлари кишиси ўзининг ғурур-ифтихори, ор-номуси, шаъну шарафини, энг аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлигига бўлган муносабатда кўради. Сиз унинг номини росаям кўкларга кўтариб, ялтоқланиб мақтамаслигингиз, етти нуқтада кўкларга кўтариб, ялтоқланиб мақтамаслигингиз, етти нуқтада кўкларга кўтариб, ялтоқланиб мақтамаслигингиз ёки шоҳона дастурхон безаб,

Ўзингизнинг юксак ҳурмат-эҳтиромингизни меҳмондўстлик воситаси ила билдирмаслигингиз ҳам мумкин. Лекин, унинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларини жудаям ҳурмат қилишингиз шарт! Чунки, у ҳуқуқий фалсафа, ҳуқуқий кадриятлар асосида вояга етган, болалигиданок «ўз ҳуқуқингизни англасангизгина, ҳақиқий фаровон ҳаёт кечирадиган инсон бўласан» деган ниҳоятда муҳим тамойилга амал қилиб яшаб келган. Уларнинг кўзга кўринмас қудратли ҳуқуқий қуроли борлигини ғоятда яхши англаган, аввалдан биладиган полициячи ёки бирорта зўравон, безори резина таёғи ёхуд муштини минг марта ўйлаб ишга солади ёки жараён оқибатни олдиндан билгани учун, умуман солмай қўя қолади.

Энди, муқояса учун, Шўроларнинг тотал ҳукмронлиги даврида бизнинг ўзимиз бошдан кечирган ҳаётни кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, у шароитда ҳукмрон мафкура ҳуқуқни англашни эмас, балки зулм ва адолатсизликнинг миқёсини англашни фаолиятининг манбаи деб тушунар эди. Яъни, одам қанчалик кўпроқ кўрқса ҳамда ваҳимага тушса шунчалик даражада ҳалолроқ меҳнат қилади, деган нотўғри ва зарарли қараш ушбу экстремистик, тоталитар идеологиянинг асосини ташкил этади. Ҳокимият эса юридик жиҳатдан гарчи, халққа тегишли бўлса-да, аслида у ўша замондаги мавжуд қонунларга мутлақо хилоф равишда партиявий-буйруқбозлик гуруҳлари томонидан зўравонлик билан тортиб олинган. Ғоятда улкан шўролар мамлакатини, амалда қонунлардан ҳам баландроқ мавқега кўтарилиб қолган, экстремистик идеологияга гўёки канадек ёпишиб олган коммунистик партия давлат террорининг ниҳоятда қўрқинчли қатағони воситасида бошқарарди.

Файласуф Шри Ауробиндо бу масала хусусида шундай ёзганди: «Биз давлатнинг шахсни ушбу шахснинг манфаатлари йўлида эзиш ҳуқуқига эгалликни даъво қилиши борасида ушбу фикрни айтишимиз лозимки, бундай даъволар, давлат тузумидан қатъи назар, ҳеч қандай асосларга эга эмас. Қалбакилик эса гўёки давлат ўзини ташкил этувчи индивидуумлар устидан устуворликка эга ва бу мустабид имтиёзни ўзи ва инсониятнинг энг юксак орзуларига зарар етказмай ҳеч қандай жазосиз ўзлаштириб олиши мумкин, деган асосий ғоянинг ўзидадир».

Шўролар мамлакатадаги ижтимоий ҳаёт эса, давлатнинг расмий мафкураси даражасигача кўтарилиб олган яқкаю ягона коммунистик мафкуранинг пойдевори асосида жуда секинлик билан ривожланарди баъзида бўлса турғунликнинг ботқоғига ҳам тушиб қоларди. Ғоятда улкан мамлакатда тафаккур, мулоҳаза, фикрларнинг эркинлиги йўқ эди. Ушбу яқка ҳукмрон мафкуранинг жуда сохта, сунъий қоидалари

тўғрисида, озгина бўлса-да, гумонсираш, шубҳаланиш идеологиядан «ўнг» ёки «сўл»га оғиш, ревизионизм сифатида қаралар ва «одилона ва оқилона» социалистик тузумга нисбатан кўрнамаклик, нонкўрлик, ҳаддан ташқари душманлик ва ашаддий хиёнатдан бошқа ҳеч нарса эмас деб баҳоланарди. Керакли «чора-тадбирлар» ҳам кўриларди...

Бу замонда ҳар қандай шахснинг энг асосий фуқаролик бурчи давлат манфаатлари учун ўзини сира ҳам аямасдан, қурбон қилишдан иборат эди. Эркинлик, ҳуқуқ масалалари эса амалда кун тартибидан кераксиз бир матоҳ ва чиқинди сингари бутунлай олиб ташланганди. Аслида эркинлик ҳам, мустақиллик ҳам ўзининг ҳуқуқини англашдан бошланади. Демак, бугунги кунда бизларда ҳам жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг ҳуқуқлари, ўзининг бурчи ҳамда масъулиятини пухта билмас экан ва уни ҳаётини эҳтиёж, зарурият сифатида англамас экан ислоҳот, янгиланишлар, модернизация ҳақидаги барча сўзларимиз, хатти-ҳаракатларимиз, турган гап-ки, бесамар кетаверади.

Шу боисдан ҳам Асосий қонунимизга Шўролар давридагидан мутлақо ўзгача ва мутлақо янги 12- модда киритилган. Унга биноан, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Бош қонунимизнинг бу моддасидан яққол кўриниб турибдики, мустақил Ўзбекистон Республикасида ягона мафкура, ягона турдаги дунёқарашнинг яққаҳокимлигидан мутлақо воз кечиш, бош тортиш, сиёсий партиялар, мафкуралар ҳамда фикрларнинг хилма-хиллиги конституциявий йўл билан эътироф этилган. Мазкур конституциявий қоида барчамизнинг олдимизга Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш вазифасини ғоятда долзарб масала қилиб қўяди. Миллий ғоя элнинг азалий ва қадимий миллий анъаналари, удумлари, урф-одатлари, маросимлари, миллий руҳиятига асосланиб, буюк келажкка ўта қатъий ишонч, меҳр-оқибат, имон, инсоф, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга ва қалбимизга сингдиришга тинимсиз равишда хизмат қилмоғи лозимлигини бўлса зинҳор унутмаслигимиз даркор...

ОТАМЕРОС ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўн йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ҳамда талаблари амалдаги ҳаётимизда ўзининг кучини кўрсатмаса, ушбу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди.

Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда».

Тўғри, давлат бутун жамият ҳаёти миқёсида ижтимоий адолатни ўрнатмоғи даркор. Лекин, фуқароларимиз ҳам, «кучли, қудратли ва буюқ давлатимиз бор-ку, у бизнинг фаровон ҳаётимизни таъминлаб бериши даркор!», дея барча муаммолар ечимини давлат органлари зиммасига юклаб қўйиб, ёки «Худога солдим», дея бемалол шифтга тупуриб, диванда у ёқдан бу ёққа ағанаб телевизорда концерт томоша қилиб ётмасдан ўз ор-номуси ва кадри, ҳуқуқ ҳамда эркинлиги учун тинимсиз, барча қонуний воситаларга таянган ҳолда курашмоғи шарт.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойилининг қатъий равишда амал қилиши, авваламбор, жамиятнинг ўзига хос юраги ҳисобланмиш мустаҳкам оиладан бошланади. Чунки, оила ҳар қандай жамиятнинг негизи, пойдевори, юраги ҳисобланади. Оила, энг аввало, турмуш ва виждон қонунларининг асоси, пойдеворига қурилади. Оила ўзининг жудаям кўп минг йиллик мустаҳкам моддий ва маънавий таянчларига эга. Оилада, энг биринчи навбатда, шу жамият ҳаётининг демократик негизларга асос солинади, шахснинг эҳтиёжлари ҳамда қадриятлари шаклланади. Шу боисдан ҳам Ота Маконимиз – Ўзбекистонни улкан бир оила деб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини бўлса 32 миллиондан зиёдроқ аъзога эга бўлган улкан оиланинг ўзига хос бир ҳаёт қўлланмаси, дарслиги сифатида тушунмоғимиз даркор.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий принциплари Конституциямизнинг 17- моддасида ўзининг қонуний аксини топган. **Ташқи сиёсат** тушунчаси, одатда давлатнинг халқаро ишлардаги фаолиятининг умумий йўналишини ўз ичига олади.

Ислом Каримов ўта ҳақли тарзда таъкидлаганидек, «Биз ташқи сиёсатимизни шакллантиришда Конституциявий тамойилларга амал қилган ҳолда, энг аввало, ўз куч-қудратимизга, маънавиятимизга, кўп

авлодлар меҳнати билан яратилган халқимиз салоҳиятига таянамиз. Бу – ташқи муносабатларда очик, тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган барча қоидаларига риоя этиш демақдир».

Юртбошимизнинг 2015 йил «Ўзбекистон» НМИУда чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли жуда муҳим аҳамиятга молик китобида манфаатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий компаниялар билан қўшма корхоналар ташкил этиш, инвестициялар масалалари хусусида ҳам ҳам алоҳида эътиборга молик фикр-мулоҳазаларни билдирилган: «Айтиш керакки, инвестиция масаласи – бу жудаям нозик масала. Бу борада оддий, аини пайтда ечими ғоятда мураккаб бўлган саволлар устида чуқур ўйлаб иш олиб бориш лозим...

Бу дунё шундайки, бирорта мамлакат бошқа давлатга бекордан-бекорга, беғараз пул, маблағ бермайди. Аввало, ўзининг манфаатини кўзлайди. Айниқса, бизнес дегани шундай нозик бир соҳаки, фойда топишга кўзи етмайдиган одам ҳеч қачон бир жойга ўзининг пулини сарфламайди.

Ўзбекистон Республикаси ер ости ва ер усти бойлиқларининг улкан захираларига эга экани ҳаммага яхши маълум, Бунга кўз тикиб, харидор бўлганларнинг сони ҳам вақтида жуда кўп кўп эди. Лекин, Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқалардан шу жиҳати билан фарқ қилдики, бизга фақат маблағ эмас, бизга замонавий технология керак, деган принцип асосидаги (оқилона) сиёсатни олиб бордик. Хорижлик ҳамкорларимиз билан шу йўсинда музокараларни қилдик, отанг яхши, онанг яхши, деб уларни кўндириб, ниҳоятда замонавий корхоналарни юртимизга олиб келдик.

Мана энди, шундай оқилона сиёсат олиб борганимиз учун, ҳеч кимдан қарзимиз йўқ.

Биз хорижий компаниялар билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни чертиб-чертиб танлаймиз, шундан кейингина биргаликда ишни олиб борамиз...

Дунё бозори бугунги кунда тўлиқ бўлиб олинган. Бу бозорнинг эгалари кимлар эканини яхши биласиз. Улар ўз бозорига бегоналарни киритмайди, киритса ҳам жуда оғир шартларни кўяди. Дунё бозорига чиқишнинг энг маъқул йўли чет эллардаги энг йирик ҳамда нуфузли фирма ва компаниялар билан ҳамкорлик қилиб, қўшма корхоналарни тузиш ҳисобланади. Бизнес оламидаги энг катта муаммо нимада, деб

сўрасангиз, маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки уни сотиш, сотиш, яна бир бор сотиш, харидор топиш, деб айтган бўлардим. Айнан ўша қўшма корхоналар бизга ташки бозорга йўл очади ҳамда биз ишлаб чиқарган маҳсулотни сотишда қийналмаймиз»...

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳар турли муносабатлари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик, ҳеч қачон куч билан ўзгаларга сира таҳдид солмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, юзага келган барча низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига сира аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа норма ҳамда принципларига асосан қурилади.

Ўзбекистон Республикаси турлича ҳарбий-сиёсий иттифоқларда иштирок этмаслиги қонун даражасида ўта қатъий белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай давлатлараро тузилмалардан, агарда у ҳарбий-сиёсий иттифоққа айлангудек бўлса, ажралиб чиқиш ҳуқуқига эгадир. Халқаро ҳуқуқнинг бир неча нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатган. Халқаро ҳуқуқ нормаларига чиндан ҳам содиқлик эса Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан келиб чиқади... Бундан ташқари, Асосий қонун Муқаддимасида Ўзбекистон Республикаси «халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини» чиндан ҳам тан олиши, унга риоя қилиши ҳақидаги конституциявий норма белгилаб қўйилганлигини эса ўзингиз ҳам жуда яхши биласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фикрича, «Бизга узоқ ва яқин жойларда пайдо бўлаётган зиддият ҳамда муаммоларни қандай ечиш керак, деган масалада ҳозирги вақтда кўп гапирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда белгилаб, муҳраб қўйилган энг асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонлик, куч ишлатишга йўл қўймасликдир.

Юзага келадиган қарама-қаршилиқни ва низоларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегараларининг дахлсизлигини бузишга мутлақо йўл қўймасликдир. Ҳар қандай тўқнашув, ҳар қандай қарама-қаршилиқ, ҳар қандай зиддиятлар, энг авваламбор тинчлик, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этилиши керак. Мустақил давлатлар мустақиллигига зиён етказмаслик керак. Зўравонлик йўли билан, куч ишлатиб, ушбу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Агар уруш-жанжал бошланадиган бўлса, унинг охири кўринмасдан қолади.

Халкимиз хотиржам бўлаверсин – Ўзбекистон бундай бахслар, қарама-қаршилик, зиддиятлар, қон тўкишга қаратилган уринишларга асло қўшилмайди ҳамда бундай ҳаракатлар остонамизга етишига биз асло йўл қўймаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам етади, керак бўлса, ақлимиз ҳам етади, десам, ўйлайманки, одамларимиз менинг гапимни тўғри тушунади ва тўғри англайди»...

Бугунги кунда фақат Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини тинимсиз таърифлаш, тарғиб-ташвиқ этишнинг ўзи билангина узоққа бориб бўлмайди. Ҳозирги даврдаги ғоятда долзарб, энг буюк вазифа – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган асосий тамойилларни халкимиз ҳаётига тўла татбиқ этишдан иборат.

Ушбу ниҳоятда долзарб вазифани амалга ошириш жараёнидаги жуда катта тўсиқлар, турли-туман ғовлар ҳам етарли. Мушкулотнинг энг асосий сабабларидан бири ота-боболаримизнинг тўрт-беш авлод умри мобайнида коммунистик, экстремистик ақидалар ҳукмронлиги даврида ҳаддан ташқари қўрқитиб ва ваҳимага солиб тарбиялангани оқибатидир. Шўро тузуми тинимсиз равишда амалга ошириб келган каттиқ қатагон сиёсати таъсирида одамларнинг онги ҳамда қалбига қонунларга беҳурматлик, қонунларнинг талабларига унчалигам итоат қилмаслик, уларни чин дилдан бажармаслик сингари қатор салбий хусусиятлар, янада аниқроғи, иллатлар ўрнашиб қолган. Айрим бир катта ёшдаги одамларнинг онгида эски тузум асоратлари ҳанузгача бемалол яшаб келаётганлигига доир баъзи мисолларни бўлса ўзингиз ҳам бемалол келтира оласиз. Яъни, адолатли қонунларнинг асосида эмас, буйруқ даражасига кўтарилган коммунистик идеология асосида яшаш эмас, аслида бор-йўғи кун кечиришнинг жуда салбий таъсири, афсуски, XXI асрнинг ибтидосида ҳам ҳамон сезилиб турибди.

Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон» НМИУ томонидан 2015 йили чоп этилган «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» номли ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик китобида тагин ушбу масалага қайтиб шундай фикр билдирилган: «Демократиянинг ўзига хос кўплаб ижобий жиҳатлари бор, албатта. Лекин уни ҳам ўйинга айлантириб, катта минбарлардан туриб, «демократия, демократия» деб кўксига уриб гапириш, аслини олганда, халқ манфаатларини никоб қилиб, ўзининг манфаатларини кўзлашдан бошқа нарса эмаслигини ҳам кўп кўрганмиз.

Демократияни қандайдир догмага ва қотиб қолган ягона мезонга айлантириш, уни бошқа давлатларга, уларнинг миллий шароити ва

ўзига хослигини мутлақо ҳисобга олмасдан, умумий қоида сифатида тикиштириш – мутлақо нотўғри.

Биз шуни яхши англашимиз керакки, демократия ҳеч қачон бир хил шакл ёки мазмунда бўлмайди. Демократия дегани – бу ҳамиша ўзгариб турадиган ҳаёт тарзи ва жамият тизимининг ривожини билан узвий боғлиқ.

Демократия – инсон, жамият, давлат деган уч субъект ўзаро бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитиб, ва керак бўлса, назорат қилиб турадиган тизим демакдир. Бу ҳар қайси инсоннинг жамият билан, жамиятнинг эса давлат билан муносабатини, улар ўртасидаги мувозанатни англатади»

Ана шундай ниҳоятда мураккаб ва таҳликали шароитда ўзининг қадриятлари ҳамда ўзларига беминнат, сидқидилдан хизмат қилувчи бузғунчи ғояларини ўзга халқларнинг онги ва қалбига ахборот қуроли воситасида обдон сингдириб, уларни ўзининг сиёсий таъсири остига олишни, уларнинг табиий ресурсларига эса эгалик, ҳақиқий маънода хўжайинлик қилишни чиндан кўзлаётган айрим қудратли давлатлар томонидан демократияни экспорт қилишга тинимсиз равишдаги уринишлар ҳам жуда кўп бўлмоқда...

Маҳалла, аслида, минглаб йиллик буюк тарих сўқмоқларидан, унинг фаолиятига нисбатан ўта қаттиқ қаршиликлардан катта зиён-захмат чекмасдан, мардона ўтиб келаётган ҳақиқий демократиянинг анча кенг ва жуда ёруғ дарсхонаси ҳисобланади. Бу ерда ҳамма ҳар кимнинг аслида ким эканлигини ғоят яққол кўриб, жуда яхши билиб туради. Маҳалла жамиятда алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик буюк маскан. У ҳар қандай инсонни жамият билан бирга келишиб яшашга ўргатади ҳамда уни миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири толерантлик (бағрикенглик)нинг ўта қудратли руҳида тарбиялайди.

Россия Фанлар академиясининг Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти бўлим мудири Юлия Зубокнинг ҳақли равишда ёзишича: «Маҳалла анъаналарга ва замонавий жамиятни қуришга асосланган, айни чоғда ёшларга оид давлат сиёсатининг механизмларини жиддий равишда амалга ошириш орқали ғоят ижобий ютуқларга эришишни таъминлаётган Ўзбекистоннинг ўзига хос ноёб тажрибасидир. Кўплаб мамлакатларда ёшлар бикиклашмоқда, ёши катталарни ҳурмат қилиш йўқолмоқда, миллий маданий қадриятлардан ўзларини четга олаётти, авлодлар ўртасида узилиш кузатилаётир. Шу боисдан ҳам маънавий нуқтан назардан халқингиз ижобий ютуқларга эришмоқда, ёшларни

жамиятга ижтимоийлаштириш яхши таъминланаяпти. Маҳаллаларда ота-оналар, кекса кишилар ҳамда кўни-кўшниларнинг ҳурмати юкори бўлиб, ушбу тажрибани бошқа давлатлар ҳам ўрганиши жуда зарур».

Бизнинг давлатимиз томонидан ғоятда қатъий равишда ўрнатиб қўйилган миллий маънавиятимизга мос қонунларимиз билан бирга халқимизда қалб кўзи билан кўриладиган, миллат руҳиятига сингиб кетиб ниҳоятда сайқал топган, ёзилмаган – одат ҳуқуқига асосланган турмушимизнинг жуда қадим замонлардан буён амал қилиб келаётган азалий ва ажойиб қоидалари ҳам мавжудлигини ўзингиз жудаям яхши биласиз, уларга бўлса, сираям ўйлаб-нетиб ўтирмасдан амал қиласиз.

Айнан шу сабабга кўра Франция Миллий ассамблеяси депутати Тьерри Мариани катта ҳайрат, ҳавас билан шундай дейди: «Маҳалла халқингизнинг катта бойлиги. Бу гапни сира бежиз айтаётганим йўқ. Маҳалла институти фаолиятини жуда жиддий таҳлил қилиш асносида шундай хулосага келдим. Сизлар бирор-бир ғоят муҳим муаммоингиз бўлса, дарҳол маҳаллага чиқасиз. Маҳалла фаоллари бўлса бу борада сизга яқиндан ёрдам беради. Буни ёшлар тарбияси йўналишида олиб борилаётган ишлар мисолида янада ёрқин тасаввур қилиш мумкин. Бола мактабдан келгач, худуддаги фан ва спорт тўғарақларига жалб этилади, бўш вақтини мазмунли ўтказилади. Энг муҳими ёмон иллатлар таъсирига тушиб қолмайди. Шу мақсадда «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми ниҳоятда яхши йўлга қўйилгани, «Ота-оналар университетлари» ташкил этилгани менда ғоятда илиқ таассуротни қолдирди. Менингча, жамоатчилик кўз ўнгиде улғайган бола келажакда, албатта, яхши инсон бўлиб камолга етади. Маҳалла институтини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, керак бўлса, унинг илғор тажрибасини бутун дунёга кенг ёйиш жудаям зарур, деб ўйлайман».

Ёш авлодни чинакам катта ҳаётга йўллаш, улар учун муайян бир бошланғич нуқтани – ўзига хос старт позициясини яратиб беришга нисбатан бўлган муносабат дунёдаги турли этнослар турмуш тарзида, турган гап-ки, турли-тумандир. Ғарб дунёсидаги айрим халқларнинг менталитетида фарзандлари вояга етгач, ота-онаси, оиласини ташлаб, фақатгина ўзининг кучи билан мустақил равишда оёққа туриб олиш учун ота уйини тарк этиши одатий ҳолат ҳисобланади. Унинг ўзи ҳам кейинчалик оила қуриб, фарзандлар кўриб, болаларини катта қилгач – боласи ҳам, худди ота-онаси каби, авлодларнинг ворислигига деярли чек қўйган ҳолда, оиласини бутунлай ташлаб кетаверади.

Уларда ёши улуг, кексайган, жисмонан заифлашиб, фарзандига кўмак бера олмай қолган отаси ё онасини қариялар уйига топшириб юбориш ҳам мутлако уят ҳисобланмайди, аксинча, ота-онага бўлган меҳрибонликнинг энг юксак намунаси сифатида тараннум этилади.

Жаҳон Олимпия кўмитасининг собиқ раиси Жак Рогенинг жуда ибратли, одатда кўпчилигимиз эса унчалик ўйлаб ҳам ўтирмайдиган, фикр-мулоҳазаларига бутун диққат-эътиборимизни жиддийроқ тарзда қаратсак, ҳамма нарса яна ҳам ойдинлашган бўларди: «Очиғи, сизга гоятда ҳавас билан қараймиз. Чунки, сизларнинг интиладиган жудаям ҳам порлоқ келажагингиз бор. Афсуски, аксарият Ғарб ҳамда океан ортидаги мамлакатларнинг келажаги йўқ. У ерлардаги аҳолининг 70 – 80 фоизини кексалар ташкил қилади. Барча айб бизнинг ўзимизда... Сизларда бўлса аксинча – туғилиш, кўпайиш кўп. Сизлар эртанги кун умиди билан яшайсизлар. Фарзандларингизнинг соғлиғини ўйлаб, уч босқичли спорт мусобақалари тизимини яратганингиз ҳам худди шу – келажак тўғрисидаги орзу-ўйларингизнинг ёрқин ифодасидир».

Россия Фанлар академиясининг Ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти бош илмий ходими Владимир Чупровнинг фикрича, «Ғарб давлатларида, шу жумладан, бизда биқиқлик кучли бўлиб, бу жудаям кўп ҳолларда инсоннинг ёлғизланишига олиб келади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, киши биронта муаммога дуч келганида, уни фақат ўзи ҳал қилиши керак бўлади, унга ҳеч ким сира ёрдамга келмайди. Сизларда эса мутлақо бошқача, яъни ҳар бир инсоннинг яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ёнида турадиган одамлар – маҳалла фаоллари бор. Маҳалла биргина ана шу жиҳати билан ҳам ўрганишга муносиб».

Энди Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб ўтказилган жуда тантанали маросимдаги табрик сўзида ҳам айнан шу масала хусусида билдирилган фикрларни тагин бир бора ёдга олсак: «Халқимизнинг маънавиятини юксалтириш учун амалга ошираётган катта ишларимиз ўз ҳосилини бермоқда ва шу фурсатдан фойдаланиб, айтмоқчиман – бу соҳада эришган юксак марраларимиз билан биз ҳеч кимдан кам бўлмасдан, кўпгина манаман деган давлатлардан ўзиб кетганимизни энг муҳим ютуғимиз, деб ҳисоблайман.

Бир пайтлар билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали бироз орқадаирмиз. Лекин биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан сира қайтмасдан, жуда катъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи

назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас кучнинг ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтингчи, бундай халқни енгиб бўладими?»...

Бу дунёдаги кўпдан-кўп давлатлар эркин фуқаролик жамиятига асрлар давомида асраб-авайлаб тўпланган улкан тарихий тажриба ва демократик анъаналарни тинимсиз тарзда ривожлантира бориб, етиб келганлар. Биз бугунги кунда ана шундай, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, очиқ ташқи сиёсатга эга ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб қўйганмиз ҳамда истиқболли истиқлол тарихининг саҳифалари сатрларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрланган, бениҳоя улкан зафарли йиллари мобайнида айнан шу марра сари интилиб келмоқдамиз.

Асосий Қомусимиз том маънода, бутун мазмун-моҳияти билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига тўла-тўқис асосланганлигини халқаро экспертлар доимо таъкидлаб келадилар. Ҳақиқатан ҳам шундайлигини ўзимиз ҳам жуда яхши биламиз. Асосий қонунимизнинг баҳолашда ҳолис экспертлар, жумладан, Буюк Британия, Франция, БМТ, ЕХХТ сингари нуфузли давлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг жуда машҳур сиёсатшунос, ҳуқуқшунос олимлари ва вакиллари ўта фаоллик ила қатнашганлар. Ҳеч ким, ҳаттоки, энг ашаддий муҳолифлар ҳам Конституциямизнинг демократик моҳияти ва афзалликларини заррача бўлса-да, инкор эта олмадилар. Аслида эса, бунинг мутлақо иложсиз эканлигини «оламни маҳлиё айлаган диёр»имизнинг ашаддий ҳасадгўй ва ғанимларининг ўзлари ҳам ниҳоятда яхши биладилар.

Конституциямизнинг муҳим 18- моддасига биноан «Ўзбекистон Республикасидаги барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий принципларига мос бўлиши шарт».

Юридик жиҳатдан тенгликнинг энг асосий талаби – қонуннинг ҳамма учун амалда бир хилда бўлишидир. Қонун айрим кишиларнинг ўзига хос хусусиятларини, характерини, унга нималарнидир ёқиши ёки ёқмаслигини инобатга ололмайди. Жамиятда қонун фуқароларга

ҳуқуқ соҳасида алоҳида, ўзига хос имтиёзли мавқе яратиб бермаслиги ва, ўз навбатида, фуқаролар ҳам бунга даъво қилмасликлари лозим. Фуқароларнинг қонунлар олдидаги тенглиги принципили ҳаётга тўла жорий қилиш бутун жамиятнинг барча аъзоларининг ягона қонунлар тизимига, ҳеч бир эътирозсиз итоат этишлари, ҳуқуқий қоидаларга риоя қилишлари ва уларни иддаоларсиз бажаришлари ҳамда ҳар бир фуқаро қонунни бузишдан ўзини тийиши шартлигини англатади.

«Авлиёларнинг ҳам авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони» – Алишер Навоий жамиятдаги барча ёвузлик ҳамда қабохатлар инсон ҳуқуқларининг бузилишидан бошланади, деб ҳисоблаганди. Буюк шоира Анбар Отиннинг фикрига кўра ҳукмдор ҳуқуқни қарор топтирган жойда, барча одамлар осойишта, хотиржам яшайдилар. Шарқ оламининг улуғ ўғлони Низомий бўлса «оқ танли ҳам, қора танли ҳам шу заминнинг фарзандларидир», деган эзгулик ғоясини илгари сурганди. Буюк аждодларимизнинг улуғ орзулари эл-юртимизнинг истибдодга барҳам бериб ва истиқдолнинг истиқболли ибтидосидагина, «ўзбек модели»га асосланган тараққиётнинг бениҳоя кенг кўчасига чиқиб олганидан кейингина, «Улуғ халқ кудрати жўш урган замон»да Ўзбекистон Республикаси Конституциясида амалда ҳақиқий, том маънодаги қонун кучига эга бўлди.

Инсон ҳуқуқлари асосида, аввало, **инсон шахси** деб аталмиш энг олий қадрият туради. Одатда, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўзига хос шаклдаги уч бўғинга ажратилган ҳолда бир-биридан фаркланади:

фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар (яшаш ҳуқуқи, инсонни қийноққа солишнинг тақиқланиши, адолатли сайлов ҳуқуқи, хусусий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, фикрлар ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва ҳ.к.),

иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (билим олиш ҳуқуқи, меҳнат қилиш ҳамда дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи, тоза ичимлик сувига нисбатан бўлган ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.)

ва **учинчи бўғин ҳуқуқи** деб аталувчилар (тинчликка бўлган ҳуқуқ, ривожланишга, тараққиётга бўлган ҳуқуқ ва ҳ.к.).

Юқорида ҳам таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 18- моддасининг 2- қисмида «имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт»лиги алоҳида конституциявий норма сифатида қатъий равишда белгилаб қўйилган. Мазкур қоида Ўзбекистон қонунчилиқ

хужолатларининг бутун бир туркумида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга биноан эса фуқароларнинг фақатгина айрим бир қатламлари – нафақахўр (пенсионер)лар, ногиронлар, хотин-қизлар, болалар, уруш, меҳнат фахрийлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимларига фақатгина Қонунга мувофиқ бирор-бир имтиёзлар берилиши мумкин. Кўрсатилган барча имтиёзлар эса, турган гап-ки, ижтимоий адолат ва қонун олдидаги ўзаро тенглик принциплари асосидагина берилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 39- моддасига кўра «Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга...»

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг биринчи навбатда, турли-туман сабабларга кўра, ўз турмушини таъминлай олмайдиган фуқаролар (кексалар ва ногиронлар, оила боқувчисини йўқотганлар, вақтинча ёхуд доимий ишсизлар, ёлғизлар ва бошқалар) учун бундай ижтимоий таъминотни ҳам тўла-тўқис жихатдан қафолатлайди.

Фуқароларнинг Конституциямиз, қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни давлат ташкилотлари томонидан таъминланишига ёрдам берадиган ҳамда қўмақлашадиган барча воситалар, усуллар ҳамда ҳамма шарт-шароитларнинг мажмуи қафолат тушунчасини беради. Қафолатлашнинг энг асосий мақсади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман тўсик, ғовларни тўла-тўқис бартараф этиш масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг амалда бажарилишини таъминлашдан иборат. Умуман олганимизда эса, «қафолат» атамасининг луғавий маъноси бу – барча масъулият, жавобгарликни ўзининг зиммасига олган ҳолда кимнидир нимагадир ишонтириш, таъминлашни аниқлашишни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

Конституциянинг 45- моддасида юқорида келтирилган бунёдкор ғоя янада аниқ-равшан ифодаланган. Унга кўра, «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир».

Мазкур моддада вояга етмаган ёшлар ва турли сабабларга кўра меҳнатга лаёқатсизлар ҳамда боқувчиси бўлмаган ёлғиз кексаларнинг давлат томонидан ижтимоий жихатдан ҳимояланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилганлигини ўзингиз ҳам яхши англайсиз. Ушбу модда мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг ниҳоятда инсонпарварлигини кўрсатади. Юқорида номлари қайд этилган барча тоифалар аксарият ҳуқуқлари

давлатимизнинг асл ҳимоясида эканлигини фақатгина Конституцияда қайд этишнинг ўзи билан чекланиб қолинмаганлигини катта ёшдаги фуқаролар ниҳоятда яхши биладилар. Бунга бўлса «Фуқароларнинг пенсия таъминоти», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ижтимоий таъминот тўғрисида», «Бандлик тўғрисида» каби бир қатор ниҳоятда муҳим аҳамият касб этувчи қонунларнинг қабул қилиниши ҳам яққол далил бўла олади.

1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон Декларацияси»да белгилаб қўйилган барча қоида, моддалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўзининг яққол аксини топган. Халқаро ҳамда миллий ҳужжатларни ниҳоятда диққат билан ўзаро таққослаб ўқиган, ўқиганини ҳақиқатан уққан ҳамда унинг мазмун-моҳиятини билган ҳар бир кишининг ўзи бунга яққол амин бўлиши ҳам мумкин.

Лекин, энг асосий масала бошқа ёқда. Яна ўша тахтаси, пахтаси, кўмири, темири, ғалласи, тилласи йўғ-у, лекин калласи жудаям яхши ишлайдиган японларнинг «Биз аввал миямизни тўйдирайлик, мия эса қоринни тўйдиради» деган машхур ҳикматини эслашга тўғри келади. Улар «Билимсиз япон япон эмас!», қўшнилари корейслар бўлса «Биз япондан кам эмасмиз!» деган шиорга таяниб, иқтисодий тараккиёт соҳасида жуда «катта сакраш»ни амалга оширдилар. Биз эса айнан шу соҳада бироз бўлса-да, оқсаб қоляпмиз. Очиғини айтганда, ҳаммамиз ҳам нима учун халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги нисбатан паст, нима учун айрим кишилар ўзларининг ҳуқуқларини билмайдилар, нима учун давлат қонунларини ҳаётга тўла татбиқ этишда муаммолар кўп деган масалалар ҳақида унчалик ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Ҳали ҳам ёшларнинг, айниқса, катталарнинг ҳуқуқий тарбиясига етарли даражада эътибор бермаяпмиз. Инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят содир қилганида ёки қонунни буза бошлагандагина «уни ўша лаънати шайтон йўлдан уриб, билмасдан, кайфликда ёхуд бошқа сабаблар билан» қилиб қўйган ҳуқуқбузарликларининг ғоятда оғир оқибатлари билан «ниҳоятда муваффақиятли равишда» кураша бошлаймиз. Кураш эса, аслида воқеа, ходиса, қилмишнинг оқибатига эмас, унинг асл сабаблари, ҳуқуқбузарликлар, жиноятнинг илдизига қарши қаратилмоғи даркор. Президентнинг фикрича «Одамларимизда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига (ҳам) олиб келмоқда. Очиғини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз

берган ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни (старли даражада) ҳимоя қила олмаймиз».

Бугунги жамиятимизда баъзи анъаналар (одат ҳуқуқи) қонунга нисбатан, яъни ёзилмаган қонунлар бевосита ёзиб қўйилганларига, қатъий равишда белгиланиб, эл-юртга ошқора эълон қилинганларига нисбатан анча устунроқ, кучлироқ эканлиги ҳам унчалик сир эмас.

Ғарб мамлакатлари дунёси асосан қонунлар, Шарқ олами бўлса аксарият ҳолларда урф-одатлар, анъаналарга асосан яшаётганлигини дунё аҳли ҳам ғоятда яхши билади. Авом халқнинг қонунга, фармон, фармойишлар, қарорларга эмас, халқона аввалги анъаналарга кўпроқ бўйсуняётганлиги бизни шу анъаналар шакл-шамойили ва уларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятига, бугунги ғоятда тезкор даврнинг нуқтаи назаридан янада теранроқ назар ташлаш, илмий-амалий изланишлар ва тадқиқотларни амалга оширишга мажбур этмоғи даркор.

Демократик жамият ўзининг туб мазмун-моҳияти билан ақл ва тафаккурнинг улуғ салтанати устига қуриладиган, шахс ҳуқуқ ҳамда эркинлиги, хусусий мулк дахлсизлиги шак-шубҳасиз равишда қарор топадиган инсоний жамиятдир, фуқаролик жамиятидир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги тўсиқлар ҳамда ғовлар эса сон-саноксиз. Ҳаётимизда бениҳоя мустаҳкам равишда ўрнашиб қолган ва ўтмиш замонлардан янгиликларни босиб-янчиб, ғолибона ўтиб келаётган анъаналарнинг баъзилари (барча турдаги тўйлар, оиладаги аёлнинг мутелиги ва ўғил болаларнинг эса ўз-ўзига хизмат қилишга анча ноқобиллиги қабилар) айнан шулар жумласидандир. Жуда катта қарзларга ботиш ҳисобига ниҳоятда дабдабали тўйларни қилиш, фарзандларимизга ўз келажаги, тақдирини ўзи белгилаши учун имкон бермаслик, юқоридаги сингари анъаналарни жуда идеаллаштириш, уларга кўр-кўрона сизгиниш каби иллатлар соғлом ақл ҳамда мантиққа мутлақо қарама-қарши ҳолатлар ҳисобланишини аксарият кишилар ниҳоятда яхши биладилар.

Президентимизнинг жуда ҳам куйиниб билдирган, ўта ҳаққоний фикрича, «ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, (энг асосийси) даромадига тўғри келмайдиган, балки унга (жуда катта) зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Очиқ айтишим керак, биз дўппимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий кадрятларимизнинг мағзини чақсақ, бу ортиқча даҳмазалар одамларимиз елкасига машаққатли бир

юк, аниқроқ айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисмини ёшларнинг ҳақиқий (асл) эҳтиёжига, оила юмушларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда эса, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф этсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди».

Айрим ота-оналарнинг ўз фарзандларга гўёки «қулдек» хизмат қилиши ва улардан ҳам худди шундай «қулликни» талаб этиши эса шахс эркинлигига, умуман, демократик тараққиётга бутунлай зиддир, чунки демократия моҳиятан итоаткорлик ва қулликни мутлақо инкор этади. Мустақиллик – бу, энг аввало, ҳуқуқ ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай халқ ҳамда жамиятнинг ўзининг кучи ва қудратига суяниб, ажодларининг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир. Миллий истиқлолнинг ўтган 25 йиллик даврининг энг муҳим сиёсий сабоғи айнан шундан иборатки, «Оламни махлиё айлаган диёр»мизда «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон»да ҳамма жихатдан мустақил, «Ажодлар мардона руҳи» уларга ёр бўлган мард, тадбиркор, жасур шахслар нечоғлик кўп бўлса, ҳуқуқий демократия ҳамда етук сиёсий муносабатлар учун шунчалик мустаҳкам шарт-шароит юзага келади.

Президентимизнинг ҳаққоний фикрича, «Янги мафқуранинг асл мазмуни янгича фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи (бўлган) мустақил инсонларни тарбиялашдир. Янгича фикрлайдиган фозил инсон, энг аввало, фуқаролик бурчини тўла ҳис этадиган шахс бўлиши даркор».

Бу ёруғ оламдаги тирикчилик жараёнида фақатгина кимнингдир етовида юришни, нукул биров иш буюрса, уни амалга оширишнигина орзу қиладиган ёш бола ҳам бўлмаса керак. Ҳатто эндигина тетапоя қилиб, зўрға атак-чечак қилиб юришни ўрганиб олган болақайни ҳам, унинг хоҳиш-истагини рад этиб, қўлидан ушлаб, ўзингиз белгилаган манзил томонга етаклашга уринсангиз, агар унинг тили чиққан бўлса, «қўйимни қўйвойинг, ўжим йуяман», дея хархаша қилади. Эркин, хур яшаш истагининг ўзи одамзоднинг қони ва руҳига ўз онасининг сути билан кирган. Бешикка беланган болани бир озгина ечиб қўйинг-чи, қандай қувониб яйрайди, нигоҳлари ҳам бирдан ўзгаради, қўлларини ёзиб кикирлай бошлайди. Лекин, қайтадан бешикка белаб қўйгудек

«жудаям ёркин» кўриниши ҳисобланади. Тараққиётга эришмоқликни кўзлаган жамият ўз аъзоларнинг фикрий жиҳатдан ранг-баранглигига доимий равишда интилади. Хилма-хил, ҳаттоки бир-бирини мутлақо инкор қиладиган қарашларни ўзаро чоғиштириш ва жиддий саралаш орқалигина тараққиётга хизмат қиладиган оқилона, одилона тўхтамга келиш мумкин. Бундай ҳолатлар билан боғлиқ ибратли мисолларни эса ўзингиз керагича, ҳатто керагидан ортигини ҳам келтира оласиз.

Фикрлаш фақатгина ўша инсоннинг миясига тегишли мантикий-физиологик фаолиятгина эмас, шу билан бирга ҳиссиётга чамбарчас боғлиқ руҳий жараён бўлгани сабабли одам фикрлашга одатланиши ёхуд сира одатланмаслиги ҳам мумкин. Демак, мустақил фикрловчи шахслар янада кўпайишини истаган жамият, авваламбор, ўзи фикрлар хилма-хиллигига кўникади. Бунда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Ривожланган мамлакатларда эса уларнинг тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиб олишига худди ана шу фикрларнинг хилма-хиллигини, яъни плюрализмни таъминлаши сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 64- моддасига кўра «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради».

Фарзандларни боқиш дейилганида, уларнинг чақалоқлиги ёки гўдақлигида, Африканинг айрим бир ниҳоятда қашшоқ давлатларида бугун одатий ҳолатга кириб қолгани сингари, минглаб болаларнинг очликдан ўлиб кетиши, шунчаки кун кўриши эмас, аксинча бахтли бўлиш учун хотиржам том маънода яшаши, баркамол авлод сифатида ўсиб-улғайиши ва келажакда жамият, давлат учун фойдали ишларни амалга ошириши учун озик-овқат билан таъминлаш тушунилади.

Моддий таъминот бўлса ўз таркибига еб-ичишдан ташқарида бўладиган турли-туман харажатлар: кийим-кечак, яшаш учун уй-жой, иқтисодий маънодаги бениҳоя кенг тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Шуни ҳам қайд этиш даркорки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари болалар билан бўлган ҳуқуқий муносабатларда ота ёки онанинг устунлик ҳуқуқини олдиндан белгилаб қўймайди.

Ота-оналар ўзининг зиммасига давлат ҳамда жамият томонидан юклатилган конституцион мажбуриятни бажаришдан ва турли-туман бахоналарни рўқач қилган ҳолда, бош тортиб, фарзандига қарамаса,

боқмаса, моддий жиҳатдан таъминламаса ва ташлаб, жиноят йўлига кириб, каерларгадир бебошларча қочиб кетгудек бўлса, бурчларини бажармаса, мавжуд қонунларга кўра оталик ва оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилишлари мумкин. Ўз-ўзидан турган гап-ки, оталик-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар, янада аниқроғи кимсаларнинг ўзлари кейинчалик, ўзлари дунёга келтирган, лекин «боқиш ҳамда тарбиялаш»дан ихтиёрий равишда воз кечган, собиқ фарзандларидан нафақа олиш ҳуқуқидан ҳам қонуний равишда маҳрум бўладилар. Лекин, ўзбекчиликнинг оқ қоғозга қора қалам билан ёзиб қўйилмаган энг буёқ инсонийлик қонунларига биноан, Меҳрибонлик уйларида давлат ва жамият томонидан боқилган ҳамда таълим-тарбия берилган мургак болаларнинг вояга етиб, қўлидан анча-мунча ишлар келадиган даражага етганларидан сўнг, ўзларининг «Худо қаргаган» кексайган ота-оналарини излаб, қидириб топиб, амалдаги қонун бўйича мажбур бўлмасалар-да, уларга чин дилдан ғамхўрлик қилганликлари билан боғлиқ айрим мисолларни ўзингиз ҳам бемалол келтира оласиз.

Оилада фарзандлар таълим-тарбиясини жуда тўғри йўлга қўйиш, уларни умуминсоний кадриятлар ҳамда ахлоқ-одоб нормалари руҳида тарбиялаш эр-хотиннинг гоят муҳим шахсий ҳуқуқ ва вазифаларидан ҳисобланади. Ўз навбатида, юқорида моҳиятан қайд этганимиз, 66-моддага биноан, «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Болаларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан бевосита боғлиқ бурч ва мажбуриятлари қадим-қадимдан уларнинг, қонунлар билан махсус белгилаб қўйилмаган, у ўзига хос ахлоқий, инсонийлик мажбурияти ҳисобланган. Мустақил Республикамизнинг демократик тараққиёт ва фаровонлигининг чин қафолати бўлмиш амалдаги Конституциясини қабул қилиш билан ўзбек фарзандларининг ушбу ахлоқий, инсоний мажбурияти энди амалда Конституциявий мажбуриятга айланди.

Оилани мустақамлашнинг яхши гарови бўлган, қонунчиликка истиклол йилларида кириб келган никоҳ шартномаси масаласида ҳам айрим бир мулоҳазаларни баён этиш ва эътиборингизга ҳавола қилиш зарурияти мавжудга ўхшайди. Чунки, жойлардаги турли ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар пайтида никоҳ олдидан ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтиши ҳамда никоҳ шартномаси муаммосига доир берилаётган саволларга бот-бот дуч келмоқдамиз...

– Қандай шартнома? – тўй арафасидаги ширин ташвишлардан нақ еттинчи осмонда юрган қиз – бўлажак келиннинг ранги кув ўчди.

– Никоҳ шарномаси тузамиз, – такрорлади йигит – бўлажак куёв ва унинг мазмун-моҳиятини яхшилаб тушунтирди. Қиз эса шартнома ҳақидаги «янгилик»ни ота-онасига, улар ўз навбатида маслаҳат сўрар яқинларига етказишди. Ҳамма жуда даргазаб бўлди. Куёв нима учун турмуш қуряпти ўзи? Ҳалитдан ёмон ният қиляптими? Мол-мулкни ўзининг бўлажак жуфти ҳалолига раво кўрмокчи эмасми?

Мол-мулк ҳақидаги гапларда асос бор – йигит ўттиздан ошган, барқарор бизнесини йўлга қўйган ва анча-мунчагина кўчмас мулкка эга эди. Йигит ҳам ўзининг гапида қатъий туриб олди – оилага енгил қарайдиган бир худбин аёлнинг эрининг мол-мулкни роса таллашиб, қандай талон-тарож қилганини жуда яқин дўстининг ҳаётида кўрган ҳамда бу кўргилик ўзининг бошидан ҳам кечишини асло истамасди.

Никоҳ шартномаси ҳақида икки томоннинг фикри бир жойдан чиқмади. Уни тузишдан ғараз, ёмон ният йўқлигини тушунтиргунча йигит ҳам анча куйиб-пишди. Ҳартигул, унинг «тарғибот-ташвиқоти» бесамар кетмади, тўй арафасидагина никоҳ шартномаси тузилди. Сал қолди қудалар орасидан ола ва қора мушукларнинг ўтиб кетишига, «нима ўзи бу никоҳ шартномаси?», дейишди айрим қариндошлар.

«Никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ҳамда хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси деб аталади» (Оила кодексининг 29- моддаси). У ёзма шаклда тузилади ҳамда нотариал тартибда тасдиқланади. Бирор шартномасиз ҳам эр ва хотин зиммасидаги вазифаларни шундок ҳам бажараверади-ку, мулкий муносабатларни бўлса келишган ҳолда ҳал қилса, бўлади-ку, дейишга сираям, зинҳор шошилмаслигимиз даркор.

Никоҳ шартномаси бир неча минг йиллик тарихга эга. Қадимги Сўғд, Юнонистон ва Римда эр-хотин турмуш қуришдан олдин мол-мулкни тақсимлаш, мерос қолдириш ҳақида битимни тузишган. Ўша замон одамлари буни ҳеч айб санашмаган. Европада XIX аср охирига қадар хотиннинг мулки, ҳаттоки у никоҳдан олдин мавжуд бўлса ҳам, тўла эрга тегишли бўлган. 1882 йилда Британия парламенти турмуш қураётган аёлларнинг ўзининг капиталини ўзи бошқариши ҳақидаги қонунни қабул қилганди. Собиқ Шўролар иттифоқи таркибида бўлган барча давлатларда никоҳ шартномаси нисбатан янги тушунча. Шўро даврида эр-хотиннинг маиший эҳтиёж буюмлардан бошқа мулки йўқ эди. Ҳаётимизга бозор иқтисодиёти кириб келиши туфайли одамлар анча бойиди, мулкка эга бўлди, турли шаклдаги корхоналар эгасига

айланди. Амал қилаётганига ўн йилдан ошганига қарамасдан, никоҳ шартномаси институтининг ҳали унча оммалашмагани сабабларини қуйидагича изохлаш ҳам мумкин. Биринчиси, ўзбекона андиша бўлса, иккинчиси эса, биздаги ёшларнинг анчагина эрта турмуш қуришлари билан боғлиқ. Бу пайтда уларнинг кўпчилиги ота-онаси қарамоғида, тадбиркор сифатида ўзининг мулки ҳали шаклланмаган бўлади.

Нима бўлганида ҳам айрим мутахассислар қуйидаги ҳолатларда никоҳ шартномасини тузиш зарар қилмаслигини таъкидлайдилар:

– бўлиниб кетиши натижасида анча азият етадиган ва молиявий жиҳатдан катта зарар кўрадиган хусусий бизнесга эга бўлсангиз;

– никоҳингизда туғиладиган болаларингизни моддий жиҳатдан мунтазам равишда таъминлашни истасангиз;

– адвокатнинг хизматлари ва суддаги оворагарчиликлар никоҳ шартномасидан кўра қимматроққа тушиши, олтиндан ҳам кадрлироқ бўлган вақтингизни роса исроф қилишини яхши тушунсангиз;

– никоҳ бекор қилинаётганида, мол-мулк тақсимланиши пайтида ўзингизнинг жудаям ҳаётий асабларингизни асрамоқчи бўлсангиз;

– сиз аёл бўлсангиз ҳамда тўлалигича бизнесмен эрингизнинг моддий қарамоғида турсангиз;

– турмуш ўртоғингиз жуда жаддор, бошқаларга қўл кўтариши мумкинлиги муаммоси сизга ҳам яхшигина маълум бўлса;

– турмуш ўртоғингиз моддийёт, яъни мол-дунёга ҳаддан ташқари хирс кўйган ҳамда жудаям хасис киши бўлса...

Сирасини айтганда, келинг, бир яхшилаб фикр-мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ўша никоҳ – бахт тўйдан олдин қуда-андалар, ўзингизга ҳам жуда яхши маълумки, тўй-томоша учун сарф-харажатлар ҳамда келин-куёвнинг дастлабки ҳаётида керак бўладиган анжомларни ҳам ўзаро келишган ҳолатда қиладилар. Бу ҳам шартноманинг бир тури, у фақатгина нотариуснинг тасдиғидан ўтмаган, холос. Хўш, пешона тери билан қийналиб, заҳмат чекиб топилган бойлик ва мол-мулкни кейинги ҳаётда баҳамжиҳат тасарруф этиш ҳамда бошқариш ҳақида келишиб, давлат идорасида тасдиқдан ўтказиб олишнинг қандай ёмон жойи ёки айби бор? Аксинча, бу ҳақиқий ҳуқуқий қафолат эмасми?

Хулоса қиладиган бўлсак, никоҳ шартномаси жамиятнинг юраги бўлмиш янги оила мустақамлигининг гарови ҳисобланади. Айнан никоҳдаги мулк ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни ўзининг зиммасига олиб, имзо чекканидан кейин, ҳар икки тарафнинг ҳам оила, жамият, бўлажак фарзандлари олдидаги масъулияти янада ошиши табиий.

Никоҳ олдидан ёшларнинг тиббий кўриқдан ўтишиям дастлабки даврда турли-туман муҳокамалар, гап-сўзларга сабаб ҳам бўлган эди. Соппа-соғ бўлсам, нима сабабдан тиббий текширувдан ўтишим керак экан, деганлар, ушбу тадбирга ортиқча бир оворагарчилик сифатида қарайдиганлар ҳам топилганди. Никоҳни мустақкамлаш ва туғилажак фарзандларнинг соғлигини ўйлаган ҳолда тиббий кўриқнинг мажбур эканлиги белгилаб қўйилган. Бугун эса бунинг натижасини ҳам кўриб турибмиз: никоҳнинг олдидан ёшларнинг ўзи тугул ота-оналари ҳам, қариндош-уруғлари бир-бирларидан роса ижикилаб суриштиришади: «куёв (келин) тиббий кўриқдан ўтганми, унинг натижалари қандай?».

Аслида, икки фуқаро ўртасидаги мулкый муносабатлар ҳақидаги шартномани мажбурий равишда йўлга қўйиб бўлмайди.

Аммо, хусусий мулк бўлган жойда никоҳ шартномасининг ҳам амал қилиши ҳозирги даврда ҳаётий заруратга айланиб бўлди. Фақат унинг кенг оммалашуви, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти даражасига бевосита боғлиқдир. Шунингдек, бу борадаги ижобий самарага етаклаб келувчи ҳуқуқий тарғибот-ташвиқотга ҳам.

Ҳозирги даврда олға босишимизга халақит бераётган, тўскинлик қилаётган айрим урф-одат ва удумларни элнинг азалий қадриятлари қаторига мутлақо киритиб бўлмайди. Қадриятлар дейилганда, инсон ва инсоният учун ғоятда аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадлари йўлида беминнат хизмат қиладиган эркинлик, ижтимоий адолат, тенглик, маърифат, ҳақиқат, ҳалоллик, бурчга содиқлик сингари фазилатлар мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай инсон, энг аввало, ўз-ўзини асосли равишда ҳурмат қилиши, кадр-қиммати, ор-номуси, шаънига асло доғ туширмаслиги лозим – бу ўта муҳим инсоний фазилат ҳисобланади. Ўзининг иззат-ҳурматини теран тарзда билмасдан туриб, юксак маънавий бойликка етишиш, эл-юрт орасида чин маънодаги кадр-қиммат, муносиб обрў-эътибор топишни тасаввур қилиш хаддан ташқари қийин. Ўзини ўзи ҳурмат қилмаган, кадрламаган кишилар, турган гап-ки, ўзгаларни ҳам асло кадрлай олмайди. Ўз навбатида, бундай кишиларни ўзга одамлар ҳам мутлақо назар-писанд қилмайдилар, халқона, ўзбекона тил билан ифодалайдиган бўлсак, оддийгина сариқ чақага, яъни бир пулга ҳам олмайдилар. Кадр-қиммат инсонни юксакликка қадар кўтарадиган, унинг ҳаётий ҳамда ижодий фаолиятига, бутун орзу-интилишларига олижаноблик бағишлайдиган бениҳоя улуғ фазилат ҳисобланади...

Андиша – ўзбек халқи томонидан ғоятда қадрланадиган хислат бўлиб, хулқ-одобнинг ўзига хос бир мезони сифатида намоён бўлади. Инсон ўз ён-атрофидаги кишилар билан муносабатда ўзаро ҳурматни гоҳ тортинчоқлик, гоҳ вазминлик, гоҳ сабр-тоқат асосига куради ва бунинг таг замиридаям айнан ўша андиша ётади. У қайси бир шаклда бўлмасин, ақл ҳиссиётдан устун қўйилади. Андишали бўлиш орқали одам яқинлари томонидан ўзига нисбатан ҳурматни ва меҳр-оқибатни асраб қолади, ўзининг атрофида эса руҳий соғлом муҳитни вужудга келтира олади. Лекин, бу туйғу меъридан ортиқ бўлса, журъатсизлик келиб чиқади. Бундай ҳолатда шахс ўзининг фикри ва муносабатини очиқ-ойдин, рўйирост айтолмасдан роса қийналади. Бошқа кимсалар эса бу ҳолатдан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолади.

Андишали инсон ҳамиша ақл-идрок ҳамда хокисорлик билан иш юритади, сира ҳам бетгачопарлик қилмайди, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини роса ўйлайди. Андишали кишилар ҳеч қачон ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмайди, шошма-шошарлик, ўзибўларчиликка ҳеч йўл қўймайди. Бундай инсонларда ўзининг халқи ва миллати тақдирига нисбатан масъулият ҳисси ҳам ҳаддан ташқари юқори бўлади.

Лекин, ҳаётда шундай одамлар ҳам борки, улар диёримизда юз бераётган салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнларга нисбатан бефарқлик, лоқайдликни ҳам ўзларича андиша деб атайдилар. Ёш болаларнинг ҳам кўзига ярқ этиб ташланиб турган айрим бир ҳуқуқбузарликларни, бемаъниликларни мутлақо кўрмаганга, эл-юртимиз шаънига нисбатан қилинган изғво, бўҳтон, тухматларни бўлса эшитмаганга оладилар.

Биз, барчамиз мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида андиша, ўзбекчилик, муслмончилик деган улуғ тушунчаларни ўзига чиройли ниқоб қилиб олган қатор кусурлардан зудлик билан халос бўлмоғимиз даркор. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон, энг аввало, журъатли ва жасур бўлмоғи керак. Буюк халқимизнинг минг йиллар синовидан мардона ўтиб келаётган «Ўлдирса ҳам мард ўлдирсин!», деган ниҳоятда ҳикматли нақли ҳам бежиз бу ёруғ дунёга келмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29- моддасига биноан «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундай мустаснодир». Демак, ҳар ким ўз эътиқодига асосланган ҳолда, жамият, давлат ҳаёти

ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга доир фикр-мулоҳазаларини эркин равишда баён қилиш, мавжуд муаммоларнинг ечимига, ватанпарвар фуқаро сифатида ўз ҳиссасини қўшиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким маълум бир воқеа, ҳодиса, жараён ва ҳужжатларга ўзининг шахсий баҳосини бериши, давлат ҳокимияти ва бошқарув муассасалари ҳамда хусусий ва мансабдор шахслар фаолиятидаги мавжуд камчиликларни асосли равишда, уларга тухмат қилмасдан танқид қилиш ҳуқуқига эга.

Истиклолнинг истиқболли йилларида эришилган ютуғимиз ҳам, ҳозирда мавжуд муаммоларимиз ҳамда йўл қўйган камчиликларимиз ҳам фақат ўзимизники. Ушбу камчиликларнинг, мураккаб ҳаётимизда ҳамон учраб турган қийинчилик ҳамда етишмовчиликларнинг пайдо бўлишига, энг аввало, ўзимиз сабабчимиз, уларни бутунлай бартараф этиш учун ҳам, биринчи навбатда, ўзимиз жавобгармиз. Шу сабабдан ҳам ижтимоий-иқтисодий, маиший соҳаларга доир ўз дардларимизни ўзимиз тинимсиз равишда ошкор этишимиз, ўз вақтида ғоятда зарур чора-тадбирларини излаб топишимиз, ўзимиз орттирган касалликни тузатишимиз, бу юмушлар ҳар кунлик одатимизга айланиши керак. Ҳозирча бундай муолажага тўла-тўқис даражада эриша олмаёмиз.

Шўро тузумининг коммунистик тарбияси асоратлари ханузгача мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнига жиддий хавф солмоқда. Шу сабабга кўра Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида юртимизда эркин, мард, жасур ва мустақил шахслар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини дунёнинг манаман деган давлатлари ҳам жуда яхши кўриб, билиб, тан олиб, ҳавас қилмоқдалар. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йитирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан кичик иқтибос келтирадиган бўлсак, «Бир фараз қилайлик, биз бундан 17 йил олдин таълим соҳасини мутлақо ўзгартирган янги, замонавий босқичга олиб чиққан дастурларни қабул қилмасак, бугун ниҳоятда тез ўзгараётган глобаллашув даври ва ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётган Интернет асрининг ўткир ва мураккаб талабларига муносиб жавобни бериш, мамлакатимизнинг тараққиётини, истиқболини таъминлаш, биз кўзлаган, келажаги буюк давлат куриш деган жуда улуғ мақсадни олдимизга қўйишимиз мумкинми?».

Бугун катталар – бобо-бувилар, ота-оналар, устозлар ёшларнинг онги ва қалбига «Сенга ўзгалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда мавжуд қонунларга сира ҳам зид бўлмаган, ўзга инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатига мутлақо даҳл қилмайдиган, эзгу

иш айтилсагина, «хўп» дейишинг, қилишинг мумкин, акс ҳолда эса, бемалол ундайларга «йўқ!» дея олгин!», деган қондани ҳам тинимсиз сингдириб бормоқлари даркор. Албатта, бу жараёни бевосита ҳаётга жорий этиш жуда ҳам мушкул. Чунки, халқимиз онгига ўзгаларнинг кўнгиллини ҳар қандай ҳолатда ҳам сира қолдирмаслик хислати жудаям теран равишда сингиб кетган. Буни жуда яхши билиб олган ғанимлар бўлса халқимизнинг кўнгилчанлик фазилатини иллатта айлантрииб, бошимиз узра кўтарилган ўша болтанинг сопини ўзимиздан чиқариб олишга тинимсиз уринаётганларини ўзингиз ҳам билиб турибсиз.

Ислон Каримовнинг ғоят ҳақли фикрича, «Юртимизга қарши... тажовуз ва кўпоровчилик хуружларни ташкил қилиш нияти билан юрган кучларнинг тузоғига тушиб қолганларнинг аксарияти, биринчи навбатда, оилада ҳам, мактабда ҳам жиддий таълим-тарбия олмаган ёшлардир. Улар ижобий маънодаги ворисийлик, яъни аждодлардан авлодларга ўтиб борадиган ибратли анъаналардан ўта йироқ, муҳити носоғлом бўлган оилаларда ўсган, омади унча юришмаган, ҳаётда ўз ўрнини топмаган ва жамият эътиборидан четда қолган ўсмирлардир. Уларнинг кўпчилигини ҳаттоки ўрта мактабни битиришга ҳам ақл-идроки, кучи етмаган кимсалар ташкил қилади»...

Инсонга хос энг ижобий хусусиятлар, фазилатлар орасида юксак даражада қадрланадиган ишонч учинчи минг йиллик ибтидосидаги инсоният учун ниҳоятда қимматбаҳо, янада аниқроқ ифодалайдиган бўлсак, бениҳоя бебаҳо маънавий қадриятлардан бири ҳисобланади.

Ўзаро ишонч руҳи инсонлараро, юртлараро турли мулоқотлар юз берадиган жудаям кучли ҳамда ўта мустаҳкам пойдевордир. Ўзаро ишонч бўлмаса, ҳар қандай муносабатларнинг биноси, алдов, ёлғон, фирибгарлик, товламачиликнинг таъсирида дастлаб аста-секин нураб, сўнгра кулаб тушади. Шу боисдан ҳам бутун барчамиз ўз ўрнимизда, мавжуд ҳамма имкониятларимизни ишга солган ҳолда ғоят самарали фаолият кўрсатиб, илм-фанда, саноатда, зироатда, санъатда, спортда, умуман олганда, ҳуқуқий демократик давлат ҳамда адолатли жамият барпо этиш борасидаги дунё ҳамжамятида «Оламни махлиё айлаган диёр»имизга нисбатан уйғонган ниҳоятда катта ишончнинг, Шўролар замонида бўлгани каби, тагин қайтадан ғафлат босиб ухлаб қолишига мутлақо, сира ҳам йўл қўймаслигимиз даркор.

Одам, энг аввало, ўзига ишониши лозим. Барча, агар ўзимнинг кучимга ишонмасам, ўзимнинг мавжуд қобилиятимга умидимни ҳам боғламасам, ақлий, жисмоний ҳамда маънавий салоҳиятимни рўёбга

чиқариш мақсадида янгидан-янги энг мақбул йўллари кидирмасам, ўзимнинг мавжуд имкониятларимни намоён қилолмасам, ҳеч қачон менинг ҳеч қандай нарсам бўлмайди, деган буюк ҳақиқат билан ёниб яшамоғи даркор. Акс ҳолда бўлса, биз ўзимиз ҳеч қачон ҳеч нарсага эришолмаймиз ва амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг боши бўлса берк кўчага, қандайдир жинкўчага кириб қолиши ҳам мумкин.

Юртбошимизнинг 2015 йилдаги гапларига ҳам бир кулоқ тутиб кўринг-а: «Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда мана шундай мардлар ўсиб, вояга ҳам етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадики, эй, болаларим сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлақо бошқача!

Бизнинг ёшлигимизда бундай имконият ва шароитлар йўқ эди. Чунки биз бутунлай бошқа даврда яшаганмиз, бошқача мафқуранинг маҳсули бўлганмиз».

Бизнинг улуғ халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча муаммолар, кийинчиликларни писанд қилмайдиган, майда-чуйда нарсалардан ҳам нолиб юришни ўзига эп кўрмайдиган халқ. «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон»да ҳам унинг айрим вакиллари андиша туфайли (андиша – бир вақтнинг ўзида ўзбекнинг ҳам бахти, ҳам бахтсизлигидир. Бу хусусдаги айрим мулоҳазаларни юқорида билдирган эдик), эҳтимол лоқайдлик, бепарқлик туфайли кинғирлик, адолатсизликларни кўриб турса ҳам «менга нима?» дея миқ этмасдан, ўзининг кундалик майда ташвишлари билан андармон, машғул бўлиб кетавериши ҳам мумкин. Лекин, хаёлида, ичида «Эҳ, аттанг, шундай одам-а!» дейди, албатта. Бирок, ушбу фикрнинг ўзи ҳам ҳозирча етарли бўлса керак. Чунки, бизнинг донишманд аждодларимиз «Агар ёмонликни кўрсанг кўлинг билан, бўлмаса тилинг билан, ҳеч бўлмаганда эса дилинг билан унга қаршилиқ килгин» деган ақидага ҳамиша, қўлларидан ва тилларидан келганича, қурблари етганича қатъий равишда риоя қилиб келганлар.

Халқнинг қутлуғ назаридан қолиш эса – агар одамнинг жиндек виждони бўлса, чиндан ҳам ўлим билан баравардир. Бу ёруғ оламда кўп нарсалар абадий эмас, лекин шармандалиқ абадийдир. Сочлари кордек оқарган мозийнинг дарсликларидан бу хулосани исботловчи мисолларни керагича, ҳаттоки керагидан ортикчаларини ҳам бемалол келтиришингиз мумкин. Биз эса ҳозирча ёмонликка, ёвузликка қарши курашнинг учинчи, энг пастки поғонаси – дил (кўнгил, юрак) билан қаршилиқдан юқорироққа кўтарилишга ўзимиздаги журъатни жиддий

қидириб ҳеч топа олмаяпмиз. Маълум даражада иккиланиб турибмиз. Аслида-ку, иккиланишнинг ўзига ҳам журъат керак. Демак, бу борада қандайдир олдинга қимирлаш, силжиш бошланди, деб ҳисоблашимиз мумкин. Албатта, ҳаммамиз ҳам ўз жонимиз, ота-онамиз, биринчи навбатда, бола-чақамизнинг келажаги ва тақдирини ўйлаймиз. Ношуд раҳбарнинг хушомадгўйлари, лаганбардорлари ва югурдаклари рост, тўғри, тўқмоғи бор гапни билиб-билмасдан айтиб қўйган инсоннинг ҳолини росаям вой, унинг ишини бўлса яна суюк лой қилиб қўйиши мумкинлигини Сиз ҳам ҳам жуда яхши биласиз...

Юртбошимизнинг фикрича, «Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда эса адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга ҳалал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши жуда қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт...

Халқ вақтинча давом этаётган (барча) қийинчиликларга чидаши мумкин. Лекин, билиб қўяйлик, такрор айтаман: адолатсизликка (сира ҳам) чидамайди! Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолган (жудаям эски) бинога ўхшатиб қўяди...

...Халқ қаллоб ва юлғичларни кўриб-билиб турибди ва ҳеч қачон кечирмайди. Халқнинг сабр-тоқати чексиз эмас, қилмиш-қидирмиш деганларидек, жиноятчиларга ўз айбига яраша жазони бериш даркор. Жиноий жазодан (бир амаллаб) қутилиб қолиш ҳам мумкин. Аммо, худонинг қаҳри, халқнинг нафрати ҳамда лаънатидан қочиб қутилиб бўлмайди. Халқнинг назаридан қолиш, ҳаром йўл билан орттирилган бойлик бир кунмас-бир кун мукаррар равишда тешиб чиқади»...

Инсонни инсон қилиб турган миллионлаб улуғ маънавий-руҳий қадриятлар бор, уларнинг барчасини умумлашма ном билан Эзгулик дейилади. Кейин бўлса, одамнинг табиатида уни ҳайвонга айланишга мажбурлаб турадиган миллионта иллатлар ҳам бор, булар эса бир сўз билан Ёвузлик дейилади... Инсон аслида бу ёруғ оламга эзгулик учун туғилади. Ўзига ҳамда ўзгаларга яхшилик учун. Ўзининг кимлигини билмаган киши қандай қилиб ўзгаларга яхшилик қила олсин?! Унинг қўлга ўргатилган жонивордан сира ҳам фарқи йўқ. Яшашдан мақсад фақатгина яхши еб-ичиб, давру даврон суришдан иборат эмас. Агар

яшашдан асл мақсадимиз шу бўлса, оғилхонада сўқимга бокилаётган новвосдан ҳеч фарқимиз бўлмасди. Ўғри, фоҳиша, порахўр, ҳаромхўр сингари одамлардан фарқли равишда Инсон виждон билан туғилади.

Ахлокий суд – инсоннинг ўз виждон амри билан ўзи устидан ўзи ҳукм чиқаришидир. Агар одам бирорта қонунсиз ишни қилиб қўйиб, давлат, жамият ва жамоатчилик олдида жавоб бериши керак бўлса, бу – жиноят дейилади. Агар бирорта ишни қилиб қўйиб, ўзи олдида ўзи жиддий жавоб бериши керак бўлса, бу – виждон таҳлили деб аталади.

Қонун – давлатнинг виждонидир. Виждон эса инсон фаолиятини энг тўғри, адолатли изга солиб турувчи ички руҳий қонундир. Фақат виждон асосида инсон бошқа инсонларнинг гапларига қулоқ солади, улардан керакли ибратни олади, ўзининг фаолиятини муайян ахлоқ ва ҳуқуқнинг меъёр, мезон, низомларига мослайди, ўзини ўзи теравроқ англаши орқалигина ўзгаларни ҳам янада чуқурроқ англайди...

Виждон кишининг қундалиқ фаолияти, қилмиши, феъл-атвори учун аввало ўзининг олдида, қолаверса оила, жамоат, жамият, Ватан олдида маънавий масъулият ҳис этишидир. Виждонли киши ҳар хил адолатсиз ишлардан ғазабга келади, уларга жуда қаршилик қилади: ўз фаолиятининг яхши томонларидан қаноатланиб хурсанд бўлса, ёмон тарафларидан ниҳоятда норози бўлиб, руҳан жудаям эзилади. Дунёда Виждон азобидан оғир жазонинг ўзи бўлмаса керак. Ғоятда халқона мақол билан ифодаляйдиган бўлсак: Виждон азоби – гўр азоби.

Дунёнинг, давлатларнинг сарҳадлари бўлгани каби, ҳар қандай инсоннинг ҳам хатти-ҳаракатлар доираси чегараланмоғи кўпчиликка тушунарли. Миллий (барча мерос, анъана эмас) қадриятлар ва қонун асосида қурилажак ушбу сарҳаднинг номи инсонийлик чегарасидир. Бу чегарани бузиб ўтишга тинимсиз уринган ва бузганлар эса давлат ҳамда жамиятнинг ҳақли ва қонуний равишдаги тинимсиз таъқибига учраб, қилмиш, жиноятларига яраша, шубҳасиз, жазоланадилар. Ўша қонунбузарлар, жиноятчилар эса қўлга тушгач, «кўза бутунлай синиб бўлгач» аксарият ҳолларда барча гуноҳ ва айбларни ўзгаларга тўнкаб, турли-туман баҳоналарни қалаштириб ташлаб, «мени лаънати шайтон йўлдан уриб қўйди», «билмайин босдим тиконни...», дея аччиққина кўз ёшларини тўкадилар. Телевидение орқали кўп марта лаб намоёиш этилган, Жиноят ишлари бўйича вилоят, туман судларида чиқарилган адолатли ҳукмдан кейин кап-катта, соч-соқоллари анчагина оқарган кимсаларнинг «Энди бунақа ёмон ишларни бошқа қилмайман», деган

сўнги сўзлари бўлса, ҳаттоки мактабгача тарбия муассасаларига ҳар куни қатнайдиغان болаларнинг истеҳзоси ва кулгисига сабаб бўлади.

Бизларда «Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис», «Оч қорним, тинч кулоғим», «Эртанинг ғамини егунча...» сингари (менинг назаримда) одамни манқуртликка бошловчи, албатта ўзининг туғилган замонида маълум бир ҳаётгий асосларга эга бўлган мақолларнинг мавжудлигини ўзингиз ҳам мендан кўра яхшироқ биласиз.

Бизлар бутун дунёга бевосита дахлдор «Оламни маҳлиё айлаган диёр»имизда «Улуғ халқ қудрати жўш урган замон»да жуда оч қорин эмас, аслида тўқ қорин тинчлик-омонлик ва хотиржамликка етаклаб келадиган, онги, қалб кўзи диний экстремистик оқимларнинг ҳақиқий қулига айланиб, қутириб кетган кимсалар сохта даъватлари туфайли ожиз бўлиб қолган «кўр»ларнинг кўзини очишга «Жаҳолатга қарши – маърифат» шиори билан тинимсиз уриналадиган, фақат бутуннинг пойида эмаклаб юрмасдан, эртанги куннинг ғамини ҳам ейиладиган даврга етиб келганимиз сира ҳам ёдимиздан кўтарилмаслиги даркор.

Биз миллий истиқлолнинг истиқболли даврига қадар, аксарият ҳолларда, коммунистик идеология агитация-пропагандаси таъсирида, кўпчиликнинг ортидан эргашиб келдик. Аслида, доимо ҳам кўпчилик ҳақ бўлавермайди. Кўпчиликнинг фикрини гўёки адолатнинг ўлчови сифатида рўқач қилиш ҳоллари, энг аввало, ўз сиёсий манфаатларини кўзлаган тоифалар томонидан барча замон, ҳамма маконларда доимо содир этиб келинган. Одатда эса, мутлақ кўпчилик бор-йўғи, аксарият кўпчиликнинг орзу-ниятлари, фикр-мулоҳазаларинигина ифодалайди, холос. Кўпчилик кўпинча мутлақо ҳақ бўлгани учунгина эмас, айнан озчиликка нисбатан кўпроқ ва кучлироқ бўлганлиги сабабли «ютиб чиқади». Ўтмиш донишмандларидан бирининг ғоятда ҳақли таъбири билан айтганимизда, «Инсоният, башарият олами жуда озчиликнинг донолиги туфайли ҳам мавжуд, кўпчиликнинг нодонлиги сабабли эса у доимо зор қақшайди ҳамда ниҳоятда каттик кулфат чекади»...

Инсон ўзи яшаётган давлат ва жамият қонунларини жуда яхши билмас экан, доимий равишда турли-туман кўнгилсиз ходисаларнинг фаол иштирокчиси бўлиб қолаверади. Майли, билмаслик асло жудаям катта айб эмас, билмасликка бутунлай кўникиб қолишнингина ҳақиқий айб сифатда баҳолашимиз мумкин. Чунки, бизга барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятини яхшигина билиш, англаш имконияти берилмаган, лекин, ўзимиз унинг бағрида яшаётган табиат ва жамиятнинг асосий қонунларидан маълум даражада бохабар бўлишимиз жуда ҳам шарт.

Чунки, улуг аждодимиз Сулаймон Боқирғонийнинг жуда ҳақли таъбири билан айтилганда: «Маним хор бўлмишим, ўз гафлатимдан». Доно халқимизнинг «Бошингга не бало келса, бировданмас ўзингдан кўр!» ҳикмати ҳам сира ёдимиздан кўтарилмаслиги даркор. Айнан шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Президенти Конституциянинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Барака топкурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатоларимизни аввал ўзимиз танқидий кўз билан баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятига эга бўламиз», дея барчамизни жиддий равишда огоҳликка чорлаганди.

Матбуотда эълон қилинаётган қонунларнинг лойиҳалари аҳоли томонидан жуда кенг муҳокама қилиняпти, десак, маълум даражада ногўтри бўлади, яъни баҳолашда биров оширворган, ўзимизни ўзимиз ростдан ҳам алдаган бўламиз. Чунки, ҳозирги шароитимизда барча бирдай газета ва журналлар ўқий олиш имконига эга ҳам эмас. Босма оммавий ахборот воситалари саҳифаларида бўлса аксарият кўпчилик аҳолининг барча масалаларга доир фикр-мулоҳазаларини тўла-тўқис ёритишнинг ҳам имкони йўқ. Инсон ҳуқуқларига дахлдор ҳужжатлар билан жиддий танишишга ниҳоятда катта интилиш сезилмаётганлиги учун фуқароларни айблаш фикридан ҳам анча йироқмиз. Қолаверса, ҳатто айрим ҳуқуқ-тартибот идораларининг баъзи бир ходимлари ҳам чиқарилаётган қонунлар ва фармонлар, ҳукумат қарорларини етарли даражада ўрганмоқдалар, дея тўла-тўқис ишонч билдира олмаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти жуда ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш энг асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни жиддий ҳаётий эҳтиёж сифатида ҳам англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади».

Ҳуқуқий маданиятли шахс фақат қонунларни билиб ва ҳуқуқий билимлардан яхши хабардор бўлибгина қолмай, уларга сира оғишмай амал қилади, тўла-тўқис итоат этади. Бундай инсон ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа кишилар томонидан сурбетларча бузилишига,

қонунларнинг поймол қилинишига бепарволик ва лоқайдлик билан оғзини катта очиб қараб, лаллайиб ўтирмасдан, ушбу муаммо ҳақида жамоатчиликка зудликда хабар беради ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига ёки судга мурожаат қилиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам турли-туман қинғирликлар, адолатсизликлардан ҳимоялайди.

Ҳар қандай низолар ва можароларни бартараф этиш учун шахс қонунга хилоф кучларга эмас, аксинча тегишли давлат идораларига, пировардида бўлса бевосита судга мурожаат қилмоғи даркор. Адолат тантанаси учун тинимсиз равишда курашиш ҳуқуқий маданиятли ҳар бир фуқаро ва ҳар қандай инсон зиммасидаги энг юксак фуқаролик ва инсонийлик бурчидир.

Кўпинча Шўролар тоталитар тузумининг жабр-зулмини росаям, керагича тортган, сутдан оғзи қаттиқ куйиб, музлаткичда муздаккина бўлиб турган қатикни ҳам пуфлаб ичадиган, бир пайтлар илон чақиб олгани туфайли ҳам, оддийгина арқонни кўрса юраги орқасига тортиб кетадиган айрим катта ёшлилар баъзи ёшларга қарата «Болам, зинҳор сиёсатга аралаша кўрмагин!», дея панд-насихатларни ҳам қиладилар. Донишмандлик илмида эса, «Агар сен сиёсат билан шуғулланмасанг, сиёсат сенинг ўзинг билан шуғулланади», деган бир муҳим қоида ҳам бор. Сиёсатда энг бошланғич субъект – шахс, фуқаро ҳисобланади.

Ота маконимиз – Ўзбекистон Республикасида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ўта муваффақиятли амалга оширилаётган замонда фуқароларга конституцион, жумладан сиёсий ҳуқуқларини ифода этишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш тўғрисида»ги фармойиши ҳам айнан ушбу эзгу мақсадга хизмат қилади. Мазкур Фармойишдан кўзланган асосий мақсад Конституциянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунини ва моҳиятини кенг халқ оммаси, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ҳамда маданияти мазмунига сингдириш, ана шу тариқа жамиятимизда Конституцияга, қонунларга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратиш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш савиясини юқорироқ даражага кўтариш, энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, ҳар бир фуқаро, айниқса ёшлар ўз ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиши орқали ўзлигини тўла англаб етишига эришишдан иборатдир.

Конституция давлатнинг асосий қонуни бўлса ҳам, у фақатгина давлатнинг ўзигагина эмас, айнан фуқароларга хизмат қилиши керак.

Давлат Конституциясиз ҳам бемалол яшай олади. Яшаганда ҳам, агар конституция йўқ бўлса, давлатнинг фаолияти чекланмаган даражада амалга ошади. Бундан эса, энг аввало, фуқаролар қаттиқ азият чекади. Конституция ана шу азият, зўравонлик бўлмаслиги учун ҳам керак.

Конституция бўлмаса, ё фуқаролар мавжуд конституцияни ҳам чуқур билмаса, у ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қила олмайди ёки ҳимоя қилиши жуда ҳам қийин кечади. Бундан ташқари, агар, эртага бутун бошли давлат ва жамиятни бошқаришнинг барча масъулияти ўз зиммасига юкланадиган бугунги ёш авлод «Оламни маҳлиё айлаган диёр»нинг қонунларини яхши билмаса, унинг мустақил фикри ҳам шаклланмайди. Чунки, ўзингизга ҳам ғоятда яхши маълумки, Асосий Қонун ҳаёт томонидан бизнинг олдимизга қўйиладиган деярли барча мураккаб саволларга жўяли равишда керакли жавоб берувчи ҳуқуқий ҳужжатдир, миллий истиқлол, ҳурриятнинг ҳуқуқий ҳимоячисидир.

Конституцияни билмайдиган, уни ўрганишга ҳаракат қилмаган одамларни, айниқса бугунги, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар янада чуқурлашиб, ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни бўлса тобора ривожланиб бораётган кўтаринки ва жўшқин даврда тушуниш ниҳоятда қийин.

Ўзини ўзи ҳурмат қиладиган ҳар бир инсон Конституциямизни, унинг мазмун-моҳиятини яхши билиши керак. Чунки, Конституцияни ғоятда теран билмайдиган ҳар бир инсон учун у ўзига хос ноёб ҳуқуқий қуролнинг вазифасини ўтайди. Ундан ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларига ўзга бир кимсалар томонидан таҳдид ҳамда тажовуз қилинганида унумли равишда, ўта усталик билан фойдалана билиши, кўплаб ўзбошимчаликлар, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уни моҳирона қўллаши, янги муаммоларнинг эса олдини олиши мумкин.

Демак, Конституцияни билмаслик, ўзига хос равишдаги ҳуқуқий ожизликнинг белгисидир. Бундай номақбул ҳолатни биз бемалол, сира ҳам иккиланиб ўтирмасдан конституциявий кафолатларга нисбатан жиддий хавф-хатар ҳамда таҳдид сифатида баҳолашимиз мумкин.

Донишманд халқимиз юрт тинчлигини, қўнғил хотиржамлигини ҳар нарсадан устун қўяди. Ёши ниҳоятда улуг бобо ва момоларимиз: «Тинчлик-хотиржамликка нималар етсин?», «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади» каби бениҳоя ибратли гапларни тез-тез такрорлаб турадилар. Бизнинг болалигимизда маза қилиб эшитган эртақ, мақоллар ва маталларларимизда ҳам тинчлик-омонлик мавзуси батафсил ёритилгани сира бежиз эмас. Буларнинг бир бебеҳо хикмати

борлигини ўзингиз ҳам яхши биласиз. Бутун мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг метиндек мустаҳкам пойдеворини, фундаментини аслида тинчлик-омонлик, осойишталик, барқарорлик ҳамда миллий хавфсизлик таъминлангани ташкил этади.

Америка Қўшма Штатларида самарали фаолият кўрсатадиган «Gallup World» компанияси анчагина вақтлар мобайнида олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, бизнинг Ота юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамлик ва барқарорликка хорижлик замондошларимиз ҳам ҳавас қилса росаям арзийди. Сабаби, МДҲ мамлакатлари орасида бизнинг серкуёш Она диёримиз – Ота юртимиз фуқаролар тинчлиги ва хавфсизлиги таъминлангани бўйича биринчи ўринни эгаллаган.

138 мамлакат аҳолиси ўртасида сўровномалар ўтказган «Gallup World» компаниясининг «Ижобий таассуротлар кўрсаткичи» номи муҳим тадқиқотида Ўзбекистон Республикаси Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида биринчи ўринни, дунёда 29- ўринни банд этган. Бу бўлса, 34- ўринни эгаллаган Франция, 54- ўринни банд этган Буюк Британия, 60- ўринда дея тан олинган Япония каби жаҳоннинг ривожланган давлатларига қараганда яхши натижага эришганлигини рўй-рост, ёрқин англатиб турибди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2014 йил 19 сентябрь сони).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ва бошқентимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий боғда ўтказилган катта тантаналарда сўзлаган нутқида Бизнинг онгимиз ва қалбимизга ўта руҳий кўтаринкилик, ғурур-ифтихор бағишлайдиган, маррани тағин янада баландроқ олиб фаолият кўрсатишга ундайдиган факт, рақамлар келтирилган: Миллий Истиклол йилларида юртимиз «иктисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсган, аҳоли реал даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробарга ошган, бунга эришиш учун ўтган давр мобайнида иктисодиётимизга 190 миллиард доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан 65 миллиард доллардан ортик хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобидан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика каби бир қатор соҳа, тармоқларга асос солинди... Ўтган даврларда харид қобилияти бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 4 марта ўсган ва ҳозирги кунларда бу кўрсаткич 6,5 минг АҚШ долларини ташкил

этмоқда... Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган ўзига хос рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида Она юримиз 5- ўринни эгаллаган, шунингдек, Бирлашган Миллатлар ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотларнинг асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ота маконимиз 158 мамлакат ўртасида 44- погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мамлакатлари орасида эса 1- ўринни эгаллаган...»

Жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг навбатдаги Индексини эълон қилган «The World Justice Project» мустақил халқаро ташкилоти йиллик маърузасида маълум қилинишича Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот ва ҳавфсизликни таъминлаш бўйича етакчи беш мамлакат қаторидан ўрин олган. Маърузада таъкидланишича ҳуқуқ устуворлиги жамият барқарор иқтисодий ўсишини таъминлайди ҳамда дунёнинг барча мамлакатлари ҳукуматларининг масъулиятини кучайтиришга жиддий кўмаклашади ва инсоннинг ҳуқуқларига нисбатан ҳурматни оширади. Мазкур Индекс биринчи мартаба 2010 йилда эълон қилинган бўлиб, жаҳоннинг турлича мамлакатларида ўтказилган ижтимоий сўровлар натижаларига ҳамда эксперт манбаларини ўрганишга асосланган ноёб тадқиқотдир. Давлатларга асл баҳо беришда «Тартиб ва ҳавфсизлик» йўналишига энг бош мезонлардан бири сифатида ёрдашилиб, унинг доирасида 99та мамлакатдаги тартиб-интизом ва ҳавфсизлик билан боғлиқ вазиятларни кўриб чиқилган, ушбу мамлакатлардаги ҳуқуқий муҳитни, жамият ҳамда давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини, мустақил ва холис, адолатли судлар мавжудлигини, ҳуқуқ-тартибот органлари эса нечоғли самарали фаолият юритишини ва бошқа омилларни ниҳоятда чуқур таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Давлатлар ютуқлари, энг аввало, жиноятчиликка қарши кескин курашиш, сиёсий зўравонликлар, шу жумладан, терроризм, қуролли тўқнашувлар ва сиёсий тартибсизликлар, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда жиноий одил судлов тизимига нисбатан ишончнинг йўқотилиши оқибатида юзага келадиган зўравонликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқ устуворлигини тўла таъминлаш бўйича асосий тамойилга риоя қилинишининг самарадорлигига кўра баҳоланган.

Индексда ушбу омил бўйича Япония биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўрин эса Сингапурга берилган. Учинчи ўринни Ўзбекистон, Дания ҳамда Гонконг эгаллаган. Ўзбекистондан кейинги ўринларда АҚШ, Бельгия, Норвегия, Эстония, Қозоғистон, Россия ва бошқа бир

давлатлар номлари қайд этилган. Халқаро экспертлар шуни алоҳида ўта ишонч билан таъкидлаганки, юксак инсонпарварлик руҳи билан суғорилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўзига мос нуфузиниям ошириб юборган. Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъмин этиш борасидаги рейтингда ўзига муносиб ўринни эгаллагани озод, истиқлол, хурриятга эришган диёримизда ўта муваффақиятли тарзда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг изчиллиги ва самарадорлигининг яна бир ниҳоятда ёрқин тимсолидир. Демократик қурилиш борасида давлатимиз томонидан тўпланган роса ноёб тажриба дунёнинг жуда кўплаб мамлакатлари учун ҳам ўзига хос ибратли намуна сифатида хизмат қилиши мумкин («Халқ сўзи», 2014 йил, 24 апрель). 2015 йилда эса бу кўрсаткич бўйича Ота юртимиз 2- ўринга қўтарилган.

Бир ҳақиқатни барчамиз бирорта гап-сўзсиз тўла тан олмоғимиз даркор: бугунги кунларга қадар қандай мислсиз ютуқларга эришган, қандай баланд ва юксак чўққиларни забт эта олган бўлсак, уларнинг барчаси ҳаётбахш илдинини, энг аввало, Асосий Қомусимиз, хуррият химоячиси – Конституциямиз ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қоидалари ҳамда нормалари тарғибот-ташвиқоти борасидаги ишларни янада бойитиш ва янги, янада юқорирок поғонага олиб чиқиш мақсадида айрим бир таклиф ва мулоҳазалар билан ўртоқлашиш зарурияти ҳам туғилади:

Аввало, Конституциянинг ҳар бир моддаси бизнинг ҳаётимизда қандай даражада қўлланаётганини чуқурроқ таҳлил этишимиз даркор. Фикримизча, бунинг учун барча суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ўзларининг фаолият йўналиши бўйича Конституция меъёрлари амалиётда қўлланишининг асл самарасини таҳлил этишни мунтазам тарзда йўлга қўйса ҳамда унинг мониторингини ўтказишни ташкил этса белгиланган мақсадга жудаям мувофиқ бўларди.

Иккинчидан, Конституцияни жиддий тарзда ўрганиш, мукамал равишда билиш нафақат ёшлар, ва шу билан бирга давлат идоралари ходимлари ва мансабдор шахслар учун ҳам ниҳоятда зарурий талаб ҳисобланади. Чунки, улар ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, турли соҳа ва касб эгалари бўлган мутахассис ва амалиётчилар учун семинар-кенгашлар, илмий-амалий конференцияларни доимий равишда ўтказиб турилиши зарур. Ушбу анжуманлар туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражаси бўйича ташкил этилса, ҳаммамизга янада фойдали бўларди.

Учинчидан, ёшларнинг Конституцияни мукаммал ўрганишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкин бўлган тадбирлардан бири сифатида мактабларда юқори синф ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари ўртасида «Конституция мавзусига бағишланган энг яхши реферат» танловини ўтказиш ижобий самара беради. Шунинг ҳам эътироф этиш даркорки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ташаббуси билан ҳар йили адлия идоралари ходимлари орасида шундай рефератлар ва газета ҳамда журналларнинг саҳифаларида босилган илмий, илмий-оммабоп мақолаларнинг танлови ҳам ўтказиб келинмоқда.

Тўртинчидан, ўқувчи-ёшлар орасида Конституция ва амалдаги қонунчилик бўйича бир неча босқичли республика олимпиадаларини ўтказиш, радио ва телевикториналар, тест синовлари, баҳс-мунозара клубларини ташкил этиш, шунингдек, Конституция мазмун-моҳияти ҳамда хусусиятларининг, моддаларининг реал ҳаётга жорий этилиши натижасида қўлга киритилган ютуқларни ифодаловчи мультимедиа дастурларини тайёрлаб, уларни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва ўқув муассасаларида кенг миқёсдаги тарқатиш Бош Қомусимизни янада чуқурроқ ўрганишга салмоқли ҳиссани қўшган бўларди.

Конституция ҳамда қонунларни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш – Ота маконимиз – Она Ватанимизни кўз қорачиғидек ҳимоялашдир. Конституция ва қонунларни ҳимоя қилиш учун эса, энг аввало уларни ниҳоятда яхши, теран тарзда билишимиз керак. Инсон ўзи билмаган, ўқимаган, сира укмаган, англамаганини ҳеч қачон ҳимоя қилолмайди, асрай олмайди аниқроғи, ҳимоялаш даркорлигини мутлақо билмайди.

Шунинг учун ҳам бугунги, Миллий Истиклолимизнинг чорак асри ҳам аста-секин буюк тарихимиз саҳифаларига зарҳал ҳарфлар муҳрланаётган даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларни ўта жиддий, синчиклаб ўқиш, уқиш, ўрганиш, билиш ва теран англаб етиш ҳамда уларга катъий равишда амал қилиш ҳам ватанпарварликнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ИФОДАСИ.....	3 – 26
ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ АСОСИ.....	27 – 56
ЭРК ВА ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ.....	57 – 89
ОТАМЕРОС ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ.....	90 – 122

Бахтиёр ИСОҚОВ

БОШ ҚОМУСИМИЗ — ОР-НОМУСИМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
байрамига бағишлаб ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий тадбирлар, таълим-тарбия ҳамда
тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун
қўлланма

Мухаррир:	Зохида Кенжаева
Бадий муҳаррир:	Фарҳод Исоқов
Дизайнер:	Шаҳноза Исоқова
Мусаххих:	Комила Қаюмова
Саҳифаловчи:	Наргиза Исоқова

2016 йил 10 январда теришга берилди. 2016 йил
24 февралда босишга рухсат этилди. Бичими 60x84
Ҳажми 7,75 босма табоқ. *Times New Roman* гарнитурасида терилди. Офсет
усулида босилди. Буюртма - 109
Адади 100 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриётни
160108, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй

Нашриёт лицензия рақами АІ-156
2009 йил 14 августда берилган

“Заковат” нашриёт уйи” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 7-уй



Бахтиёр Робиддинович ИСОҚОВ –

1958 йилда Янгиқўрган туманининг Поромон қишлоғида таваллуд топган. 1980 йилда ТошДУ (ЎзМУ) тарих факультетини тамомлаган. 1986 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 270дан зиёд илмий, илмий-услубий ҳамда 600 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Унинг «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра», «Этнография амалиёти», «Бунёдкор ғоялар», «Жамият тараққиёти асоси», «Зиёлилик масъулияти», «Тараққиётнинг қудратли қаноти», «Мустақиллик – муаззам масъулият», «Анъаналарни абадиятга айлантирган айём», «Башариятнинг боқий байрами» каби 10дан зиёд ўқув, услубий қўлланма, китоб ҳамда рисоалари чоп этилган.

2001 йилда «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони ва 2003 йилда «Меҳнат шўхрати» ордени билан мукофотланган.



ISBN 978-9943-4608-5-0



9 789943 460850